

Тоҳир Қаҳҳор

Ҳур Туркистон
учун

ТОШКЕНТ
ЧУЛПОН-НАШРИЕТИ

63.3(2У) Қаҳҳор, Тоҳир.

К 35

Хур Туркистон учун: Мақолалар /.— Т.:
Чўлпон. 1994. — 112 б.

Минг-минг йиллардан бери дунёга донғи таралган она Ватанимиз Туркистон ва туркистонликлар тарихини ўрганиш, мустамлакачиликка қарши курашган қаҳрамон юртошларимизни таниш—Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир ёшга кекса инсонларимизнинг бурчидир. Миллатимиз ва Ватанимиз тўғрисидаги асл тарихларни билиш — миллий онгининг илк мақтаби, Ватанга эга чиқишнинг, Ватанчиликнинг биринчи дарсидир.

Тоҳир Қаҳҳорнинг «Хур Туркистон учун» номли бу китоби Ватанимизнинг энг эски тарихлари, ўтган аср ва асримиз бошидаги мустамлака ҳаёти ва ҳуррият учун курашиш ҳаракатлари, йигирманчи йилларда муҳожиротга чиқиб кетган юртошларимизнинг озодлигимиз учун олиб борган фаолиятлари тўғрисида ҳикоя қилади. Ватанимиз ҳуррияти учун кураш мавзуси чет эллардаги ватандошларимиз матбуоти, китоблари, газета ва журналлари воситасида — аниқ ҳужжатлар асосида ёритилади.

Китоб кенг китобхонлар оммасига — ўз халқи ва ватани тарихини билишни истagan ўқувчига мўлжалланган.

Қаҳҳор, Таҳир. За независимый Туркестан:
Статья.

ББК 63.3 (2У)

ISBN 5-8250-0393-2

К 4702620201—41
360 (04)—94 Кўш. 94

© Тоҳир Қаҳҳор. 1994

МУҲОЖИР ТУРКИСТОНЛИКЛАР МАТБУОТИ

Бу кунда дунёнинг турли ўлкаларида беш миллиондан ортиқ муҳожир туркистонликлар яшамоқдадир. Улар асосан шўро даврида она ватандан мавжуд ҳақсизларча сиёсат сабаби билан чиқиб кетган, қочиб жонини асраб қолган, кўчган инсонлардир, уларнинг наслларидир. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини эълон қилган қутлуғ бир кунларда бу мустақиллик учун яшаган, курашган, моли билан, жони билан бу йўлда хизмат қилганлар ҳақида сўзлаш шартдир.

Шундай бир гап бор: агар бир мамлакат босиб олinsa, унинг муҳожирлари тирик экан, у мазлум ва маҳкум мамлакат ҳам яшаб тураверади.

Юртимиз, миллатимиз темир парда остида маҳкумона ҳаёт кечирган бир пайтда, биз тўғримизда чет эл матбуоти (худди ҳозирги баъзи марказий матбуот нашрлари каби) доимо ёлгон, тесқари, бизни янада маҳкум қилиш учун йўл очадиган мафкура билан шуғулланди. Аммо бунга қарши ўлароқ чет эллардаги туркистонликлар, уларнинг энг фидокорлари газеталар, журналлар, китоблар чиқардилар ва бу мустамлакачилик сиёсатини ёқлайдиган босқинчилик мафкурасини фош этароқ, қадимий, бой, шарафли ва бахтсиз Туркистон ҳақида аччиқ ҳақиқатларни дунёга билдириб турдилар.

Туркистон деганда яқингача халқимиз Ясени шаҳрини, Туркистон туманини тушуниб келдилар; қарийб олти миллион квадрат-километрга чўзилган буюк бир юрт Туркистон эканини, ўн бир минг йиллик тарихга эга, дунёнинг энг қадимги маданият маркази Таитритог ва Туркистон эканини, тарихда юз йилгирмата давлат ва салтанат қурган бутун турк халқларининг тарқаган жойи, ота юр-

ти Туркистон эканини, ҳамма турк эллари қондош, қисматдош, фожиадош эканини унутгадилар. Чунки, доктор Боймирза Ҳайит айтганидек, «Туркистон Русия империализмининг икки юз саккиз йил давом эттирган истилочилик сиёсатининг қурбонидир. Россиянинг бу сиёсати 1716 йилда бошланиб, аввалига Қўқон хонлигини, сўнгра 1924 йилда Бухоро ва Хоразм давлатларини йўқ этмоқ билан тамомланган эди. Рус истилосининг бошланиши билан унинг зўравонлик ва зулмлар сиёсати ҳам бошланган эди.

Туркистон тупроқлари Русия томонидан ишғол этилди. Миллатимиз зулмларнинг ҳар турини кўрди. Аммо миллатимиз Русия тарафидан ишғол этилган тупроқларнинг асл эгаси эканлигини ҳам унутмади. Ҳақиқатан ҳам, бугунга қадар Туркистон — ишғол этилган бир ўлка, лекин таслим бўлмаган бир миллат ҳолда ўз бирлигини сақлаб келмоқдадир». Муҳожир олимимиз бу сўзларни 1990 йилнинг охириги ойида, Истанбулда бўлиб ўтган туркистонликларнинг халқаро Миллий Туркистон Қурултойида айтган эди¹. Орадан ўтган вақт мобайнида кўн ўзгаришлар кечди, эски Туркистонда оталаримиз давлатини парчалаб, шўролар қурган барча жумҳуриятлар ўз мустақиллигини эълон қилди, бу ҳам олимнинг «таслим бўлмаган миллат» эканимиз ҳақидаги фикрини тасдиқлайди.

Муҳожир туркистонликларни матбуотимиз олтимиш беш йилдан бери ҳақсиз ёмонлаб келди, туҳматлар қилди. Ганимларимиз ва уларнинг ёлланганлари ватандошларимиз билан алоқа қурмаслигимиз учун ҳар не разолат ва қабохатга боришди: 1925 йилдан бери муҳожирларни «акселинқилобчи», «бой», «босмачи», «ватан хоини», «антисовет» каби ёрлиқлар билан бадном айлашга бағишланган 126 та китоб, саноқсиз мақолалар чиқарилди; радио ва телевидениеда муттасил «қарши тарғибот» олиб борилди. Бунга жавобан сабрли ватандошларимиз нима қилдилар? Яна сабр қилдилар, яхши кунлар келишига умид, ҳасрат билан кўз тутдилар. Етмиш йил давомида бизнинг бошимиз эгик, тилимиз, овозимиз кишанли, миллат сукутга чўмган даҳшатли ёвузлик тинлигида муҳожирларимиз чет элларда бошларини тик тутиб, Туркистон дедилар, маҳкум туркистонликларнинг аҳволини ташқи дунёда ўз сўзлари билан, ҳаётлари билан билдириб турдилар; Бир-

¹“Türkistan”, dergi, Istanbul, 1991, N 13, s. 26.

² «Туркистон» журнал, Истанбул, 1991, № 13, 26-бет, туркча.

лашган Миллатлар Ташкилотига аъзо барча ҳур давлатлар байроқлари тик қилпираётган экан, маҳкум Туркистон байроғи ерга бошини букиб, осилтириб қўйилганида ҳам уларнинг асл ватанпарварлари ҳар ерда тирик байроқ бўлдилар. Ватандошларимиз дунёнинг қаерида яшамасинлар, ўз она юрklarини — маҳкум, мустамлака Туркистонни ва эзгин, мазлум, олижаноб туркистонлик миллатдошларини унутмадилар. Улар «темир парда» ортидаги ватанлари ва ватандошлари ҳақидаги ҳақиқатларни дунёга билдириб турдилар. Йигирманчи йиллардан бери дунёнинг беш қитъасида сочилиб яшаётган муҳожир туркистонликлар ҳар ерда ўз жамиятларини қурдилар, газета, журнал, китоблар чиқардилар. Муҳожирларимиз нашр этган асарлардан баъзиларини эслаб ўтарканмиз, уларнинг ватансевар юраклари, шахсиятлари олдида ҳурмат ва севги билан бош эгамиз.

Туркистон ҳақида энг катта, қимматли асарлар битган Аҳмад Закий Валидий Тўғондир. У бошқирд туркидир, бутун турк дунёсига унутилмас хизмат қилган, йигирманчи йилларда Туркистонда тузилган Миллий ҳукуматларда фаол қатнашган арбоб ва олим инсондир. Унинг турклик тарихига бағишланган «Умумий турк тарихига кириш», «Бугунги Туркэли—Туркистон ва яқин тарихи» каби ўнлаб китоблари бутун жаҳон туркиятчи олимлари томонидан тан олинган асарлардир. Яна бир бошқирд ирқдошимиз, профессор Абдулқодир Инон ҳам Туркистон ҳақида қатор асарлар битган, улардан «Дукчи Эшон исёни», «1916 йилдаги қўзғолон» («Турк култури», № 11 ва № 12, Анқара—1963) муҳимдир. Муҳожирларимиздан улуғ ватанчимиз Мустафо Чўқайўғлининг «1917 йил хотира парчалари» (Берлин—1937) ва бошқа асарлари билан бугунда ўқувчимиз аста-секин таништирилмоқда. Абдулла Ражаб Бойсуннинг «Туркистон миллий ҳаракатлари» (Истанбул. 1943, 1945 нашрлари бор) китобида Туркистон харитаси, ўттиз бешта расм, ўн саккизта васиқа мавжуд. Доктор Боймирза Ҳайитнинг «Туркистон Русия ила Чин орасида» (Истанбул — 1975), «Туркистоннинг қисқача тарихи» (Берлин — 1944), «Туркистонда ўлдирилган турк шоирлари» (Анқара — 1971; Бехбудий, Қодирий, Фитрат, Чўлпон каби қахрамон, шаҳид адибларимиз ҳақидаги китоб — Т. Қ.) «Коммунизм ва Турк дунёси» (Анқара—1975) каби ўнлаб китоблари бу мавзудадир. Проф. доктор Иброҳим Ёрқиннинг турк матбуотида чиққан жуда кўп асарларини, доктор Абдулваҳоб Уқтойнинг, Наим Уктамнинг мақолаларини, про-

фессор Тоҳир Чигатойнинг матбуотдаги буюк фаолияти ва «Қизил империализм» (Истанбул—1958), «Қизил империализм — II» (Истанбул — 1962), «Туркистон саёҳатномаси»дан келиб чиқадиган ҳақиқатлар (Истанбул — 1960) китобларини эслаш ўринлидир. А. Шокир Туроннинг «Туркистон библиографияси» (Анқара—1972) китоби эса бу мавзунини тереин ёритадиган манбаадир. Шунингдек, Туркистондаги миллий кураш қаҳрамонлари Шермуҳаммадбек ва Нурмуҳаммадбекларнинг қисман матбуотда босилган ва асосан босилмай ётган дафтардафтар хотиралари бордир. Бу ҳақда Али Бодемжиннинг «Туркистон ва Анвар пошо» китобидан тўлиқ билиб олиш мумкин. Китоб «1917—1934 йиллардаги Туркистон миллий истиқлол ҳаракати ва Анвар Пошо. Қўрбошлар» деб ҳам аталади. Биз юқоридаги билгиларини шу китобдан олдик (Истанбул—1975), Шарқий Туркистон мавзусида Муҳаммад Амин Буронинг «Шарқий Туркистон тарихи» (Кобул — 1940), Исо Юсуф Алптегиннинг «Асир Туркистон учун» (Истанбул—1985) китоблари машҳурдир.

Муҳожир туркистонликлар йигирманчи йилларданоқ ўз газета-журналларини чиқара бошлаганлар. Булар ичда муҳимлари Истанбулда 1927—1931 йилларда босилган «Янги Туркистон» журнали, 1929—1939 йилларда Берлинда нашр этилган «Еш Туркистон» (эски ўзбек ёзувида) журнали, 1940-йиллардан бери ҳозиргача босилиб турган «Миллий Туркистон» (Олмонияда) журнали, 1953 йилда Истанбулда нашр бўлган туркчадаги «Туркистон» журнали, Мисрда 1953 йилдан араб тилида чиқа бошлаган «Савт-ут Туркистон» журнали, 1954 йилда босилган «Овод Туркистон» (Туркистон туркчасида) журнали, Покистоннинг Кирачи шаҳрида босилган «Таржимони афкор» журнали, 1988 йилдан бери Истанбулда туркчада чиқайтган «Туркистон» журналидир.

Бу нашрларнинг, шубҳасиз, ўзига хос қадру қиммати мавжуд, уларнинг ҳар бири ҳақида маълумот бериш шарт. Аммо биз бу нашрларнинг қўлимизга етиб келганига, ўқиб, англай олганимизга қараб, имкониятимиз доирасида фикр юритиб, муҳтарам ўқувчиларимизга улардан баъзиларини танитмоқ истагидамиз.

ХУР ТУРКИСТОН УЧУН

«Хур Туркистон учун» истиқлолчи газетаси¹ 1975 йилдан 1977 йилга қадар мунтазам равишда Истанбулда турк тилида чиқиб турди. Унинг асосчиси, эгаси, умумий нашриёт мудирини Зиёвуддин Бобоқурбон эди. Газетанинг ёзув ишлари мудирини Гундуғди Саруханўгли, идора мудирини Нуриддин Покюррак эди. Бу нашр Туркияда, Америка, Оврупода, Осиё ва Африка минтақаларида яшаётган туркистонликлар ичида кенг тарқалди. Газетанинг 15 ўчоқ (январ) ойида чиққан биринчи сониди «Неден чиқий-ўруз» — нима учун бу газетани чиқаряпмиз маъносидан бошлеув бор. Унда: газетамиз номининг ўзиёқ мақсадимизни билдиради; биз бўлимас, ягона Туркистон фикридамыз, Туркистон истиқлол жабҳаси сафидамыз; эллик йилдирки, Туркистон ичида ва ташқарисиди миллий фикрда йўл берилмайтир, биз бунга йўл истаймыз; истиқлол масаласини Туркистон миллий мустақилликка эга бўлгунча шараф билан ташиёмыз; бошламаёқ биздан, давом эттирмаёқ сиздан... деган гаплар бор.

Муҳожирларимиз шараф билан фикрда ташиган мустақиллик бугунда расман дунёга маълум этилди. Шунуқтаи назардан газета саҳифаларини кўздан кечирарканмыз, муаллифлар юртимиз дардини ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маданий-адабий жиҳатлари билан имкун қадар тегингига интилганини кўрамыз. «Дунё сулҳи, тинчлиги учун Русия ила Чин орасиди мустақил Туркистон давлати шартдир» деган сарлавҳа остида берилган мақола мазмунини сарлавҳанинг ўзидан маълум. Унда, жумладан, шундай дейилади: «Ангола, Мозамбик, Гвинея-Бисау каби қарам мамлакатларга 1975 йилда мустақиллик берилди. Африкада мустамлакачилик тугаётган бир даврда Русия ва Чин идораси остидаги Осиё ерларида қуллик давом этмоқда. Бу икки давлат қўлига Русия ва Чин ўртасиди йигирма бир миллат қарам бўлиб турибди. Бутун дунё бу миллатларнинг мустақилликка етишувларини сабр билан кутмоқдадир».

Муҳожирларимиз матбуотида адабиётимиз намуналари ўттизинчи йиллардаёқ кенг тарғиб қилингандек, бу

¹ «Hür Türkistan için istiklâlci gazete», İstanbul 1975—1977.
«Хур Туркистон учун истиқлолчи газета», Истанбулда 1975—1977 да туркияда чиққан газета.

газетада ҳам мунтазам миллатсевар шоирлар ижоди, ватан мустақиллиги йўлида етишган миллатимиз буюклари тўғрисида мақолалар бериб борилган. Мана, Элбекнинг «Тил» шеъри:

*Мунгли қушим, сайраб-сайраб, кел, англаг,
Кимлар эрур Турк тилини сотғучи?
Булбул каби сайраб турган бу тилни,
Уялмайин бу ўлкадан отғучи?
Болдан тотли, жондан азиз Туркчани
Тушинмайин, хўрлаб-хўрлаб ётғучи?
Мунгли қушим, уларни қўй, сен сайра!
Турк тилининг донғин чиқар кўкларга!
Қўй уларни, улар йўлдан озсинлар,
Эл ичида бўш бўғазлик сотсинлар!*

Эки буюк шоиримиз Чўлпоннинг машҳур шеъридан шу парча босилган:

*Гўзал Фаргона, сенга не бўлди?
Сабаб — вақтсиз гулларинг сўлди?
Чаманлар барбод, қушлар ҳамфарёд,
Ҳаммаси мазлум, бўлмасмикан шод?*

Бу шеърлар лотин имлосида, ўзбек лаҳжасида берилган. Қозоқ туркларининг буюк ҳурриятчи шоири Мағжон Жумабой ўглининг машҳур «Туркистон» шеъридан парчалар эса қозоқ лаҳжасида босилган:

*Туркистон эки дунийа эшиги-ғўй,
Туркистон Эр Туриктинг бешиги-ғўй!
Тамаша Туркистандай жерде тувған
Туркитинг Тенғри берген несиби-ғўй!
...Эртеде Туркистонди Тўран дескен,
Тўранда Эр Туригим тувуб ўскен.
Тўраннинг тағлари бар тўлғимали,
Басинан кўп тамаға кунлер кечкен.*

(Шеърнинг қора сўздаги маъноси будир: Туркистон — икки дунё эшигидир. Туркистон Ботир Туркнинг бешигидир; Туркистондай гўзал ерда туғилган туркнинг (бу юрт) тағри берган насибасидир... Ўтмишда Туркистонни Турон дейишган. Туронда Ботир туркларим туғилиб ўсган. Туроннинг улуғ бир тоғлари бор, бошидан кўп гўзал, шарафли кунлар ўтган).

«Хур Туркистон учун» газетасининг мана шу биринчи сонида кўшлаб хабарлар ҳам берилган. «Туркистоннинг етиштирган буюк олими Бухорий тузилганининг 1200 йиллиги қутланди» деган хабарда Самарқандда Имом Бухорийнинг таваллуд кунига атаб халқаро ислом тўплантиси ўтказилгани, унга Осиё ва Африкадаги 26 та ислом давлатидан вакиллар келгани, бу илмий йиғиннинг империализм ва мустамлакачиликка қарши руҳда ўтгани, дунё сулҳи ва тинчлиги учун мусулмонларнинг ҳақлари адо этилмоғи лозимлиги таъкидлангани айтилади. «Туркистон масаласи ислом конференциясида» деган хабарда эса, Покистоннинг Лахўр шаҳрида 29 мусулмон мамлакати вакиллари қатнашган йиғин бўлгани, унда 1933 йилда Туркистоннинг Қашқар шаҳрида тузилган Шарқий Туркистон Жумҳурияти Ташқи ишлар ноziри М. Қосим Бек бир мурожаатнома билан чиқиш қилгани, Туркистон масаласини қўйгани, бу собиқ нозир улар тузган ҳукуматнинг тирик қолган ягона вакили экани ва унинг айна замонда Покистонда яшаётгани билдирилган. Йигирмага яқин қисқа хабарлар ҳам қизиқарлидир. Мана, улардан баъзилари:

«Дунёнинг бир кўп шаҳарларида қурилган «Туркистонликлар жамияти» атрофида маслакдошлар ва юртдошлар бирикмоқдалар.

«Америка овози» радиоси ўзбек туркчасида эшиттириш бошлади.

Бир неча туркистонлик ёшлар бирлашиб, «Буюк Туркэли» деган журнал чиқармоққа киришдилар.

ЮНЕСКОнинг 15 тилда чиқадаган журналининг туркча нусхаси «Гўруш»нинг бир сони тўлалигича Берунийта баришланган.

Туркия Почта идораси Туркистонда етишган буюк турк олими Беруний тузилганининг минг йиллигига атаб «почта пули» — марка чиқарди.

Бухоро амирининг қушбегиси (молия ноziри) тарафидан вақтида Истанбулнинг Султон Аҳмад туманида қурдирилган «Бухоро Вақфияси» эндиликда туркистонликлар тарафидан яна қўлга олиниб, «Туркистон Талаба Юрти» ҳолида иш бошлади.

Туркистонлик олим ва ёзувчи доктор Боймирза Ҳайит Анқарадаги Хожаттепа университети даъвати билан «меҳмон профессор» ўлароқ унйверситет талабаларига Туркистон тарихидан дарс бера бошлади.

Узоқ йиллардан бери Олмониянинг Дйуссeldorf шаҳрида босилаётган «Миллий Туркистон» журналининг

нашрдан чиққан сони ҳам Туркистон масалаларига ба- гишланган...» каби ва ҳоказо қисқа хабарлар муҳожирларимизни, дунёни Туркистон мавзусидан маълум даражада хабардор қилади.

«Хур Туркистон учун» газетасининг плк сонидаги ик- ки катта мақола ниҳоятда муҳимдир. Буларнинг бири «Туркистоннинг миллий раҳбари» руқни остида берилган «Усмон Хўжаёғли»дир. уни доктор А. Наим Ўктам ёзган. Иккинчисини профессор Иброҳим Ёрқин битган. «Турки- стоннинг адиб ва шоэри» руқинда берилган бу мақола «Маҳмуд Хўжа Бехбудий (ёзувчи ва маорифчи)» деб аталган. Бу газета турк тилида, уч ойда битта ва оз нус- ҳада чиқарилганини, Усмонхўжа ҳақидаги бу мақоланинг жуда муҳимлигини ҳисобга олиб, уни қисман таржима қилиб келтирмоқчиман.

Доктор Наим Ўктам шундай ёзади: «Бу буюк одам- нинг абадиётга мансубияти фақат туркистонликларнинг эмас, балки бутун Турк оламини гурурларга фарқ этмиш- дир. Усмонхўжа курашдан чекинмаган, ҳуррият ва истиқ- лол ошгани бир инсонни камил эди. У ўзи учун эмас, турк миллатининг саодати, Туркистоннинг қутулиши ва мус- тақиллиги учун яшади.

Усмонхўжа Туркистоннинг гўзал Фарғона водийсида, ям-яшил табиат кучоғидаги Уш қасабасида ҳижрий 1293 йилда, эким (ўктябр) ойида туғилган. Отаси Бухорода танилган тужжорлардан бири қори Пўлатхўжа, онаси Фотима Ойим хонимдир. Усмонхўжа кичиклигида отаси билан Бухорога келади, хусусий таълим-тарбия олади. Мадрасада ўқийди. Шу орада Туркистон жадидларининг етакчиси саналган, айни замонда Самарқандда «Ойеа» журналинини чиқараётган муфти Маҳмудхўжа Бехбудий билан тез-тез кўришиб туради. Маданий савияси ва мел- лий шуури шаклланади. Шимол турклари (Қозон ва Уфа- даги миллатдошларимиз), Қрим ва Озар турклари нашр- лари билан яқиндан танишади. Мадрасани битиргач, бир неча маслакдошлари билан биргаликда усули жадид (ян- ги усулдаги) мактаби очади. Бир неча ойдан сўнг Бухоро амири эски фикрдаги маъмурлари таъсирида мактабни ёптиради.

Туркияда 1908 йилда маршрутнат — конституция эълон қилиниди ва уйғониш бошланди, худди шу пайтда Усмон- хўжа ўртоғи Ҳамидхўжа билан Истанбулга келади. Улар Бухорога қайтиб, ҳаётга тадбиқ этиш учун янги ўқитиш, маориф тартиби билан танишадилар. Истанбулда уларни Бухородан келган бир расмий ҳайъат каби эъзоз билан

кутиб оладилар, бу икки бухоролик ёш манавварларни севиб қаршилайдилар. Ҳатто ўша замонда Ҳарбия Нозир бўлган машҳур Анвар Пошо (пошо — генерал маъносида — Т. Қ.) уларни олшй даражада қабул қилади. Бу бир шов-шувли ҳодиса сифатида Истанбулдаги рус элчисини ҳаяжонга солади ва у ўз ҳукуматига бунн билдиради. Рус Ҳорижияси ўртага одам солиб, Бухоро амирндан бу ҳақда суриштирилади. Амир Абдулаҳад хон Русия чо-рига шундай жавоб жўнаттиради: «Улар мадраса талабаларицир. Илмий тадқиқот учун борганлар». Шу билан гап-сўз тинади. Усмонхўжа ва дўсти Истанбулдаги ўқул (мактаб) ва маориф, миллий маданият соҳасидаги шахсиятлар билан танишадилар, суҳбатлар қурадилар; хусусий дарс оладилар, дунёвий фанлар бобидаги билимларини орттирадилар. Айни пайтда Туркистондан Истанбулга талаба келтириб ўқитиш учун қурилган «Бухоро нашри маориф жамияти» ўриига фирдошлари билан келишиб туриб, «Турон нашри маориф жамияти»ни таъсис этишади... Усмонхўжа Бухорога қайтиб, янги усулдаги мактаб очиб, ғайрат билан иш бошлайди. Қардоши Атоуллоҳхўжани Истанбулга ўқишга жўнатади, у Туркияда дорулмуаллимнинг битиради. Кейинчалик Ўзбекистон жумҳуриятида бош назир бўлган, Туркистон миллий сиёсат майдонида катта хизматлар қилган Файзуллоҳхўжа ҳам Усмонхўжа очган янги усул мактабида ўқиган, унинг шогирди ва жияницир. (Охир оқибатда Файзуллоҳхўжа ва унинг маслақдошлари, йўлдошлари руслар тарафидан ҳукм этилган ва отиб ташланган). Усмонхўжа қадимчилар (эски фикрлилар) ва Бухоро амири билан кескин қурашга киришади. Туркистоннинг бошқа шаҳарларида ҳам, хусусан Тошкент, Самарқандда жадид мактаблари очилади, маданият ва миллий ўқитиш жабҳаларида ҳаракат кенгайиб боради. Жадидлар фақат Бухорода эркин иш юрита олмайдилар, чунки амирик эскирган усулда давлатни бошқарарди, зolim амир қадимчилар таъсирида эди, уларнинг бир кўпирчонига айланганди. Янги очилган жадид мактаблар амир фармони билан бекитилади. Аммо бундай таъқиқларга қарамай, Бухорода яширинча кечки мактаблар очилади. Шу пайтгача фақат ўқиш-ўқитиш ишлари билан шугулланган Усмонхўжа 1917—1918 йиллардан эътиборан ҳуррият ва мустақиллик йўлида курашга киришади. Узун ва оғир курашларда, сургуишларда чиниққан бир қанча «ёш бухороликлар» билан бир сафда амирга қарши қатъий жангга отланади... Бухоро амири Афғонистонга қочади ва 1920 йил сентябрида «Мустақил

Бухоро Халқ Жумҳурияти» қурилади. «Туркистон Миллий Бирлиги партияси» бошлиғи Усмонхўжа бу ҳукумат таркибида Молия нозир бўлиб хизмат бошлайди. Бироз кейин ўтказилган қурултойда Усмонхўжа бу давлатнинг бошчиси — жумҳурайиси (президенти) этиб сайланади. Шарқий Бухородаги аҳвол таҳликали даражага етгач, Усмонхўжа у ёққа жўнайди. Шу пайтда у 1908 йилда Истанбулда кўришгани Ҳарбия нозирини Анвар Пошо Бухорога келади. Хат ёзишадилар. Миллий кураш кескинлашиб боради...

Усмонхўжа жумҳурайиси бўлиши билан, дарҳол Онатўлидаги (асли Анатўлия) миллий озодлик курашлари хусусида сўраб-суриштиради. Ҳа пайтда Ленин мустақил Бухоро ҳукумати раҳбарлари — жумҳурайиси Усмонхўжа ва бош нозир Файзуллохўжани қабул қилади, Туркияга маблағ ва қурул ёрдами берилиши билдирилади, қандай шаклда, қай миқдорда ёрдам имкони борлиғи сўралади. Усмонхўжа Бухоро жумҳурияти тарафидан Туркияга юз миллион олтин берилишини айтади. Бухоро олтинлари Москва зарбхонасида рус пули ҳолига келтирилгандан сўнг Онатўлига, Туркияга жўнатилади...

(«Хур Туркистон учун» газетасидаги бу мақола 1975 йилда чиққанлигини, аслида Бухоронинг юз миллион сўмлик оятини асосан юборилмаганини кейинги йилларда ёзилган китоблардан ўрганилгани боис, мен бу ўринда масалага аниқлик кiritишни лозим деб билдим. Мана, 1990 йилда Истанбулда босилган профессор Меҳмет Сарайнинг «Отатуркнинг совет сиёсати» китобида бу юз миллионнинг тақдири аниқ маълумот асосида очиб берилган¹. Профессор М. Сарай мустақил Бухоро Халқ Жумҳуриятининг ilk жумҳурайиси Усмонхўжанинг ҳаётлигида ўз тилидан ёзилган хотираларини келтирадики, бу хотиралар Ҳа йигирманчи йилларда ҳам марказдаги сиёсатчилар ҳиёнатчи бўлганини билдиради. Чунки янги ҳокимиятни эгаллаган большевиклар билан қўшничилик алоқаларини тиклаш, айни замонда маблағга муҳтожлик юзасидан Туркиядан Бакир Сами Бей бошлиқ вакиллар келади ва Ленин билан бу хусусда сўзлашадилар. Шу орада Бухородан Усмонхўжа бошлиқ вакиллар Москвага боради; большевик раҳбарлар ҳам Туркия билан, ҳам Бухоро билан алоқа ўрнатиш баробарида «сопни ўзида»

¹Mehmet Saray, "Atatürkün sovyet politikasi", Istanbul-1990, Меҳмет Сарай, «Отатуркнинг совет сиёсати», Истанбул—1990, 77—78 бетлар, туркча.

чиқарадилар», юз миллион олтин беришни Бухоро ҳукмати ўз зиммасига олади ва аҳдни бажаради. Аммо юқоридаги мақолада ёзилганидай, «Бухоро олтинлари Москва зарбхонасида рус пули ҳолига келтирилгандан сўнг Онатўлига жўнатилади» эмас, асос қисми хиёнаткорларча ўғирлаб олиб қолинади, «1920 йилнинг сентябридан 1922 йилнинг майигача советлардан ўн бир миллионлик олтин сўм ёрдам олинган», демак, қолган саксон тўққиз миллион олтин сўм Москвада қолган!.. М. Сарай бу хиёнатни билгани ҳолда, шундай ёзади: «Бу советлар ёрдамининг мақсади ва шакли қандай бўлса бўлсин, турклар буни яхши бир дўстлик ва қадршунослик нишонаси ўлароқ доимо хотирлаб келмоқдалар». Қаранг, «совет ёрдам қилди» деб у ёқда турклар хурсанд, «ўз элдошларимизга ёрдам бердик» деб бу ёқда бухороликлар мамнун, «иккита содда турк давлатини бошлаб туширдим» деб нариги ёқда большевиклар мийиғида кулиб турибди. Бу хиёнат ва ҳақсизликни англаб, бошингизни чангалламанг, ҳурматли ўқувчи, чунки бундай даҳшатли ҳолатлар тарихимизда сонсаноксиздир, билинг, англаг, кўзингизни очинг-чунки бу ҳол ҳамон давом этмоқда¹. Энди мақоланинг давомини ўқийлик — Т. Қ.).

...Усмонхўжа бу ёрдами билан балки Туркистон туркларининг Онатўли туркларига ва Отатуркка бўлган меҳру муҳаббатлари ва боғлиқликларини ифода этмоқ истагандир. Сўнгра у Бухородан Туркияга, Анқара ҳукмати бир расмий ҳайъат дея қабул қилган вакилларни ва эликта талаба гуруҳини, совға сифатида олтин қиличларни, энг гўзал Бухоро қорақўлларини олиб келган... Усмонхўжа Шарқий Бухородаги истиқлол ва ҳуррият курашларидан кейин Афғонистонга ва сўнгроқ Туркияга борди. Бу тиниб-тинчимас одам муҳожират ҳаётида ҳам ўз маслагини, юрти учун яшади, рус маҳкуми бўлган бошқа турк қардошлари билан биргаликда Туркистон ҳуррияти йўлида иш бошлади. Муҳожиратдаги фикрдошлари билан «Туркистон» ва «Янги Туркистон» журналларини Истанбулда нашр этилишида раҳбарлик қилди...

Усмонхўжа ҳақида ҳали кўп нарсалар ёзилади. Туркистон мустақиллиги учун яшаган бу йўлбошчимизнинг иши доим давом этиб келди, зотан, унинг ўғли Темурхўжа ҳам — бу олимни бугунда ўзбекистонликлар яхши би-

¹ Бу мақола 1991 йил бошида ёзилган. «Адабиёт ва санъат» газетасида «Таслим бўлмаган миллат» номи билан 10 январь, 1992 йилда бир саҳифа қилиб босилган.

ладилар — бошқа асл миллатдошларимиз каби юртимизни деб яшамоқда, «Озодлик» радиосининг ходими, адабиёт илмлари доктори сифатида турмушимиз ва маданиятимизни дунёга тарғиб қилиб турибди.

Бугунги кунда ҳам «Туркистон» ва «Ўрта Осиё» ибораларининг асл маъноларини тушунишда турличалик, нотўғри йўналиш давом этмоқда. Шу борада «Хур Туркистон учун» газетасининг 3-сонида чиққан «Туркистон исми» мақоласи бу масалани ойдинлаштиради. Унда шундай ёзилади: «Туркистон Турк юрти» демакдир. Бу сўз мингларча йилдирки бир миллат ватанини англатиб келмоқда. Кейинги замонларда Туркистон номига уйғун шаклда Ўрта Осиё ибораси қўлланмоқда.

Инглиз қомусида (1960 йил, 22-жилд, 620-бет) шундай битилган: «Туркистон шимолда Сибирия, жанубда Афғонистон, Ҳиндистон, Тибет, шарқда Мўғулистон ва Ғуби чўли ўртасида ёйилган Турк эли яшаган бир ўлкага берилган этник исмдир».

Ўрта Европа бирор мамлакат номи бўлолмаганидек, Ўрта Осиё ҳам мамлакат исми бўлолмайди. Тарихчи Бартольднинг ёганидек, большевиклар рус миллий манфаати йўлида Туркистон ва турк номини таъқиқлаганлар. Туркистоннинг Ясса шаҳри ўрнига Туркистон номини қўйиб, одамларни оғзаки ва ёзма муносабатда бунга одатлантирдилар. Шунинг учун бугун европолик ва америкалик олимлар орасида Туркистон ўрнига Ўрта Осиё таъбирини қўлловчилар бор. Бунда илмийликдан кўра Москва ва Пекинга ёқиш, у ердаги сиёсатчиларнинг ҳушига келадиган иш тутиш нияти ошкордир. Биз туркистонликлар бундайин ном алмаштиришни асло қабул қилмаймиз. Шунинг учун ҳам рус ва чинликлар ишголида бўлган азиз ватанимиз учун Туркистон номини қўллашимиз...»

Газетанинг тўртинчи саҳифасида кичик биз ёзув ҳам шу мавзудадир: «Расмий маълумотга кўра Туркистонда 28 миллион турк яшамоқдadir. (Бу маълумот 1975 йилда берилмоқда, назаримда, бу шўро ҳисобчилари дунёга тарқатган расмий хабардан олинган, агар тарихдаги рақамларга эътибор берсак, масалан, йигирманчи йиллардаёқ Туркистонда ўн етти миллион ерли аҳоли бўлганини эсласак, ўтган эллик йилда аҳолининг атиги ўн миллионга кўпайиши тўғри эмас, деб ўйлайман. Туркистоннинг бир парчаси бўлган Ўзбекистонда бугунда ўн олти миллион ўзбеклар ва бошқа асл туркистонликлар яшаётгани қиёс қилсак, нуфус ҳисобчиларимиз аниқ маълумотли бир «Туркистон аҳолиси» деган китоб яратишлари ке-

раклиги аён бўлмоқда — Т. Қ.). Туркистоннинг юз ўлчамини 5 миллион 944 минг 400 км²дир. Бу тупроқлар Чин ва Рус ишғоли остидадир. Туркистон шарқи ва ғарби билан биргалликда парчаланмас ва бир бутундир».

Газетанинг шу 2-сонидаги Талъат Халман ёзган «Тутқун турклар» мақоласида ҳам «Совет Русиясидаги 20 миллион турк» дейиладикки, бу эски Туркистон миллатларини атайлаб оз кўрсатиш, шўро сиёсати оқибатидир. Шу мақоладан парчалар келтираман: «Русиядаги турклар чорлик зулми остида қийналгандилар, коммунист режими даврида ҳам эзилдилар... Чорлик генералларидан Духовский «исломият билан уруш»га киришиб, саноқсиз туркларни қириб ташлаганди. Русиядаги турк қавмининг даҳшатли тақдирини совет статистикаларидан билмоқ мумкин: 1914—1918 йилларда Туркистонда 1 миллион 230 минг турк ўлдирилди. Сталин давридаги қатлиом ҳужжатларига кўра, 1939 йилда қозоқлар нуфуси бир миллион озайгани англашилмоқда. Балки кўрилган ана шу зулмлар оқибатида Иккинчи дунё урушида совет қўшинидаги бир ярим миллион туркистонликдан 800 мингтаки олмонлар тарафига қочгандир. Уларнинг кўпи асирликда ўлдилар, Русияга қайтганлари отилдилар, сургун қилиндилар. 1944 йилда Қрим ва Қафқаз туркларидан бир миллион киши Ўрта Осиё ва Сибирга сургун қилинди. Бу заволин қавмдошларимиз ҳамон сургунда, ватансиз ва паришон, Қрим туркларининг ҳақини истаган генерал Григоренко ҳам 1969 йилдан бери ҳибсда...

Инглиз тарихчиси Геффрей Хеллернинг мана бу сўзларида катта бир ҳақиқат бордир: «Руслар анчадан бери мусулмон халқлари оёққа қалқадиган маразий бир қўрқув ичидадир». Бу қўрқув чорлик Русиясида турли турк қавмларининг миллий озодлик ҳаракатларига киришган даврдан бошланган, коммунист режими қурилганидан сўнг «босмачилик» ҳаракати тўғайди кучайган эди. 1930 йиллардан совет ҳуқумати етишган туркларни йўқота бошлади: татарлар йўлбошчиси Султон Ғалини марксист бўлгани ҳолда миллатчи деб қатл эттирди; қозоқ йўлбошчиси Қулумбетовни 1935 йилда, ўзбек коммунист партияси секретари Акмал Икромовни 1938 йилда миллатчи дея маҳв этди. Советлар қўрқувси фақат миллатчиллик йўлидан эмас... улар исломиятни ҳам эзмоқ истадилар. Чунки исломият насронийликдан кўра иссонининг маънавий, моддий ва жамоат ҳаётига кўпроқ ва кенгроқ йўл берган бир диндир. 1917 йилда Туркистонда 20.000 масжид бор эди, 1953 йилга келиб, 250 та масжид қолган.

Советлар 20 миллион туркни сургунга, ҳибсга ҳукм этганлари каби ташқи олам билан алоқа тутишларига ҳам имкон бермайдилар. Шўро қўшинининг кўпчилиги турк эллари яшаётган ерларга жойлашган. Туркларнинг тил, дин, миллат, ўлка тушунчаларини унуттирмоқ йўлида ўқитиш ва тарғибот, ташвиқот компанияси давом этмоқда. Русия турклари 1929 йилда Туркиядаги турклар каби лотин алифбосини қабул қилганди, ammo 1940 йилда Кремлнинг рус алифбоси муомалага киритилди: бу шўро турklarини руслаштирмоқ, ташқи дунёдаги турк элдошларидан, маданиятларидан бус-бутун айириб ташлаш учун қилинди... Машҳур француз билгини Беннигсеннинг ёзишича, шўро турклари сўнгги йилларда «яширин нуфус ортиш сиёсати» жабрини чекмоқдалар, аҳоли сони ортганига қарамай, нафасларини ўчириб, жим яшамоққа мажбурлар. Бу бутун бошли бир муаммодир. Мусовийлар Русиядан чиқмайди, дея Америкада, Оврупода, Исроилда яҳудийлар қиёмат кўптирмоқдалар. Биз Русиядаги қардошларимиз учун нима қиляпмиз?»

Туркия Жумҳурияти эски маданият нозирини бўлган Талъат Халманнинг бутун турк дунёсига савол билан мурожаат қилган бу мақоласи «Миллият» газетасида, сўнгра Зиёвуддин Бобоқурбоннинг «Хур Туркистон учун» газетасида босилган.

Шу газетадаги (2-сон), «Туркистон масаласи Ливияда» деган мақоласидаги бир рақам Туркистоннинг 1970-йиллардаги нуфус ортишига аниқлик киритади: унда 1973 йил Ливанда «Дунё мусулмонлари» конференцияси ўтгани, 116 давлатдан 600 вакил қатнашгани, бу йиғинда З. Бобоқурбон олтимиш миллион мусулмон яшаётган Туркистон турклари ва бошқа асир туркларнинг ҳуррияти учун бир мурожаатнома ўқигани таъкидланган. «Чорлик Русияси йиқилганидан сўнг ўз истиқлолини эълон қилган бешта мусулмон ўлка бор эди, — деб ёзади Зиёвуддин Бобоқурбон. — Булар Туркистон, Эдил-Урол, Жанубий Қафқаз, Қрим. Кейинчалик коммунистик ва атеистик принципларга таянган ва рус империализмининг ниқобланган бир қиёфаси, шаклан коммунист, аслан империалист ва колониячи бўлган рус инқилоби бу мусулмон ўлкаларни зўрлик ва алдов билан истило қилгандир. Истилодан аввал мусулмонларни алдамоқ ва кўзларини бўямоқ учун 7 оралиқ (декабр) 1917 йилда Ленин ва Сталин «Бутун Русия ва Шарқ мусулмонларига» деган мурожаат тарқатдилар: «...Русия мусулмонлари, Волга ва Қрим татарлари, қирғизлар, Сибирия ва Туркистон сартлари,

Транс—Қафқаз турк ва татарлари, чеченлар, Қафқаз тоғлиқлари, сизларга эслатамизки, чор ҳукумати масжидларингиз ва маъбадларингизни йиқтирди, йўқоттирди. Диний ва миллий урф-одатларингизни оёқости қилдириди. Айни замонда ҳаммангиз унинг қуллари эдингиз. Энди эса, бугундан эътиборан ибодат жойларингизни очмоқ, қурмоқ, диний ва миллий урф-одатларингизни тутмоқ, миллий-мадавий муассасаларингизни тартиб этмоқ бобида эркинсизлар. Миллий ҳаётингизни ўз истагингиз ва орзуларингизга кўра яратинг. Биз ўз байроғимиз билан дунёнинг бутун эзилган, маҳкум халқларига ҳуррият ташиямиз».

Албатта, кейинчалик бу ёлғон, алдовчи сўзлар пропаганда ва китоб саҳифаларида қолиб кетди.

1917 йилдан 1927 йилгача мусулмонлар устига қатъий бир босқин қилинмади. Аммо 1927—1928 йилдан эътиборан ислом уламосига қарши жазо ҳаракатлари бошланди. Хуллас, бу режим илк аввал халқнинг молини тортиб олди, уламосини, фикрлайдиган қисмини қатл этди. Охирида муқаддас жойларини, масжидларини, мадрасаларини ёптирди, йиқиттирди, йўқотди. Эсингизда қолиши учун биргина мисолни айтаман. 1929—1939 йиллар орасида Туркистонда 14 минг, Эдил-Ўролда 7 минг, Шимолий Қафқазияда 4 минг, Қримда 1 минг масжиди шариф ёптирилмиш ва буздирилмиш. Бу билан баробар бутун шайхлар, имомлар ва барча вазифали дин кишилари жазо кўрган, кимидир ўлдирилган, кимидир қамалган, узоқ ўлкаларга сургун қилинган. Бугунгача олти миллион мусулмон қатл этилган... Осиёлик ва африкалик қардошларим! Биз алдандиқ, сиз алданмангиз. Биз маҳв бўлдиқ, сиз бўлмангиз. Биз асоратга тушдиқ, сиз тушмангиз. Биз мустақиллигимизни йўқотдиқ, сиз йўқотмангиз. Ҳур ва қардош Ливия тупроқларидан овоз бераман: эй, мусулмон қардошларим! Бизлар ҳам сизлар каби истиқлол истаймиз. Орангизда ҳур ва мустақил давлат бўлиб яшашни истаймиз. Овозимизга, додимизга қулоқ беринг. Еттидан етмиш ёшгача бўлган ҳар мусулмондан жавоб кутамиз... Ҳеч бир зулм абадий эмасдир. Оллоҳнинг изни билан бахтли кунлар келажакдир!..

Триполи, 11.07.1973

Зиёвуддин БОБОҚУРБОН, Туркистон
вақили

Ҳақиқатан ҳам, мана, у зулмлар ўтди (баъзи зулм турлари давом этаётган бўлса-да), парчаланган Туркистонда бугунда бир неча мустақил давлатлар ўз истиқлолини эълон қилди. Шунинг ўзи ҳам буюк умид беради, шу умид билан, ҳаяжон билан барча ўзбекистонликларга, қозоғистонликларга, қирғизистонликларга, туркменистонликларга, тожикистонликларга, қорақалпоқистонликларга — бутун туркистонликларга таъкидламоқ истайман: ҳеч бир ҳукмронлик, ҳеч бир салтанат абадий эмасдир, кучли ва энгилмас эмасдир! Ҳақиқат кучли, инсонлик ҳақлари кучли, демак, сиз маълум ҳолда ҳам ғолибсиз, ҳақсиз ҳолда ҳам ҳақлисиз ва қувватлисиз! Туркистонда туркистонликлар мустақил давлатлари билан яшашга ҳақлидир! Туркистон барча туркистонликларникидир!!! Бу орзу-истакнинг амалга ошиши учун биз ўзимизни, ватанимизни, миллатимизни, умматимизни, ҳақ ва ҳуқуқларимизни танимоғимиз, билмоғимиз, эгалламоғимиз керак. Шу йўлда бир қадам қўйиш учун яна муҳажиротдаги туркистонликлар матбуоти билан, хусусан, Зиёвуддин Бобоқурбоннинг «Хур Туркистон учун» газетаси саҳифалари билан таништиришда давом этаман.

Газетанинг 3-сонида (1975 йил, июл) «Асир миллатлар ва инсон ҳақлари» деган бош мақола берилган. Унда «Рус ва Чин империализми остида эзилган туркистонликлар, озарбайжонликлар, шимолий қафқазликлар, гуржликлар, арманлар, қримликлар, эдилликлар, ўроликлар, ёқутлар, сибирликлар, молдавияликлар, эстонияликлар, литваликлар, латвияликлар, тибетликлар, мўғулистонликлар, манчжурияликлар ва бошқа халқлар мустақил эмасдирлар. Ҳамон аспирдирлар. Сумургичлик (эксплуатация, колониализм)нинг номи ва шакли балки ўзгаргандир, аммо ўзи ҳамон ўзгаргани йўқ; бир сўроғимиз бор: Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо ва унинг бошида турган давлатлардан, миллатлардан бошқа, юқорида номларини санаганимиз миллатлар бу ташкилотда тилга олинadими? Йўқ... Рус ва Чин (Хитой) асоратидаги мустақиллик йўқ мустақил миллатларнинг масалалари ҳам бу ташкилотда кўрилиши керак. Шу ниятда 1959 йилдан бери ҳар йил июл ойининг учинчи ҳафтаси АҚШда «Асир миллатлар ҳафтаси» деб аталмоқда, бу ҳафтада миллатларнинг мустақиллиги учун не лозим бўлса, барчаси сўзланмоқда, тилга келтирилмоқда...»

Шу сондаги «Дунёнинг бир неча ўлкаларидаги Туркистонликлар жамиятлари ўз конгрессларини бошладилар» деган мақолада кўп муҳим гаплар бор. Унда айтилишича,

1906 йилдан бери туркистонликлар Истанбулда турли номлар билан ўз ташкилотларини қурганлар. Масалан, 1975 йилда Истанбулдаги «Туркистонликлар маданий ва ижтимоий ёрдам ташкилоти» бошлиғи доктор Солиҳ Эркинқўл; Аданадаги «Туркистонликлар ёрдамлашма ташкилоти»га Бойхон Алпэр бошлиқ, Абдулҳамид Кўчар, Абдурраҳмон Шаҳрихон, Ориф Тошкент кабилар фаоллари бўлган. Шу пайтда туркистонликларнинг бундай ташкилотлари Нью-Йоркда, Мюнхенда ишлаб турган.

Газетада туркистонликларнинг ҳаёти ва ижоди ҳам кенг ёритиб борилган. Яхё Чигатойнинг «Бир мужоҳидимиз» мақоласи доктор Солиҳ Эркинқўлга бағишланган (2-сон, докторнинг вафоти муносабати билан ёзилган).

Солиҳ Эркинқўл (1906—1975) Қўқонда туғилган. 1926 йилда Истанбулга борган. Аскарий Тиббияда ўқиб, ҳарбий доктор бўлиб етишган. 1928 йилда Истанбулда туркистонликлар чиқара бошлаган «Янги Туркистон» ва Берлинда нашр этилган «Ёш Туркистон» журналларига мақолалари билан фаол қатнашган. У 1929 йилда Истанбулда ташкил бўлган «Туркистон ёшлари бирлиги» жамиятининг қурувчиларидан бири эди. У доктор сифатида ҳар бир туркистонликка жон-дилдан хизмат қилган; ижоди билан эса Туркистон масаласини, нидосини тилга келтириб турган. У «Хур Туркистон учун» газетасининг 3-сонида босилган «Ватан Туркистон» (туркча) шеърида шундай дейди:

*Бу ватан йаркината батурлар ўчағидир,
Тўрнағи меденият шаҳикалар йатағидир,
Ҳер қариши инсанлик тарихинин ярағидир,
Эгемен эркинликсе йиғитинин байрағидир.
Бируни, Ибни Сина, Фарабийлар ўчағидир,
Жандан мана ашиғи, қалендерлер ўчағидир,
Ҳадис-де Саҳиҳи доно Бухарилар чиқағидир,
Сумэрдан да қудамо тарихлерин йатағидир.
Гелишти Уғузли Хан зайсанмилар ўтағинда,
Дугмуштур Эргенекўн Алтайларин қучағинда,
Туркешлерде қурулди Аратларин бўғазинда,
Фергана Саманўғли Исмаилин қишлағинда.
Эртиш, Сир, Жейхун, Тарим бўз атлилар сувлағидир,
Гўрунен кент, қишлағин кўрбашилар қўнағидир,
Қизилқумда Кўктепам қиличлилар кўрғанидир,
Семеркентда Зерафшаним, Темурлилар ўтағидир.*

Газетанинг шу саҳифасида Солиҳ Эркинқўл шеъри

билан ёнма-ён Чўлпоннинг «Созим», Усмон Носирнинг «Юрак», Абдулрауф Фитратнинг «Аччиғланма деган эдик» шеърлари ҳам берилган.

«Хур Туркистон учун»нинг 3—8 сонларида доктор Боймирза Хайитнинг «Туркистонда рус империализми» мақоласи берилган. Олимнинг «Бугунги Советлар Иттифоқи ташқи сиёсатида Туркистоннинг ўрни» мақоласи ҳам шу газетада (10—11—12-сонлар) босилган.

Доктор, профессор Иброҳим Ерқин ҳам бу газетада Туркистон ва машҳур туркистонликлар тарихига оид мақолалари билан фаол қатнашган. Иброҳим Ерқин асли тошкентлик бўлган, Олмонияда ўқиган, кейинчалик Туркияда яшаб, ижод қилган ватандошимиз, муҳожиротдаги таниқли кишиларимиздан. Қуйида унинг «Эшон хўжа» мақоласидан (газетанинг 3 ва 4 сонлари) айрим парчалар келтирамиз:

«Эшон Хўжа Хонийнинг 1885 ёки 1886 йилда туғилган деб эшитганман. У Тошкентнинг Шайх Хованд Тоҳир даҳасидан, Қуйи Девонбеги маҳалласидан эди. Оиласи аслзодалардан, отаси Хон Хўжа диний таҳсил кўрган, тариқат кишиси, муҳтарам бир зот эди. У илк таҳсилни отаси очган мактабда бошлади, сўнгра яқин қариндоши, жадидчиликнинг маънавий отаси бўлган Мунаввар Қори Абдурашидхон ўғлидан сабоқ олди. Эшон Хўжа Мунаввар Қоридан янги усулда дарс ўргангач, бир оз муддат мактабда унга ёрдамчи бўлиб ишлаб, тажриба орттиргач, 1908 йилда ўзи Қуйи Девонбеги маҳалласида мактаб очади.

Бизнинг уйимиз Қуйи Девонбегидан анча узоқда бўлишига қарамай,— деб ёзади доктор Иброҳим Ерқин,— катта акам Обидхоннинг ташвиқи билан маҳалламиздаги бир кўп болалар Эшон Хўжа мактабига қатнар эди. Мен ҳам уларга қўшилиб бора бошладим... У бундан 55 йил аввалги бир даврда талабаларга вужуднинг соғлиги аҳамиятини, жисмоний ва маънавий қувват фойдаларини англатар, жисмоний тарбия ўйинлари уюштирар эди. «Маълумоти нафия» деган суҳбат соатларини ташкил этиб, бизга яхшилик, ватан, миллат шуурини ўргатар, ҳар бир инсоннинг жамият олдидagi маънавий бурчларини тушунтирар эди. Бу суҳбатлар бизнинг шахс ва миллат ўлароқ етишувимизга йўл кўрсатарди. Шундай қилиб, мурғақ миямизга шуур бериб, тарихимиз, хонлар ва амрлар давридаги аҳволимиз... рус асоратига тушувимиз сабабларини англатарди. Миллатнинг бу аҳволдан қутулиши, мустақил бир жамият сифатида ривожланиши учун

ҳар бир кишининг юксак даражада таҳсил олмоғи, миллатга фойдали инсон бўлиб етишмоғи зарурлигини таъкидларди.

Унинг бу ҳаракати билан етишган талабалардан катта бир қисми мунтазам таҳсил кўрдилар, бошида ўқиш-ўқитиш ишлари билан шуғулландилар, бир неча соҳаларда миллат учун ишладилар. Совет террори остида уларнинг барчаси қамалдилар, минг турли азобу исканжалар ичида ўлдирилдилар ёки Сибирга, Муз денгизи соҳилларига сургун этилдилар ва йўқ бўлиб кетдилар. Абдулваҳоб Мурод, Салимхон Тиллахон ўғли, шоир Мир Машриқ Элбек, Ҳаюм Рамазон, Саъдуллоҳ Қосим каби зотлар шулар жумласидандир.

Чорлик Русиясининг полис идораси, унинг хос миссионери сифатида танилган Остроумов раҳбарлигидаги рус маориф ва маъмур тафтишчилари бутун усули жаҳид мактабларини, дарсликларини, хусусан, Туркиядан келган китобларни назорат қилиб турарди. Эшон Хўжа Хоний мактабида ўқиб юриб, бу ҳолга кўп шоҳид бўлганман. Рус ҳуқумати янги мактабларда ўқиб, кўзи очилиб бораётганлардан, жаҳидлардан, уйғонаётган турклик шууридан қўрққани боис янги фикрли кишиларга, жаҳидларга доимо тўсқинликлар қилар, ташқаридаги мусулмон ўлкалардан, хусусан Туркиядаги инқилобий ҳаракатлардан Туркистонни айри сақлашга, бу борада тўғри йўл тутишга интилаётган туркистонликларнинг турли наشريёт ва матбуот ишларига моне бўлишга тиришар эди.

Эшон Хўжа Хоний шуурли, қатъий бир туркчи эди. У бизда турклик руҳини шакллантиришга бел боғлаганди. Биринчи дунё ҳарбидан бир оз аввал ҳукуматдан келган бир анкетада тўлдирилиши керак бўлган қисмига ундан номини уларнинг одати бўйича ёзилишини талаб қилинган эди, буни рад этиб, ўзининг турк эканини битади. Шундан сўнг унинг ўзига ва мактабига ҳукумат монелиги кучайди. Айни йилларда эски Тошкент полис мудирини бир буйруқ чиқарганди, мактабда иккинчи синфдан бошлаб чор подшо оиласи исмларини тилга олиб, русча сўзлашлари, чорлик маршининг ўқилиши, унинг номига дуо қилиниши, синфга чор ва унинг хотини, болалари, губернаторнинг расми осилмоғи расман зарурий деб топилган эди. Эшон Хўжа эса, менинг мактабим ўзига хос бир эркин ўқулдир, болалар русча тушунмайдилар, деган. Шундан кейин уни қамашди...»

Доктор Иброҳим Ёрқин бу мақоласида яна Эшон Хўжанинг асл тарбиячи бўлиши билан бирга, қўрқмас бир

миллатчи, истиқдолчи эканини, Мунаввар Қори киришган бутун миллий ишларда унга ёндош ҳаракат қилганини, хусусан, 1916 йилдаги буюк халқ исёнида қатнашганини, кейинги даврларда ҳам халқ озодлиги учун курашганини таъкидлайди. «Қизил рус истибдоди, советлар террори ва минг турли фитнаю таъқиблар», ўлдиришлар оқибатида Эшон Хўжа ва унга ўхшаган миллатнинг бир қисми юртдан қочишга мажбур бўлиб қолди, деб ёзади доктор И. Ерқин. Эшон Хўжа аввало, изини йўқотмоқ учун Авлиё Ота ва Еттисув тарафларга кетади, у ерда шўро жосуслари қўлига тушиш эҳтимоли кучайгач, 1930 йилда Шарқий Туркистонга қочади. Бу ерда ҳам шўролар таъсири кучли эканидан «Абдуллоҳ» номи билан кун кечиб юради. 1931 йилда, Шарқий Туркистонда чин-хитой идорасига қарши миллий озодлик ҳаракати бошланганида Эшон Хўжа Қашқарда эди. Қашқарда Собит Домла ва сафдошлари тарафидан Шарқий Туркистон ҳукумати қурилганида, Эшон Хўжа ҳам бу истиқдол ишида фаол қатнашди. Бу ҳукумат унинг пекки қўшни ёвлари тарафидан барбод этилгач, Хўжа Ниёзхожи, Собит Домла ва сафдошлари Еркентда тугилгач, айни замонда Еркентда бўлган Эшон Хўжа қочишга улгуради. У дунганлар ҳужум қилгунга қадар Хўтанда қолди (дунганлар чин асли мусулмонлар бўлиб, ўша пайтда 30 миллион атрофида эди). Дунганлар Хўтанга ҳужум бошлагач, ўша кунларда касал эканига қарамай, Эшон Хўжа яна қочмоққа мажбур бўлди. У 1934 йилда, Туркистон ва Ҳиндистон ўртасидаги тоғларда вафот этди... «Унинг хотираси ва маслаги юракларимизда мангу яшайабқдир» деб мақоласини яқунлайди Эшон Хўжанинг шогирди, машҳур муҳожир олимимиз Иброҳим Ерқин.

«Хур Туркистон учун» газетасининг 4-сонида Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад Амин Буғро ва Абдулҳаким Қулмуҳаммад шеърлари берилган. Беруний тўртликларидан бирида шундай дейди:

*Ҳим учса сэй-жаҳд қилмай шуҳратга,
Қарам либосига юзи бўлса оч,
Ғафлат соясида шод бўлур, аммо
Шараф кийимисиз қолар яланғоч.*

Муҳаммад Амин Буғро «Миллатим» шеърда бундай дейди:

*Илоҳим, Холиқим, Раббим, манга бир қуртулиш борми?
Ҳаётимда, бу йўлда кечамизга бир йўриш борми?*

*Бутун умрим, Илоҳим, доимо зўрликда ўтмишдир,
Манга дунёда осонлик ваё роҳат кўриш борми?
Манга йўқ ороме, токим миллат озод бўлмаса,
Зулмдин эркин кўнгиллар бирла эл шод бўлмаса,
Миллатимнинг душмани бирдан-ла барбод бўлмаса,
То қиёмат миллатимга шужрати ёд бўлмаса!*

Газетанинг 5-сонида (1976, ўчоқ—январ) эса муҳожиротдаги шоирларимиздан Уста Нишонбой Туркўғлининг «Булбул» шеъри ва у ҳақдаги «Туркистонлик халқ шоири Нишонбой Туркўғли вафот этди» деган мақола берилган. Нишонбой 1908 йилда Марғилонда туғилган. Уни кўрган ватандошларимизнинг айтишича, у рус ишғолидан кейинчиласидан айрилиб, юртдан кетмоққа мажбур бўлган, аввал Қобузда кун кечирган, саргарошлик қилган, «уста» сифати шу туфайлидир; 1950-йилларда Туркияга кўчиб борган, Истанбулда. Султон Аҳмад семти (райони)даги «Ўзбек таъясид»да яшадиган (бир замонлар Абдурауф Фитрат ҳам шу таъяда яшаган экан); бу таъя хайрия мусофирхонаси эди. Уста Нишонбой Туркўғли шу жойда умрининг охиригача яшаган. «испартачи» — сайёр сотувчи бўлиб кун кечирган ва 1975 йил 9 оралик (декабр)да вафот қилган. Мана, унинг «Булбул» шеъридан бир парча:

*Булбул қайда сайрайди? Турон тоғида!
Турклик, Туркистон ўғли душман қўлида!
Тоғдан қўзғолсин булбул, боғдан жой олсин,
Душман қўлидан Турон ўғли қутулсин!*

*Ҳамиша дод айлаймиз, озод бўлмаймиз,
Дунё қассобларининг қўлидан қутулмаймиз:
Қўлида пўлат пичоқ, бўғзимга қўяр,
Ҳеч бир раҳм айламасдан, қўй каби сўяр...*

Газетанинг мана шу 5-сонида уч-тўртта катта мақола алоҳида кўзга ташланиб туради: доктор Боймирза Ҳайитнинг «Туркистонда рус империализми», доктор Абдуваҳоб Уқтойнинг «Мустафо Чўқайнинг ёшлиги, сиёсий ҳаётидан бир парча» мақоласи. «Советлар Иттифоқидан 12 миллион инсон қочди» деган мақолада Совет Иттифоқи Фанлар Академияси чиқарган китобдаги («Дунё аҳолиси ва ўрнашган ерлари», Москва—1962) Иттифоқдан чет элга жами 12 миллион одам қочгани ёзилган. Жум-

ладан, руслардан 1 миллион 243 минг, украинлардан 1 миллион 002 минг, оқ руслардан 127 минг, Болтиқбўйдан 700 мингга яқин, татарлардан 47 минг, озарийлардан 3 миллион 200 минг, арманилардан 633 минг, гуржилардан 65 минг, тожиклардан 2 миллион 625 минг, ўзбеклардан 1 миллион 215 минг, қozoқлардан 623 минг, қирғизлардан 95 минг, туркманлардан 792 минг, қорақалпоқлардан 2 минг хорижга қочгани таъкидланган. Бу рақамларнинг чет эл матбуотида махсус тилга олиншига сабаб — Совет Иттифоқидан Исроилга кўчишни ис-таган мусовийлар масаласи Хелсинки конференцияси йиғинларида кўрилиши бўлган.

Газетада Ғарбий Олмониядаги мусулмонларнинг Ди-ний идорасидаги атоқли киши, бош имом Нуриддин На-мангоний Хўжанинг етмиш ёшида Туркияга қайтгани ҳақида хабар берилган. Шунингдек, саҳифада имом Ну-риддин Намонгонийнинг «Бирлашган Миллатлар Ташки-лоти» 1961 йилда Генада ўтказган «Жазойир миллий мус-тақиллиги» мавзусидаги йиғинида жазоирлик вакиллар билан тушган расми ҳам босилган.

Газетанинг «Хабарлар» бўлимида «Туркистон ва қўш-ниларидан», «Туркиядан», «Дунёдан» турли хабарлар эълон қилинган. Улардан бирида «Инглиз тадқиқотчила-ридан Ўлаф Гаройенинг 1953 йилда биринчи ва 1967 йил-да иккинчи босқиси инглизчада чиққан «Совет импера-торлиги, Ўрта Осиё турклари ва Сталинизм» китоби «Тар-жимон» (Туркия) газетасининг «1001 тамал асар» серия-сида нашр этилди дейилади. Яна бир хабарда Туркистон-лик профессор Тоҳир Чигатойнинг «Капиталистик ижти-мой тузум ва унинг бугунги аҳволи» китоби Истанбул-даги «Ўтукен» нашриётида босилгани қайд этилади. Бош-қа бир хабарда Туркистоннинг Наманганида туғилиб етишган доктор Боймирза Ҳайитнинг Анқарада «Совет Русия империализми ва Турк дунёси» деган 392 бетли мақолалар китоби босилгани айтилади.

Маълумки, Совет Иттифоқи матбуотида чет элдаги ва-тандошларга «қарши пропаганда» руҳидаги мақолалар кўп берилган. Бунга чет элдаги муҳожирлар ҳам ўз фикрларни билдириб келганлар. Газетанинг шу 5-сонида профессор Тоҳир Чигатойнинг «Рус империализмига ва Қорабоевга жавоб» мақоласи босилган. Маълум бўлиши-ча, Туркменистон компартияси МК журналида (1973 йил октябр сони) Б. Қорабоевнинг «Пантуркизм реакционер буржуа идеологияси хизматида» деган мақоласи берил-ган. Т. Чигатой шунга жавоб ёзган. «Бугун бутун кучи

Билан Туркистоннинг табиий бойлигини, халқининг бор қувватини олиб-битирмоққа киришган Совет Русия империализми, орада бир-икки, ташқаридаги Туркистон эрчиларини ҳам йўқлаб турибди,— дейди муаллиф. Сўнгра қизиқ бир фикрни билдирадиги, бугунги кунда унинг нақадар ҳақиқат экани аён бўлмоқда. Яъни, зотан, Совет Русия ҳокимияти остидаги бир туркистонликнинг тарих билан шуғулланиши қадар толехсиз бир ишчиликни тасаввурга сиғдиролмайдиган. Чунки у бир тарихчи бўлгани ҳолда, ҳаммадан яхши тушунгани тарихий ҳақиқатларнинг тескарисини айтмоқ мажбуриятидадир».

«Хур Туркистон учун» газетасининг 6-сонли (10.05.1976) илк саҳифаси 10 май куни Истанбулнинг Отатурк маданият саройида очилган «VII Ислом ўлкалари анжумани»га бағишлаган. Бу йиғин ҳақида «Ўрта Осиё матбуот агентлиги» билдирган фикрга кўра, 43 та ислом мамлакатлари ташқи ишлар нозирлари ва давлат, дин арбоблари қатнашаётган бу конгресда «бундан аввалги анжуманларда бўлгани каби, ислом ўлкаларига оид барча муҳим масалалар хусусида фикр юритилди, фақат яна рус-чин (хитой) орасидаги мусулмонларнинг миллий мустақиллиги яна тилга олинмаяпти» дейилади. Шу мавзудаги газетанинг бош мақоласида («Ислом дунёси ва Туркистон масаласи») шундай дейилади: «Йигирманчи асрнинг иккинчи ярмида ислом дунёси мустамлака идораси зулмидан қутулиб, мустақил давлатларга айланди. Бу манзара бутун инсонлик дунёси учун севинч берувчи бир ҳодисадир. Фақат, не ёзиқки, исломиятга ва инсониятга буюк хизматлар қилган мусулмон ўлкаларининг баъзилари ҳамон мустамлака ҳолида яшамоқда. Биласизки, бу ўлкаларнинг бошида Туркистон турибди. Узун йиллар истилочиларга қарши кураш, мустақиллик учун жанг олиб борилади. Бу кураш, худди Африкадаги каби охириги натижага эришгунча давом этажак... 43 та ислом давлати тўпланган бу конгресда учта масала кўрилди: 1. Қибрис (Кипр — Т. Қ.), Ўрташарқ ва Фаластин муаммоси. 2. Филиппинлардаги мусулмонларнинг вазияти. 3. Эритреянинг мустақиллиги.

Биз туркистонликлар «VII Ислом ўлкалари анжумани»га муваффақиятлар тилаймиз. Фақат рус ва чин асоратидаги миллионларча мусулмонларнинг масаласини анжуман аҳлидан ҳеч қурса маънан эсга олишларини истардик. Бундан аввалги Ислом конгресларига бу мавзуда бир неча марта мурожаатлар қилинганга қарамай, бугунгача бу борада бирор мусбат натижа бўлмади.

Биз инсонларга ҳуррият ва миллатга мустақиллик истаймиз. Бутун дунёга қарата айтганимиздек, бу сафар ҳам ислом ўлкаларига мурожаат айлаймиз: биз ҳам спзлар каби мустақил давлат бўлмоқни истаймиз. Бу Оллоҳнинг ҳар бир миллатга бергани бир ҳақдир. Бутун мусулмон қардошларимизни ўз бурчларини (мусулмоннинг ўз диндоши олдидаги вазифасини — Г. Қ.) бажармоққа даъват этамиз, дейилади бош мақолада.

Шу саҳифада феврал ойининг илк ҳафтасида (1976 йил) Ливияда бўлган «Ислом-христиан диалог конференцияси» ҳақида маълумот, иккита расм берилган. Биринчи сувратда бу конференция қатнашчиларининг умумий бир шакли, иккинчисида эса, бу йилгида иштирок қилган «Советлар бирлигидан келган қизил муфти Зпёвуддин Бобоҳон ва Туркия Диниат ишлари бошлиғи доктор Лутфи Тўғон» ҳамда бошқаларнинг биргаликда тушган ҳолати тасвирланган. Биринчи расмдаги психода «Туркистон масаласи Ислом мамлакатларининг она масаласи бўлмоғи керақдир» дейилган.

«ТРТнинг ташқи эшиттиришларида турк лаҳжаларига жой берилиши исгалмоқда» деган мақолада Туркия Радио-телевизион идорасига қарата бир хоҳиш билдирилган: яъни, Туркиядан ташқаридаги миллионларча асир турклар учун, хусусан рус ва чин асоратидаги туркистонликлар учун уларнинг лаҳжаларида эшиттиришлар берилишини барча «Туркистонликлар жамият»лари талаб қилаётгани, бу ҳақ-ҳуқуқ «Инсон ҳуқуқлари байномаси»нинг 19 моддасида кўрсатилгани таъкидланган.

«Мустафо Жамилев икки ярим йилга ҳукм этилди» мақоласида эса, Қрим туркларининг йўлбошчиси Мустафо Жамил ўғлининг қамалиши, уни Омскга турмага жўнатилгани, академик Сахаров ва унинг хотини Мустафони кўргани борлиши, нолислар уларни турмага қўймагани ҳақида ёзилган.

«Чинликлар Туркистонда алифбо ўзгариши қилдилар» деган мақолада чинлар асоратидаги Шарқий Туркистонда халқ қўллаётган араб алифбоси ўрнига лотин алифбоси тиқштириляётгани айтилган. «Янги Чин агентлиги» хабарига кўра, «Араб алифбосидаги ёзувни ўқиш жуда ҳам қийин, даврнинг муҳим эҳтиёжларига, социализм қурилишига уйғун эмас. Халқ бу соҳада бир реформа ўтказилишини, лотин алифбосини қабул қилинишини орзу этмоқда». Чин агентлиги хабари бундай, аммо бу мавзунини терап тушунадиганларнинг фикрича, — деб ёзади газета. — «бу ҳаракат русларнинг Туркистонда туб элни

руслаштирмоқ сийёсатидаги алифбо масаласини эсга солмоқда. Агар чинлиқлар келажакда шояд лотин ҳарфлари ўрнига чин ҳарфларини муомалага киритсалар, унда Туркистоннинг бу бўлагида ҳам миллий маданият катта хавф остида қолади».

Газетадан катта бир ўринни олган Темур Хўжа ўғлининг «Туркистонда жадин мактаблари» мақоласи тарихий ҳужжатларнинг, илмий мушоҳаданинг тараққий билан эътиборни тортади. Муаллифнинг ёзишича, турк халқлари тарихан чин, хинд, араб, форс, япон халқлари билан муносабатда бўлган, уларнинг маданиятларини бир синтез шаклида эски турк маданияти билан бирлаштирган; турклар миллдий сананинг тўққизинчи юз йиллиги охиридан бошлаб Туркистонни бутун дунёнинг илм ва маданият маркази ҳолига келтирдилар. 9—13 асрларда фан ва маданият ривожланиб, олий бир даражага етишдики, бу нуқтага Ғарб ва Оврупо давлатлари фақат 16 асрдagina эриша олди. Жанговар мўғулларнинг дунёвий юришлари оқибатида туроқлама чоғи (туриш, тўхташ даври)га кирган Туркистон ренессанси («Туркистон ренессанси» ибораси бизники, дунёда шу давргача бу даражадаги маданият тараққий бўлмагани учун, бемалол, юртимиздаги кечмиш буюк илм-фан юксалишини «Туркистон ренессанси» дейиш мумкин — Т. Қ.). 14 аср охиридан, император Амир Темур давридан янгидан жонланмоққа киришди, аммо Темурнинг 1405 йилдаги ўлими биланоқ, унинг салтанати парчалангани асносида бу ренессанс ҳам ортга қараб кетди. Темурнинг ўлимидан кейин Туркистон яна миллий бир бутунликка эришолмади — миллат улуг жаҳонгирнинг салтанати билан баробар парчалади. Ана шу бўлиниш юрт ҳудудларининг эгасизлигига олиб борди. 1853 йилда руслар Оқмачитни қўлга киритгач, Туркистоннинг ҳозиргача давом этиб келаятган аччиқ фожеалари бошланди. Темур Хўжаўғли Туркистоннинг истилога йўлиқишида уч нуқта борлигини қуйидагича изоҳлайди: 1. Туркистоннинг миллий бутунлигини йўқотгани, миллий бутунлиқни сақлаб қоладиган йўлбошчининг етишиб чиқмагани. 2. Овруполикларнинг 15 аср охиридан Хиндистонга борадиган денгиз йўлини очиши муносабати билан Туркистон иқтисодининг она томири ҳисобланган машҳур Ипак йўлининг тужжорий аҳамиятини йўқотиши. 3. Туркистонликларнинг Ўрта Осиё минтақасидан ташқаридаги ўлкалар билан алоқаси узиллиши ва ташқаридаги илмий-техника ривожидан хабарсиз қолиши ва қувватсизланиши. Шундай қилиб, Туркистон 15 аср охири-

дан 19 аср ўрталаригача ташқи оламдан узилиб, ўз қобиғи ичида парчаланиб ҳаёт кечирди.

Туркистоннинг машҳур кўкбилим (астрономия) билгини Улуғбек Бухородаги бир мадрасанинг киришига: «Билим олмоқ ҳар мусулмон эркак ва хотиннинг бурчидир» деган муқаддас сўзларни ёздирган,— деб давом этади Темур Хўжа ўғли.— Не ёзиқки, сўнгги юз йилларда Туркистондаги мактаб ва мадрасалар инсонга билим бериш ўрнига бунинг терсига хизмат қилдилар... Хуллас, 1875 йилдан рус истилочилари ўз болаларини ўқитиш учун Туркистон тунроқларида илк ва ўрта мактабларни очмоққа киришди. 1912 йилда бошланғич рус мактаблари 330 та, 1914 йилда рус ўрта мактаблари 50 та эди. 1886 йилдан эътиборан истилочилар Туркистон болаларининг миёсига ўз ғояларини қуйиш учун «рус-тузем» мактабларини очдилар. Бу даврдаги туркистонлик мунавварлар русларнинг режали равишда ёймоққа киришганлари маданият империализмига қарши курашга бошладилар ва ўзларининг янги усул — жаҳид мактабларини очмоққа жаҳд этдилар. Уларнинг нияти — Оврупо фани ва техникасини миллатга ўргатиб, Туркистон маданиятини янгидан жонлантирмоқ, рус истилочиларини ўлкадан қувиб чиқариб, мустақил бир Туркистон давлати қурмоқ эди,— дейди муаллиф. Сўнгра жаҳид мактаблари тарихини шундай баён қилади: — Илк жаҳид мактабини Гаспрали Исмоил бек 1884 йилда Қримнинг Боғчасарой шаҳрида очди. 1893 йилда Гаспрали Исмоил бек амир Абдулаҳад билан кўришмоқ ниятида Бухорога келади, айни йилда унинг ташвиқи туфайли Самарқандда илк янги усулдаги мактаб очилади. Иккинчи жаҳид мактабини 1898 йилда Қўқонда Салоҳиддин домла очади. Шу йили Тўқмоқда ҳам янги мактаб пайдо бўлади. 1899 йилда Андижонда Шамсиддин домла ва Тошкентда Маннон Қори янги мактаб очадилар. Сўнгра Ҳожи Муин, Абулқодир Шокирий, Мунаввар Қори, Маҳмудхўжа Бехбудий жаҳид мактаблари қурдилар. 1903 йилда, умуман, 102 та илк ва 2 та ўрта жаҳид мактаби бор эди. Булардан 6 таси Бухоро амирлиги ва 8 донаси Хева хонлиги ерларида эди. Бухородаги янги мактаблар очилар-очилмас амир маъмурияти тарафидан дарҳол ёптирилар эди.

Туркистондаги янги мактабларнинг оммавийлашуви, ҳаётга таъсири 1908 йилда Бухорода қурилган «Ширкати Бухорон шариф» фаолиятида ҳам кўринади. Шаклан тужжорий бу ташкилот сиёсий ва маърифий ниятларни ҳам амалга оширди. Янги мактаблар учун дарсликлар

яратишга интилди. 1910 йилда эса, Ҳожи Рафий, Мирза Абдулвоҳид, Ҳамид Хўжа Меҳрий, Аҳмаджон Маҳмуд, Муқимиддин Маҳдум, Абдулрауф Фитрат, Усмои Хўжа, Содиқ Аширўгли ва бошқалар «Тарбияи атфол» (болалар тарбияси) жамиятини туздилар. Бу жамиятнинг бир бўлими Истанбулда ҳам очилди. Туркистондан Истанбулга 1911 йилда 15 та, 1912 йилда 30 та ўқувчи борди. Истанбулдаги бўлим «Бухоро таъмили маориф жамияти хайрия» (Бухоро маорифни умумлаштирувчи хайрия жамияти — Т. Қ.) номи билан расмий бир ташкилот бўлди... Жаҳид мактаблари, — деб ёзади Темур Хўжа ўгли, — русларнинг ерли туркистонликлар учун очган мактабларидан ўқиш-ўқитиш ишлари жиҳатидан юксак турарди. 1928 йилда жаҳид мактаблари расман таъқиқ этилди. Янги мактабларда етишган Туркистон мунавварлари 1938 йилгача Туркистоннинг маданий ва ижтимоий ҳаётида катта хизмат қилдилар; жаҳидларнинг барчаси қириб, сургун қилиб йўқотилгани, кейинги даврдан яқин-яқингача ватанчимизнинг бу маънавият қаҳрамонларини «халқ душмани» деб таҳқирлаган халқимизнинг ҳақиқий душманлари сўёсати эндиликда аён бўлди ва мен бу хусусда ортиқча тўхтаб ўтирмайман.

Газетанинг «Туркистондан хабарлар» бўлимида турк асли жумҳуриятларда рус тили «иккинчи она тили» каби ўқитишга мажбуран бошлангани айтилади. Яна бир хабарда Туркменистон Фанлар академияси аъзоси, машҳур тарихчи Ғойиб Нафас ўглининг вафоти билдирилган ва унинг Туркменистон ССР қандай ташкил қилингани ҳақидаги ёзган мақолалари танқидга учраб, ўзи «буржуа миллатчиси» дея таҳқирлангани таъкидланган. «Туркиядан» берилган хабарга кўра, Аданадаги «Туркистонликлар ёрдам уюшмаси» ташаббуси билан ватандошларимиз йил бошида «Сомса кечаси» — байрам дастурхони тузганлар. Газетанинг бу саҳифасида ҳам «Инсон ҳуқуқлари комитети» фаол аъзоларидан бири, Қрим турклари йўлбошчиси Мустафо Жамил ўглининг турмада очлик эълон қилгани «Туркияда бомба таъспири» ҳосил этгани билдирилади.

«Хур Туркистон учун» газетасининг 7-сони (15 август, 1976 йил)да Самарқанддаги Шоҳизинданнинг маҳобатли ва бир оз вайрон кўриниши акс этган, суврат остига эса, «Туркистон шаҳарлари яна зилзила натижасида тебранди» деган мақолача берилган. Унда 15 майда яна ер қимирлагани, Туркистон шаҳру қишлоқлари тебрангани, зилзиланинг асос маркази бундан 20 йил олдин қурилган

Газлида экани, бу ердан чиқаетган табиий газнинг Москва хазинасига оқаетгани, ер қимирлашининг сабаби — газ чиқиши оқибатида ер тагининг бўшаб қолгани таъкидланган. Шунингдек, агар zilzila 9 баллдан ортиқ бўлса, жаҳон мамлакатлари зарар кўрганларга ёрдам кўрсатиши мажбурияти борлиги айтилиб, Москва Туркистондаги оғир вазиятни сақлаб туриш учун дунёга ёлгон маълумот тарқатгани овоза қилинган.

Илк саҳифадаги энг катта сарлавҳада «Руслар Туркистонда маданият империализмининг бошладилар» дейилган, сўнгра «Чорлик давридан кейин Туркистоннинг ер ости ва ер усти бойликларининг босқин-ла ташиётган шўролар турк болаларининг уйларида бошлаб русча ўрганишлари кераклиги ҳақида қарорини қўтирчоқ жумҳуриятларга тасдиқлатди» дейилади.

«Россияда халқ ДХК таъкибига учрамаслик учун дардини ичкилик билан енгади» деган мақолада айтилишича «Молодой коммунист» журналинда ёзилганидек, Совет Иттифоқидаги талабаларнинг 70 фонзи ичкилик ичади. Москвадаги бир нашрда қайд этилганидек, советлардаги ичкиликка ўрганган шахслар ҳар йили 15 миллиарддан 28 миллиард қадар пулларини ичкига сарфламоқда. Ҳар овла ози билан йилда 216 сўм, кўпи билан 480 сўмгача ичкиликка исроф этмоқда.

Бу сонда ҳам Қрим турклари йўлбошчисин ҳаётига оид «Мустафо Жампловнинг соғини жиддий таҳликада» деган мақола берилган.

Салоҳиддин Эртуврнинг «Эранлар ва Туркистон», П. Урбаннинг «Туркистон совет жумҳуриятларида миллий-идеологик қайрилишлар» деган мақолалари, назаримда, бугунги ўқувчига у қадар янгиллик бермайди, шунинг учун булар хусусида тўхталиб ўтирмайман; аммо бу мақолаларнинг бундан ўн беш йил аввал ёзилганини ҳисобга олганда, шубҳасиз, уларда мўътабар фикрлар мавжуд.

«Туркистон масаласи» деган бош мақолада кейинги йилларда Туркистон мустақиллиги ҳақидаги фикрлар жаҳонга ёйилгани сайин баъзи газета-журналлар бунга қарши ҳужумга ўтгани. Москва ва Пекин империализмининг Туркистондаги мустамлакачилигини пардалашга қаттиқ ғайрат қилаётганлари фох этилади. Кейин «шунинг таклиф қиламиз: «Исроилга Туркистондан 15 минг мусовий кўчиб келди, фикримизнинг нечоғли ростлигини истаганлар улардан сўраб билсинлар» дейилади.

Газетанинг бу сондаги энг кучли мақола доктор Боймирза Ҳайитнинг «Туркистонда рус империализми» аса-

рининг давоми (биз бу ҳақда алоҳида тўхталамиз) ва Зиёвуддин Бобоқурбоннинг «БМТ ва аспр миллатлар» мақоласидир. 3. Бобоқурбоннинг ёзишича, БМТ статистикасига кўра, 1939—1962 йилларда Буюк Британия, Франция, Белгия, Хўлландия нуфуси 840 миллионли, ери 20 миллион мурабба километрли 44 та собиқ мустамлакасига мустақиллик берган. Айни ҳисоб ҳужжатиде таъкидланишича, бу давр мобайнида энг катта мустамлакачи ҳисобланган Советлар Иттифоқи янгидан турли ўлкаларни ишғол қилган, Шарқий Овруподаги 7 та собиқ мустақил давлатда ҳам колониал тартибдан фарқ қилмайдиган коммунистик режимни зўрлаб ўрнатган. БМТнинг «Мустақиллик декларацияси»га кўра Британия, Хўлландия, Франция ва Белгия ўз мустамлакаси бўлган 44 та миллатнинг 840 миллион одамига озодлигини бергани, мустақиллигига йўл очгани бир замонда Совет императорлиги асоратида 96 миллиондан ортиқ рус бўлмаган миллатлар эзилиб келмоқда... — бу гаплар чет элда 1976 йилда ёзилаётгани, албатта сизга маълум. Мана, бугунда Шўре салтанати парчалангани, Болтиқбўйи миллатлари мутлақо озодликларини кўлга олганлари, бошқа асоратдаги миллатлар ҳам кўпчилиги ўз мустақиллигини эълон қилгани, ҳуррият йўлига тушганини ҳам биласиз.

Туркистон ерларида шўролар мустамлакачилик сиёсатини ўтказиш учун тузган бир неча жумҳуриятларнинг бугунда ўз мустақиллигини тиклаш учун қатъий киришгани — тарихий шароит тақозосидир. Бу узоқ даврдан — 1850 йилдан бери миллионларча халқимизни зулм, жаҳолат, қўрқув тузуми билан идора қилиб келганларнинг хақсиз, харомдан тўйган вужудининг қариши, кучсизланиши, жаҳон аҳли кўзида шарманда бўлиши, рад этилиши, йиқилишидир ва мазлум миллатларнинг кучайиши, янгидан қувватланиши. ўз ҳур давлатларини қайтадан тиклаш давридир. Бунга етиб келгунча юртдан ташқаридаги туркистонликлар, хусусан, «Хур Туркистон учун» каби газеталар бу ёруғ кунлар йўлида катта хизмат қилди. Зотан, Туркистон ичидаги ва ташқидаги барча кишилар «энди Туркистон йўқ, парчаланиб, тамом бўлди...» дея аламга, умидсизликка берилиб юрганларида, бу газетада: «Бир кун келажак, ТУРКИСТОН МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ОЛАЖАҚ, Бирлашган Миллатлар Ташкилотидеги ўз ўрнига ўтиражақ» дея компл ишсиз билан ёзилган, дилларга буюк умид берилган эди.

Мен шу ўринда бутун юртдошларимга, бутун дунё инсонларига савол бермоқчиман: тарихда бутун инсониятга

Ўз илми, маданияти егиштирган буюк шахслари билан хизмат қилган Туркистон нега мустақил бўлмаслиги керак; бугунда қарийб юз миллион аҳолиси билан Ер юзиде тирикчилик қилиб, Ердаги ҳаётни сақлаш, давом эттириш учун яшаётган туркистонликлар қайси миллатдан кам — БМТ ҳамма миллатлар тенглиги, овозлиги, ҳақ-ҳуқуқи учун тузилган бўлса, нега Туркистон жумҳуриятларини танимайди?! Ёки бу ташкилот бошқа, уни тузган ва асосий овозларни эгаллаган миллатларнинг давлатига хизмат қиладими? Назаримда, ҳозиргача шундай бўлиб келди. Бу ҳол кейин ҳам давом этса, дунёдаги энг охириги мустамлака кишанбандлари яна Туркистондаги ва атрофдаги мусулмон, турк халқлари бўлиб қолаверса, у ҳолда биз учун алоҳида бир иттифоқ — дейликки, «Асоратдаги мусулмонлар ва турк халқлари Бирдамлиги»га ўхшаш, худди БМТ каби бир уюшма тузишдан бошқа йўл қолмайди. Лекин, ҳар қанақа ҳолда ҳам, биз бугун шундай даврга етиб келдикки, энди овруполиклар ё шарқлик мустамлакачилар ҳурлигимизни аввалгидай топтай олмаслар — уларнинг ваҳшийлиги, маданиятсизлиги, эътиқодсизлиги, энг муҳими, маънавий тубанлиги бугунда барча мазлум ва эскидан маданиятли, шуҳратли ва бахтсиз халқларимизга аён бўлиб қолди. Зотан, катта давлатларни, империяларни, техникаси эмас, балки асосан маданияти ва фақат маънавияти устун миллатларгина бошқаришга ҳақли. Инсоний ва миллий ҳуқуқларни поймол қилиб, бугунда на қилич билан, на тўпу танклар билан, на-да бомбалар билан бошқа мустақил юрт тупроғига кириш мумкин, агар бу жиноят содир этилса, кўриб турибмизки, жиноятчи ҳукумат жаҳон жамоатчилиги олдида фирром тузум сифатида рад қилинмоқда, иқтисодий ва сиёсий бўғов (блокада)га маҳкум қолмоқда. Шунинг учун бугунда ҳар бир киши қўрқмасдан, онгли равишда, қатъий мустақиллик йўлидан бориши, миллат бўлиб, давлат бўлиб, ўз мустақиллигини яратиши керак. Зотан, муқаддас китобимизда битилганидек, Оллоҳ бир халқнинг ҳаётини уларнинг ўзлари сабабчи бўлмагунларича бир шаклдан бошқа бир шаклга ўтказиб қўймайди. Демак, бизнинг аждодларимиз ўзларининг миллат ва давлат сифатида парчаланишлари билан бизга қулликни, асоратларни мерос қолдирган экан, майли, биз юз эллик йил маҳкумлиқ, мазлумлиқ зулмининг тортдик, аждодларимизнинг давлатни ва миллатни, умматни асрай олмаганликлари гуноҳининг жазосини тортдик. Бас, энди биз ўзимиз сабаб бўлиб қалқайлик — мустақил Туркистон жумҳуриятлари-

ни ўзимиз қурайлик, токи дунё мамлакатлари, БМТси ҳам тависин, тан олсин. Зотан, биз бундай қилмоққа ҳаммадан кўра ҳақлимиз, чунки Туркистондан дунёга тарқалган турк халқлари ҳозиргача Ер юзида 118 та давлат қуриб, башариятга хизмат қилиб қўйибди.

Асосий ниятимиз мустақил давлатимизни қуриш ва мустаҳкамлаш экан, Туркистон тарихини билмасдан бу иш юришмас. Шунинг учун яна «Хур Туркистон учун» газетаси саҳифаларига мурожаат қилиб, бу соҳадаги тушунчаларимизни ойдинлаштирмоқни истайман.

Газетанинг 3—8 сонларида босилган доктор Боймирза Ҳайитнинг «Туркистонда рус империализми» мақоласидан баъзи парчаларни эркин таржима қилган ҳолда баён этамиз. «Туркистондаги совет мустамлакачилиги,— деб ёзади олим,— социализм, коммунизм, интернационализм, миллий мустақиллик ҳақлари ва бошқа шунга ўхшаш турли ниқоблар билан ўзини сақлаб келмоқда. Совет колониализмини яхши тушунмоқ учун манбааларга диққат қилайлик. Туркистонликларнинг тарихи, маданияти, урф-одати, дини, тили ва бошқа миллий хусусиятлари русларникидан тамоман айридир ва бутунлай бошқа моҳиятга эга. 1917 йилгача Туркистонда социализм, коммунизм, ишчи ҳаракати деган нарсалар бўлмаган, бу гаплар шўро тузуми ва Туркистонга ёпирилиб келган рус унсурлари томонидан сингдирилган тушунчалардир. 14.11.1917 йилда Тошкентдаги биринчи ва иккинчи Сибирия қўшини, руслардан иборат 400 та темир йўлчи-ишчилар ва ишчи-аскарлар бирлашиб, 19.11.1917 йилда Туркистон Совет Комиссарлигини қурдилар («Туркистонда Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси», Тошкент, 1958 йил, 582 б).

Георгий Сафаровнинг ёзганига кўра, бу комиссарлик илк ондан бошлаб бир колонизаторлик сиёсатини юритган («Революция и культура в Средней Азии», сборник № 2, Тошкент, 10 б.). Шундай қилиб чор мустамлакачилиги зулмини Совет мустамлакачилиги давом эттирмоққа киришди. (И. Борисов, «Октябрь в Ташкенте», Тошкент, 1922, 15 бет). Бу комиссарлик 1920 йилгача Тошкентдаги Совет тузумида қатнашмоқ учун бирорта туркистонликни жалб этмаган. 1920 йилнинг июлида бўлган «Қозоғистон коммунист партиясининг маслаҳат йиғини»да бирорта қозоқ турки қатнаштирилмаган. («Партийная жизнь Казакстана», № 10, 1960, 25 б.). Туркистон коммунист партиясининг 1920 йил сентябридаги 5-партия конгрессида жуда кўп совет ташкилотларида ҳамон кўпчилик мустамлака-

чи кайфиятидаги овруполиклар — руслар ишлаётгани қайд қилинган. («Материалы об единой научной сессии, посвященной истории Средней Азии и Казахстана. Эпоха социализма. Алма-Ата, 1958, 161 б.; яна қаранг: «Еш Туркстон», № 69, Париж-Берлин, 1935, 9 б.).

Москвадаги совет ҳукумати ва Тошкентдаги Туркстон Совет Комиссарлиги Туркистоннинг ва Алаш-Ўрданинг Миллий Мухтор ҳукуматларини йўқотмоқ ва Қизил армия қўли билан Туркистонни истило этмоқ ниятида эди. (Муаллиф ўзининг немис тилида чиққан Қўқон мухторияти ва Алаш-Ўрда тарихига оид китобида бу ҳақда батафил ёзилганини эслатади). Бу истило амалга ошмаса, Туркистондаги совет иқтидорининг борлиги маъносиз бир нарса бўлиб қолаверарди. Русия совет ҳукумати Туркистонни иккинчи марта истило қилмоқ ниятида (биринчи марта XIX аср охирида чорлик Русияси босиб олган эди) 15 август 1919 йилда Туркистон жабҳаси (фронт) тузди... — Боймирза Ҳайит мақоласида ҳар бир фикрини асослаш учун рус, ўзбек ва бошқа тиллардаги китоблар, ҳужжатлардан фойдаланиб, Туркистонни иккинчи марта босиб олинишни исботлаб беради ва: — Туркистоннинг 1918—1922 йилларда Совет Русия қуроли кучлари тарафидан ишғоли бу колониал сиёсатнинг илк бошланғичи эди, дейди. Сўнгра «Қизил армия Туркистоннинг миллий озодлик ҳаракати қатнашчиларини, яъни «босмачилик»ни фақат 1923 йилга келиб бостирмоққа муваффақ бўлди» дейди. Туркистонда совет тузумини ўрнатиб, мустақкамлашда РСФСР ҳукуматидан келган Турккомиссия катта диктаторлик ишлари олиб борганини ҳам муаллиф таъкидлаб, (бу ҳақда О. Эшоновнинг «Роль Турккомиссии и укрепление советской государственности в Средней Азии, 1919—1920 гг.» «Известия АН УзССР» № 3, 1960, 11—19 б. батафсил ёзилганини муаллиф эслатади), «Ҳатто совет муаллифлар бу хусусда «Петроград ва Москвада шўролар зафар қозонмасайди, Тошкентда, Самарқандда ва бутун Туркистонда совет тузumi маъносиз бир нарса бўлиб қолаверарди» деб ёзишдан ҳам тоймадилар» (А. А. Гордиенко. «Творческая роль советского государства и права в социалистическом преобразовании Туркестана». Тошкент. 1959, 320 б.) дея Туркистоннинг советлар томонидан ишғоли ва унинг парчаланиши манзарасини далиллар билан кўрсатади: советлар 1919 йилдаёқ Туркистонни парчалаш фикрини мияларига қуйиб олганларини қайд этиб, бунга баъзи сиёсий мулоҳазалар монелик қилганини, бу хусусдаги Фрунзе ва Куйбишевнинг

хатини эслатади, аммо 13 июнда, 1920 йилда, Ленин Туркомиссияга Туркистонни парчалаш йўллари ахтариши кераклиги ҳақида йўриқ юборади. Шундай қилиб, 1924 йилда Туркистон беш парчага бўлинади («Хур Туркистон учун», № 3, 1975).

РСФСР ҳукумати 13 сентябр 1921 йилда Хоразм давлати ва 4 март 1921 йилда Бухоро давлати билан тузган битимларида Туркистондаги бу икки хонлик давлати мустақиллигини таниган, тан олган эди, аммо, бизга тарихдан маълумки, қизил армия минг фитна билан бу икки мустақил давлат ерларига кириб олиб, охир-оқибатда бу хонликлардаги расмий ҳукуматни ағдардилар, шўро тартибини ўрнатдилар. Бу шўроларнинг Туркистонни иккинчи марта босиб олишидаги иккинчи бир босқич бўлди. Бу ҳақда доктор Боймирза Ҳайит мақоласининг давомида, газетанинг 4-сонида батафсил ахборот беради. Олим мақоласида шундай рақамларни келтирадики, бу Туркистонда коммунистлар партияси тузилиши, фаолияти тўғрисидаги тушунчаларимизни тўғри йўлга солишда муҳимдир: «Туркистон коммунист партиясида декабр 1917 йилда 64 та, апрел 1918 йилда 220 та, декабр 1918 йилда 18.000 кишилик аъзоси бўлган, аммо булар орасида бирорта туркистонлик бўлмаган («Революция в Средней Азии», сборник, № 1, Тошкент, 1929, 11 б.). 1924 йил августга келиб партияда 13.798 та аъзо бўлган, шундан 9405 таси руслар, 2583 таси туркистонликлар эди. (Е. Худойбердиев, «Туркменистон компартиясининг расмийлаштириши...», Ашхабод, 1958, 25 б.). Муаллиф 1960 йил бошига келиб Туркистон жумҳурияларида коммунистлар 676.390 тага етганини, аммо буларнинг миллий таркиби доимо яширилиб келинганини таъкидлайди ва шу йилда Қозғистон компартиясининг 318.500 аъзосидан фақат 15.375 таси турк қозоқлари эканини айтади. («Казахстанская правда», 3.12.1960). Муаллиф сўнгра рақамлар билан Туркистон коммунистларининг кўнчилигини, раҳбарларининг асосий қисмини руслар, украинлар ва бошқа миллатлар ташкил этишини таъкидлаган. Зотан, бу ерли халқни бошқаришда тамал тошидир. Олим пахта масаласига ҳам кенг тўхталган, бугунда яъни, бу муаммо анча ойдинлашганини ҳисобга олиб, биз муаллифнинг «Туркистондаги пахтачилик майдонларидаги колониал босқин юксак савиясига эришган» деган фикрини, Ўзбекистон совет жумҳурият қишлоқ хўжалик нозири Хидиралиевнинг 1930 йилдаги сўзларини — «Ўзбекистонда пахтачилик қанчалик кенгайиб борса, унинг «Москвага боғлиқлиги, тобе-

лиги шу қадар ортади, Москванинг қизил мустамлакаси ҳолига тушади» деганини келтириш билан кифояланамиз.

Саноат соҳасида муаллифнинг айтган фикрлари ҳам рақамлар ва ҳужжатлар билан тўлдириб, асосланади. Масалан, Туркистоннинг ерости бойликларидан фойдаланиш шўро мустамлакачилигининг муҳим кўринишларидан бири экани, «совет даврида 35 минг саноат муассасаси қурилгани ва бугунда Туркистон Осиёда Япониядан кейинги энг катта саноатлашган ўлка экани, бироқ «Туркистон саноатининг 95 фоизи руслар тарафидан идора этилаётгани» афсус билан қайд қилинади. («Хур Туркистон учун», 4-сон).

Муаллиф мақола давомида аҳоли таркиби ва унинг моддий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрни хусусида ҳам ўз тадқиқотларини баён қилиб, жумладан, шундай дейди: «Туркистонда совет колониял сиёсатининг аломатларидан бири мамлакатни мустамлакалаштирмоқдир. Чор ҳукумати Туркистонга 1914 йилда 1.950.000 рус, украин ва бошқа слав унсурларини ерлаштирди. 1926 йилда бу колониялиларнинг сони 1.718.489 киши эди, 1939 йилга келиб бу сон 2.128.225 га етган эди. 1950 йилдаги аҳоли ҳисобига кўра, Туркистонда 6.265.000 рус, 1.350.000 украин, 108.000 белорус, 53.000 полониялик ва бошқа келгиндилар бор». («Хур Туркистон учун», 5-сон).

Газетанинг 6-сонидagi мақоланинг давомида «буюк русчилик» сиёсатининг оқибатлари ҳақида фикр юритилган. «1929 йилда Туркистондаги идора бошқарувчилар, маъмурлардан 2932 таси рус ва 335 таси туркистонлик эди,— деб ёзади доктор Боймирза Ҳайит,— 1949 йилга келиб бу мақомлардаги рус ва украинлар сони 3675 тага, туркистонликлар сони 486 га етди».

Олимнинг эллигинчи йилгача бўлган мустамлакачилик ҳақидаги фикрларига, бу рақамларга ва кейинги 40 йилга (1950—1990) назар солсак, яъни, биргина Ўзбекистон аҳолисининг тўртдан бири кўчириб келтирилганлар, асосан маъмурият ва корхона кишилари эканини, биргина Қозоғистон аҳолисининг тўртдан бири кўчириб келтирилганлар, асосан маъмурият ва корхона кишилари эканини, биргина Қозоғистон аҳолисининг ярмидан ози қозоқлар эканини эътиборга олсак, Туркистон жумҳуриятлари пойтахтларида ерли миллат вакиллари жуда озлигини, четга сиқиб чиқарилганини хотирласак, бугунда ўзбекларнинг асосий қисми қишлоқларда қашшоқ ҳаёт кечираётганини ёдга туширсак ва ниҳоят, яқинда барча Туркистон жумҳуриятларининг, жумладан, Ўзбекистоннинг ўз мустақил-

лигини эълон қилинганини назарга олсак, ўз-ўзидан Б. Ҳайит мақоласида ёзганидек, «Туркистонда рус империализми» сиёсати аёнлашади. Зотан, биз агар колония, мустамлақа бўлмасайдик, ўз мустақиллигимизни эълон қилишга ҳожат бўлмас эди.

Муҳожиротдаги туркистонликларнинг атоқли журналисти, ватанчи бир инсон Зиёвуддин Бобоқурбон чиқарган «Хур Туркистон учун» газетаси саҳифалари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни яқунлаб, газетанинг 9-сониди (31 март, 1977) берилган Муҳаммад Амин Бугронинг «Ватан бизимдир» шеърини такрорлашни истардим:

*Улуғ Ватан, эй пок тупроқ, азия Туркистон,
Тарихингдир очун учун муқаддас дoston!
Маданият асосини дунёга ёйган
Туркистонни бизга мангу бермиш Яратган —
То азалдан абадга бу ватан бизимдир!¹*

1991, ноябр

III

ВАТАННИ ТАНИШ

Ватансеварлик — ватанни таниш, уни ўз халқига ва дунёга танитиш, ҳар қаерда унга хизмат қилиш. Мен муҳожиротдаги ватандошимиз Зиёвуддин Бобоқурбон билан танишгач, унинг ҳам худди шундай ватансевар инсон эканига амин бўлдим.

1990 йили қишда Истанбулда бўлиб ўтган «Туркистон миллий қурултойи»га бордик. Бу йиғинни ташкил қилган Туркиядаги «Туркистонликлар маданий ва ижтимоий ёрдамлашма жамияти» таклифига кўра, ўнлаб зиёллар даъватли эса-да, Ўзбекистон Езувчилар уюшмасидан тўрт киши — ҳурматли адибларимиз Одил Ёқубов, Шукрулло, Жамол Камол ва мен бу анжуманга қатнашиш бахтига мушарраф бўлдик. Уч кун давом этган қурултойда она ватанимиз асир Туркистоннинг ўтмиши, бугуни ва келажагига боғлиқ барча масалалар хусусида фикр алмашилди, дунёнинг турли ўлкаларидан келган туркистонликлар, чет эллик олимлар, давлат

¹ Мақоланинг иккинчи қисми баъзи қисқарттишлар билан «Туркистон» газетасида (22 феврал, 1992) босилган.

кишилари бу мавзуда асосли, жуда қимматли мулоҳазаларни билдирдилар. Бу йигиннинг ўша совет мустамлакачилик сиёсати ҳамон ўз зулмида давом этаётган кунларда ўтказилиши, шубҳасиз, асоратдаги ўнлаб жумҳуриятларга мустақиллик берилишида таъсир этди, деб ўйлайман. Бу йигинда дунёнинг кўп журналистлари қаторида чет эллардаги ватандошларимиз ичидан етишиб чиққан атоқли журналист Зиёвуддин Бобоқурбон ҳам қатнашди. Мен бу зот билан ўшанда танишдим. Зиёвуддин ака биз билан суҳбатлар қилди, фикримизни «Озодлик» радиосидан бир неча бор эшиттирди. Ўшанда у киши менга ўзи бир пайтлар чиқарган «Хур Туркистон учун» газетасининг барча сонидан бир нусхадан совға қилди. Мен бу газеталарни ўрганиб, таржима қилиб, бир қатор мақолалар битдим, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» (10.01.1992) ва «Туркистон» (22.02.1992) газеталари улардан иккисини тўла бир саҳифадан қилиб босиб чиқарди. Ўқувчиларимиз (жумладан, биз ёзувчи ва журналистлар ҳам) муҳожиротдаги ватандошларимиз қандай газета-журналлар, китоблар нашр этган — бу ҳақда бир билгига эга эмасдик. Ҳамон бу мавзу ишлангани йўқ, бизнинг бу ёзаётганларимиз шу йўлдаги бир уринишдир.

Бобоқурбоннинг кимлигидан бугунда халқимиз бир оз хабардор. У киши Ўзбекистон Жумҳурияти Мустақиллик кунини байрам қилгани 1992 йили Олмониядан Тошкентга етиб келди. Ватанимиз ва миллатимиз ҳаёти билан, ёзувчи ва журналистларимиз билан яқиндан танишди. Газеталаримиз Зиёвуддин Бобоқурбон билан суҳбатлар уюштирди. С.Ҳаким «Истиклол сари йўл», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 4.9.1992; К.Холдорўгли, «Мен бир ёшга тўлдим», «Халқ сўзи» 14.9.1992 ва б). Ўзбекистон президенти Ислоҳ Каримов қимматли вақтини аямай, уни шахсан қабул қилди. Олмонияда чиқадиган «Шортваес» газетасининг 1993 йилининг май сонида бу икки зотнинг бирга тушган расми билан мақола берилди, унда мустақил Ўзбекистон ҳақида илиқ гаплар айтилди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, Зиёвуддин Бобоқурбон бугунги кунда чет дунёдаги ўзбек журналисти ўлароқ мустақил республикамиз ҳақида яхши сўзлар айтаётган, уни дунёга танитаётган, воқеликни фақат хайрихоҳ нигоҳ билан талқин этаётган ватандошимиздир. Яна шунини ҳам қувонч билан таъкидлашни истардикки, у Туркияда «Хур Туркистон учун» истиқлолчи газетасини чиқаргани, журналистлик фаолияти

учун Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тарғибот марказининг 1992 йилги Халқаро Абдулҳамид Чўлпон мукофоти билан тақдирланди. У мукофот топширилаётган тантанали кечада: «Бу мукофот фақат менга эмас, муҳожиротдаги барча истиқлол йўлида хизмат қилган, қилаётган азиз юртдошларимизга берилган мукофотдир. Бу мукофот буюк Туркистон истиқлолчи шоири Чўлпон номини ташиган сабабли ҳам мен учун ниҳоятда қимматлидир» деди.

Зиёвуддин Бобоқурбон асли Туркистоннинг Фарғона водийсидан, ота-боболари Марғилоннинг эски, бой-бадавлат оилаларидан бўлган. Ота томонидан Бобоқурбонлар, она тарафидан Жомбойлар оиласидан. У Туркияда ва бошқа яна ўн учта чет давлатда олиб борган журналистлик фаолиятида Зиёвуддин Бобоқурбон номи билан танилди; 1966 йилдан бери «Озодлик» радиосининг ходими ўлароқ Туркистонли Жомбой оти билан эшиттиришлар олиб бормоқда. Бобоқурбонлар оиласининг тақдири ҳам ўттизинчи йиллардаги фожиали қирғин ва қувғинлар туфайли Туркистондан чиқиб кетган минг-минглаб ватандошларимиз тақдири каби дир. 1931 йилда Марғилонда туғилган Зиёвуддин Бобоқурбон оиласи билан аввал Шарқий Туркистонда яшашди, сўнгра Ҳиндистонга кўчишди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида улар Туркияга келишади. Зиёвуддин Истанбулда ўн икки йиллик лицейда таҳсил кўради, сўнгра журнализм ишига киради.

Уша даврни эслаб, у шундай дейди: «У пайтда журнализм тараққий топмаганди, махсус университетлар йўқ эди. Масалан, минг киши журнализмга кирарди, шундан қобилиятлиси ўзи етишиб, ишлаб қонаверарди, эпламагани бошқа ишни тугиб кетаверарди. Мен эллагинчи йиллардан бошлаб кўп гафета-журналларда ишладим. Туркияда ўшанда 15—16 тача газета чиқарди, барчасида мақолаларим билан қатнашганман. Улардан «Турк сеси», «Заман», «Хавәдис», «Йени Истанбул», «Сабаҳ», «Фетҳ», «Истиклал», «Бугун», «Миллат», «Хур сес», «Улус»ни эслаш мумкин.»

Зиёвуддин Бобоқурбон турк ва ўзбек тилида ижод қилади. Олмон, инглиз тилларини яхши билади. У, ўзбек тилини уйда, онамдан ўрганганман, биз бир ўзбек мактабини кўрмаганмиз, дейди.

У ёшлигидан миллий ҳаракатга, Туркистон истиқлол ғояси хизматига киришган. Бу хусусда шундай эслайди: «1949 йил — Турквя Жумҳурият Кўни байрами эди. Боязид майдонида ўшанда катта бир ҳовуз бор эди, ҳо-

вуз агрофида катта сайиллар, томошалар бўларди, халқ кўп тўпланарди. Уша ерда собиқ Бухоро Халқ Жумҳурияти жумҳураиси Усмонхўжа ака билан кўришиб қолдим. Суҳбатлашдик, у киши: Бойвачча ака — оилам бойлардан бўлгани учун шундай дейишарди — эртага бир бизга келсангиз, сизнинг қилиб юрган ишларингизни биламан, эшитдим, бир иш қилсак, дедилар. Бордим. У пайтда «Туркистон Миллий Бирлиги»га аъзолар ҳам, бошқа ташкилотларга аъзолар ҳам кўп эди, ёшлар ичида бир ташкилот қуриш лозим экан. Шунда «Туркистонли талаблар Бирлиги»ни қурдик. Бу жамиятда Шарқий туркистонлик Абдурахим (Райимжон дейишарди), Шавкат Ербоғ, Бадриддин Охунбой, туркманлардан Ҳалил Муродўгли, яна Шавкат Ҳазратов, Қодирали Чигатой каби кўп инсонлар ишлади. Аммо агрофдаги бир қатор жамиятлар бу жамиятимизни ўз таъсирига олиш учун иш бошлагач, ўртада айри фикрлик келиб чиқди ва тез орада жамият ишини тўхтатди. Шу пайтда Шарқий Туркистоннинг машҳур давлат арбоби ва олими Муҳаммад Амин Бугро Туркияга келди. Бугун туркистонликлар Бугрони кутиб олишди. «Шарқий Туркистонликлар ёрдамлашма дернеги» қурилди. Тез-тез йиғинлар ўтадиган бўлди. Шу йиғинларда бир гоё ўртага отилди: бир ёқадан бош чиқариш; Рус ва Чин ўртасида бир бутун ҳур Туркистон давлати бўлиши керак. Шундан кейин раҳбарларимиз бир журнал қуриш кераклигини айтишди. Биз «Туркистон» деган журнални туркча чиқаришга Туркия ҳукуматидан рухсат олдик.»

— «Туркистонлик талабалар бирлиги» нега тарқалиб кетди? Журнални қандай маблағга чиқардиларинг? — деган саволимга Зиёвуддин Бобоқурбон шундай жавоб берди:

— «Биз «Туркистонлик талабалар бирлиги»ни қурган пайтда Туркияда яккапартия ҳокимлигидаги бир жамият, давлат бор эди, биз сиёсатга аралашмасдик. Жамиятимиз талабалар муаммолари, дўстлик, бирлик каби гаплар билан шуғулланган холос. Бироқ, юқорида айтганимдай, турли гуруҳлар ўз таъсири остига олмоқ учун ҳаракат бошланиб, гап кўпайгач, бу жамият ишини тўхтатиб қўя қолди. Лекин шуни ҳам таъкидлашни истардимки, биз жамиятнинг икки қурултойини ўтказдик, жамият бошига биздан бир оз катта, Иккинчи жаҳон ҳарбида қатнашган туркман Мурод Ҳалил ўгли келгач, ишлар анча жонланган эди..»

Энди «Туркистон» журнаlining манбаасига келсак,

биз уни Истанбулдаги муҳожир ватандошлардан пул йиғиб чиқарганмиз, ҳар ким кўнглидан чиқариб бир нарсан берган. «Туркистон Миллий Бирлиги жамияти»нинг журналлари эса жамиятнинг пулига «Прометей»чилар ёрдами билан чиққан. Менимча, муҳожиротдаги халқдан пул йиғиб, ташаббус билан чиқарилган илк нашр шу «Туркистон» журнали эди. Аммо бу билан биз ТМБчилар фаолиятига заррача шак келтираётганимиз йўқ, улар «Туркистон Миллий Бирлиги»да фақат миллий ишлар қилишган, гоё учун дунёнинг ҳар ерида фаолият кўрсатишган. Масалан, Иккинчи жаҳон ҳарби замонидagi Туркистон легионерларини олайлик. Узи легионер сўзининг маъноси пул оладиган, ёлланма аскар дегани. Бироқ Туркистон легионерлари бу урушда олмонлар рус большевиклар ҳукуматига қарши курашаётгани учун, туркистонликлар ҳам ўз ватанлари ҳурлигини истаганлари ва бу ҳукуматни ўз душманлари билганлари учун бундай ҳарбий ташкилотда қатнашдилар. Улар Туркистон учун курашувчи аскарлар эдилар...

— Кечирасиз, гапингизни бўламан, — дея қиёс учун бир мулоҳазани айтдим, — биздаги китобларда, киноасарларида уларни, яъни олмонларга асир тушиб, легионер бўлганларни «Ватан хоинлари» деб уқтиришади...

— Бу бизга маълум сиёсат. Ҳамма ўз манфаатини ҳимоя қилади, бу йўлда сиёсат юритади. Миллатимиз ўзини таниса, дўст-душманни билиб олса, бундай сохта сиёсатларга учмай қўяди. Хуллас, Туркистон легионерлари миллий руҳдаги курашчилар эди. Уларнинг марши ҳам бор эди, эсимда қолгани:

*Қўзғолинг, қўзғолинг, ёвга қўзғолинг,
Эй Ватан қаҳрамонлари!
От солинг, от солинг, ёвга от солинг!..*

деган каби. «Советни бостиринг», деган хитоблари ҳам бор эди.

— Мавзуга қайтсак, демак, «Туркистон» журнали қай ҳолатда, қанча нусхада чиқди ва кимларга, қаерларга тарқатилди, шу хусусда ҳам билги берсангиз.

— Журнални ўша пайтдаги қонунларга мос, Истанбулдаги аҳволга хос бир тарзда нашр этдик. Истанбулда у замонда икки юз минг одам яшарди (бугунда ўн икки миллиондан ортиқ нуфус бор). «Туркистон» журналини мингтадан чиқардик, беш юзтасини асосан туркистонлик ватандошларга, қолган беш юзтасини дунёнинг турли

давлатларига юборардик. Олтита сони чиқди холос. 1953 йил апрелидан сентябригача...

— Нима сабабдан чиқмай қолди, моддий етишмовчиликданми ёки бошқа бирор келишмовчиликданми?— деган саволимга Зиёуддин ака шундай жавоб берди:

— Бу журнал, содда қилиб айтганда, ўз гоъларимиз учун ўз муҳожирларимиздан пул тўплаб, нашр этилиб турган мажмуа эди. Ҳар бир туркистонлик оиласига биттадан берардик, улар ҳам 5—10 лирадан ёрдам этишарди. Уша пайтда байроқ масаласи қўзғолиб қолди. Ҳар ким, ҳар гуруҳ ўз фикрида туриб олди...

— Аниқроқ айтиш мумкин бўлса, батафсил сўзласангиз, чунки бу муҳожирот тарихи учун муҳимдир...

— Маълумки, у пайтда «Шарқий туркистонликлар ёрдамлашма жамияти» бор-у, аммо Ғарбий туркистонликларнинг бундай жамияти йўқ эди. ТМБчилар ҳам, улар ҳам ўз байроқларини тавсия этиб, шу Туркистон миллий байроғи саналсин, дейишарди. ТМБчилар айтган байроқда сариқ-кўк ранг ичида ой-юлдуз бор эди. Мен ҳам ноқулай аҳволда қолдим, сиз биз тарафда турасиз, дейишарди ҳар бирлари. Мен, қачон Туркистон мустақиллигини олса, ўз парламенти ўз байроғини қабул этади, дедим. Уртада журнал ҳам тўхтади... Ишни бундай қолдириб бўлмасди, албатта. Туркистонликларнинг битта ёрдамлашма жамиятини тузсак, деган таклиф барчага маъқул келди ва «Шарқий Туркистонликлар ёрдамлашма дернеги» ўз ишини тугатиб, ҳайъати сақлаб қолинган ҳолда, яна Ғарбий Туркистонликлардан ҳам одамлар танланиб, ҳайъатга қўшилиб, ўн тўрт кишилик расмий бир ҳайъат бошқарадиган битта «Туркистонликлар ёрдамлашма дернеги» («Туркистонликлар ёрдамлашма жамияти») тузилди. 1954 йил эди ўшанда. Доктор Солиҳ, Уқтой, Ербоғ, Бобоқурбон ва бошқалар бор эди бу ҳайъатда. Шу жамият асосида кейинчалик ҳозирги Истанбулдаги «Туркистонликлар култур ва социал ёрдамлашма дернеги» вужудга келган. Ушанда раисимиз Аҳмад Наим Уқтой эди. У киши Апсурбой номи билан «Еш Туркистон» журналида ҳам кўп қатнашган. Берлинда ўқиган бухороликлардан эди. Биринчи иқтисодчи олим.

У кишидан кейин доктор Солиҳ Эркинқўл раислик қилди. Ўзи қўқонлик эди. Ички касалликлар бўйича ҳарбий доктор, полковник бўлган. Шундай завқли, миллиятчилиги кучли одам эдики, ўзи доктор, ҳарбий бир раҳбар бўлганига қарамай, саҳнага чиқиб, Туркистон

ўйивларидан ўйнаб берарди. У зот ҳам Туркия армиясида, ҳам туркистонликлар ичида кўп сеvimли бир шахсият эди. 1962 йилда Солиҳ Эркинқўл ҳарбий хизмат билан Арабистонга кетди.

Шундан кейин жамиятга мен раислик қилдим. Умуман жамиятда етти йил бош котиб, тўрт йил раис бўлиб ишладим. 1966 йилда мени «Озодлик» радиосига, Туркистон бўлимига чақиришгач, Олмонияга кетдим, жамият раислигини қирғиз юртдошимиз Неъмат Улугтуғга топширдим. Ундан кейин эса Ҳакимжон деган бир андижонлик дўстимиз жамиятни бошқарди... Афсуски, ҳозир эскиларни эслаш унутилган. Туркларда бир гап бор: эскига рағбат бўлсайди, битбозорга нур ёғарди. Ҳозирги туркистонлик ёшларда ҳам эскини эслаш, эскиларнинг тавсияси, тажрибасига суяниб иш кўриш сезилмайди. Менимча, эскига таянилмаган ҳар бир ҳаракат чирик бўлади. Бутун миллатларга қаранг: ўз ўтмишини келажак учун пойдевор қилиб олади.

— «Хур Туркистон учун» истиқлолчи газетани қандай чиқардингиз, шу хусусда, бу нашрларингизда қатнашган муаллифлар ҳақида билги берсангиз.

— 1972 йилда Ливанда бир конференцияда қатнашдим, сўзга чиқиб, Русия ва Чин ўртасида бир мустақил Туркистон давлати бўлиши кераклиги хусусида гапирдим. Истанбулга қайтиб келсам, туркистонлик ватандошлар дейишдики, нега шу гапларни ёядиган бир газета чиқармайсиз... Хуллас, газетанинг чиқишига шу туртки берган. 1975—1978 йиллар давомида Истанбулда босилган бу газетанинг ҳар сони 5.000 тадан эди, беш қитъага (Австралиядан Америкагача) тарқаларди, яъни беш қитъанинг қаеридаки Туркистон мавзуси билан шуғулланадиган ташкилот ёки шахс бўлса, унга юбориларди. Киоскаларда сотилмаган, фақат белгили кишиларга, ташкилотларга ва ёзилган одамларга берилган. Бош мақоаларни мен ёзардим. Туркиялик Нуриддин Покюррак идора мудири эди. Уч турли ёзувлар бўларди: туркистонликларнинг ва хайрихоҳ миллат вакилларининг ёзувлари, Ўрта Осиё мухбирларидан, газеталаридан олинган хабарлар. Муҳим йўналиши шу эдики, бу газета фақат Туркистон истиқлоли учунгина эмас, балки асоратдаги Қофқоз, слав аслили халқлар мавзусини ҳам ёритарди. Биз газетани айрим кишилар, гуруҳлар ёки айрим қарашларга боғлиқ қилиб қўймадик. Истиқлол фикридаги инсон бўлса, унинг мулоҳазасидан, хизматида фойдаландик. Одамнинг қарашини, онини турлича бўлиши табиий,

шу учун ҳам биз бу миллатчи, бу исломчи, бу туркчи, бу славчи, бу яҳудийчи, бу коммунист, бу интернационалист, деб айриб ўтирмадик, истиқлол фикрига эга бўлса, уни қабул этдик. Миллий мустақиллик масаласига асосий эътиборни қаратдик. Бугунга келиб кўрдикки, тўғри иш юритган эканмиз.

Энди «Туркистон» журнали ва «Хур Туркистон учун истиқлолчи газета»миздаги баъзи муаллифлар билан таништираман. Бугро ҳазратни, Мирза Ҳайит акани, Эркинқўлни аввалдан танитдик. Абдулваҳоб Уқтой ва хоними Саида опа 1924 йилда чет элга ўқишга юборилган 123 талаба гуруҳига мансуб кишилар эди. Туркияда муаллимлик қилишди. Тоҳир Чигатой ҳам улардандир. «Темур ўғли» ҳам Тоҳир Чигатойдир. У тошкентлик машҳур бой Шокирбойнинг ўғли бўлган. Профессор Тоҳир Чигатой ва доктор Уқтой машҳур Мустафо Чўқай-ўғлининг энг яқин икки кишиси эди: улар биргаликда «Еш Туркистон»ни чиқаришган. Бизнинг нашрларда ва бошқа муҳожир матбуотимизда Орифхон исми билан қатнашган инсон ва доктор Иброҳим Ерқин бир одамдир. Доктор Иброҳим Берлинда ўқиган, ўзи зироатчи. Анқарада яшайди. Тўқсондан ошган. Муҳожирларимиз матбуотида Вали Зуннун, А.Завқий номлари билан қатнашган машҳур журналист Абдулла Тўлагандир. У кишини кўп ҳурмат ва севги билан ёдга оламан доим. У киши бир пайтлар «Қизил Ўзбекистон»да ҳам ишлаган. Кўп тажрибали журналист эди. Профессор Абдулқодир Инов асли бошқирд, туркиятчи олим, тилшунос, тарихчи.

Албатта, муҳожирлар матбуоти чуқур ўрганилганда, бу мавзу, бу муаллифлар халқимизга янада яхшироқ танитилар. Зиёвуддин ака, энди сиз, масалан, бугунги шароитда чет элдаги матбуот ватанимиз билан қандай боғланиши керак, қандай хизмат қилиши мумкин, деб ўйлайсиз — шу хусусда мулоҳазангизни айтсангиз.

— Менимча, эски Туркистон тупроқларидаги бешта жумҳурият ўз мустақиллигини эълон этиб, истиқлол йўлига тушиб олгач, чет элдаги кўп матбуот ташкилотларининг иши эски йўналишига кўра битди, — дея ўз фикрини очиқлади Зиёвуддин Бобоқурбон. — Биз аввал мустамлака бўлган ватанимизнинг истиқлоли берилсин, деб бу мавзуда иш юритдик. Бугунда мустақилликка эришилди, истиқлол олинди. Эндиги муҳожир матбуот бу мустақил давлатларни чет дунёда танилишида хизмат қилса, шу ҳам катта гап. Мен ҳам ҳозиргача қўлимдан келганча ватанимизни танитиш йўлида ишладим,

бундан кейин ҳам қаламим, фикрим билан шу хизматда давом этаман.

Зиёвуддин Бобоқурбонни ўқувчиларимизга янада яхшироқ танитмоқ учун унинг бундан ўттиз йилча аввал туркчада чиққан бир рисоласини таржима қилдик. У «Ташқаридаги турклар ва Туркистон ғояси»¹ дейилади. Қуйида шу рисола билан танишасиз.

IV

Зиёвуддин Бобоқурбон

ТАШҚАРИДАГИ ТУРКЛАР ВА ТУРКИСТОН ҒОЯСИ

Дунё матбуотида ташқаридаги турклар² масаласи ҳали қўл урилмаган, ян-янги бир мавзу ўлароқ майдонга чиқмоқда. Биз бу мавзунини турончилик ёки пантуркизм кўзи билан эмас, балки рус ва чин империализмидан қутулишни истаган миллатлар масаласи каби қаралишни ва тадқиқ этилишни керак, деган фикрдамиз. Бугунги Советлар Иттифоқи ҳудудлари ичида яшаётган миллатлар орасида турк асли халқлар буюк бир нуфусни ташкил қилмоқда. Уларни икки қисмдан (гуруҳдан) иборат дейиш мумкин.

Биринчиси: Туркистон (ҳозирги сиёсий тузумга қўра, беш Совет Социалистик Республикаси — Ўзбекистон, Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон) ва Сибирия билан биргаликда Чин давлати ичида мустамлака бўлган ва чинликлар ибораси билан айтганда, Шинжан дейилаётган Шарқий Туркистондир.

Иккинчи: Эдил (Волга — Т. Қ) — Урал, Қрим, Шимолий Қофқоз ва Озарбайжондан иборат улур бир тупроқлардир.

Туркистон олти миллион километр каррага яқин ерларда яшаётган олтимиш миллионли туркнинг эски бир ватанидир. Туркистон чегаралари қуйидагичадир: шарқда Хансудан бошлаб Урта Сибирияга чиқароқ Хазар денгизининг ўртасидан бўлиб ўтиб, бугунги Эроннинг шимолий чегаралари бўйлаб айланиб, Афғонистон ва Помир

¹ Ziyaeddin Babakurban, "Dis Türkler ve Türkistan davası", "Doğan Güneş Yayınevi, İstanbul — 1962.

² Туркиядан ташқарида яшаётган турк ирқдошлар, турк дунёси демак (Т. Қ.).

тоғларидан ошиб, Тибетнинг шимол ерларини қамраган ҳолда яна Чиндаги Хансунинг Ланжу шаҳригача — ҳудуднинг бошланғич нуқтасигача чўзинган буюк бир макондир. Бу ерларда асосан турк ирқли кишилар яшайди. Уларнинг юзда тўқсон тўққизи мусулмондир, мазҳаби суннийдир. Шимол ва жанубдагилар чорвачилик билан машғул. Ўрта ўлкадагилар эса, деҳқончилик, хизматчилик билан тирикчилик қилади.

Осиё миллатлари тарих саҳнасида кучсизланиб, «барометрдаги даражалари»ни, мавқеларини йўқотарканлар, табиий тарзда Оврўпо миллатлари бунинг том терсига ўз даражаларини юксалтирган бир даврда, Туркистонда рус ва чин истилолари бошланди. Бу истилолар икки асрдан бери тўхтамасдан давом этмоқдадир. Ғарб олами бу воқеалардан хабарсиз, Ўрта шарқдаги Турк дунёси билан эса алоқалари узилган, ҳинд ва Узоқ шарқ мусулмонлари инглиз ва бошқа миллатларнинг мустамаккаси остида қолган.

Агар диққат билан қаралса, тарих китобларида ва университетларнинг тарих дарсликларида кейинги икки ва ёки уч асрга оид Туркистонга (Ўрта Осиёга) мансуб маълумот, тадқиқот, бир натижа йўқ ҳисоби. Бошқа тарафдан қаралса, Француз истилоли (биздаги адабиётларда «революция» дейилади — Т.Қ) дан бери дунёга ёйилган «Миллатларга истиқлол, инсонларга ҳуррият» фикри Туркистон турклари учун ҳамон насиб бўлмади. Дунё миллатлари техника, учоқ, атом даврига кираркан, чорасиз ва толесиз Туркистон турклари ўз кучларидан бошқа бир қувват ё таянчга суянмаган ҳолда истиқлол курашини давом эттирмоқдалар.

Бугунги Африка миллатларининг истиқлол курашлари Туркистон миллий истиқлол курашларининг кичик бир мисолидир. 1956 йилда Ғарбий Олмонияда нашр этилган бир асарда (доктор Б.Ҳайит, «XX аср Туркистони», 1956) ёзилишича, «1899 йилдан 1916 йилгача Туркистонда рус истилоларига қарши катта-кичик шаклда 4944 та исёну ғалаёнлар бўлган, буни муаллиф русча манбааларга суяниб битган. Бу бизга қиёсий бир фикрга келмоқ ва ҳақиқатни англамоқ учун жузъий бир ўрناق холос.

Туркистон туркларининг мустақиллик ва ҳуррият учун тўккан қонлари ва олиб борган миллий урушларининг барчасини ёзмоқ ва тушунтирмоқ ила битириб бўлмайди ва шу сўзлар билан ҳам кифояланиш тўғри эмас. Туркистоннинг сўнгги даврларини, коммунистлар импе-

рияси Туркистонда нелар қилганини бир Исвежра газетаси «Basler Nachrichten» 16 феврал, 1959 йил) «Интернационализм ниқоби остида руслаштириш» деган маоласида шундай кўрсатмоқда: «Руслар бугунга қадар Туркистонда интернационализм-байналмилалчилик, «халқлар дўстлиги» деган иборалар ниқоби остида шитоб бир руслаштириш ҳаракатига ташаббус этганлар. Жумладан, шу ҳаракат натижаси ўлароқ 1928—1929 йилларда араб ҳарфлари таъқиқланди ва ўрнига лотин, сўнгра эса рус ҳарфлари ишлатила бошланди. Рус тили 1938 йилдан мактаб дарсларига, программаларига киритилди, 1957 йилдан эса русча туркистонликлар учун «иккинчи она тили» экани сиёсат даражасида ҳаётга тадбиқ этилди.

Совет тилчи олимларининг фикрига кўра, турк-ўзбек лаҳжасидаги сўзларнинг юзда ўн саккизи соф русча калималар ўлароқ қўлланилмоқда. Шунингдек, туркистонликларнинг исмларига ҳам охирига «ов» «ев» қўшимчалари қўшиб, бу тарзда руслаштириш иши олиб борилмоқда.

Ўзбекистондаги 40.000 ўқитувчининг 54,4 фоизи русдир. Бу республиканинг 36 та олий ўқув юртида 22.000 рус ва 13.000 турк (туркистонли турклар — ўзбек, қирғиз, қozoқ, туркман, уйғур ва б.—Т.Қ) тахсил кўрмоқда. Ҳолбуки, русларнинг бу ердаги аҳоли сонига тутган ўрни 5,8 фоиз холос.

Тошкент медицина институтини 25 йил ичида 4814 киши битирди. Буларнинг фақат 20 фоизигина ерли туркистонликлардир. Сўнгги ўн ўн йил ичида эса, Тошкент Давлат университетига ёлғиз ўнта туркистонлик доктор бўлди. Совет Ўзбекистонидagi 8072 ҳақим (медик)дан атиги 1738 таси туркистонликдир. Туркистоннинг бошқа республикаларида ҳам аҳвол худди шундайдир.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ЎРНИ

Туркистондаги партия ташкилотининг ўрни умуман Совет Иттифоқида қандай бўлса, шу даражада буюқдир. Бу ердаги Коммунистик партиялар сафида 560.000 аъзо ва номзод бор, уларнинг 80 фоизи руслардир. Туркистондаги коммунистик партиялар советларнинг ҳукмрон фаолияти натижаси ўлароқ майдонга чиққан эди, ўша йўлда иш кўриб келмоқда. Зеро, 1918 йилгача Туркистонда бирорта туркистонлик турк коммунист бўлмаган.

ҲУҚМРОНЛИК ҲАҚЛАРИ

Туркистонда юритилаётган сиёсатни беркитиш учун, Москванинг неча ўн йиллардан бери давом эттириб келаётгани хийлаларга қарамасдан, «Туркистон ҳуқмронлиги» ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмаслиги табиийдир, албатта. Воқеликка, далилларга кўз очиб боқсак, унинг бир рус мустамлакаси бўлгани аён кўринади. Аммо бу ҳақда бирор кимса сўз юрита билмас. Кимки миллий алоқалардан сўз очса, миллатларнинг ўзлиги ва ҳақи тўғрисида гапирса, уни «миллатчи», «халқ душмани» тамғалари билан тамғалаб, лаънатлашади, жаъога гирифторм этишади. Кимларки «Яшасин Москва! Яшасин рус оғаларимиз!» деса, дарҳол мукофотланади.

Туркистондаги беш ўзича мустақил республика дейилган давлатлар Москванинг рухсатисиз на бирор чет мамлакат билан боғлана олади, на ўз ички ҳудудида бирор иш қила олади, на бирор раҳбарлик лавозимини ўзича ҳал эта билади, на миллий қўшинга молик бўлолади, на Москвадан берилган амрни ўзгартиролади, на ўз идорасига кўра қонунлар чиқаролади, на ўз республикаси ҳукумат тизимини мустақил тайинлай олади ва на миллий анъаналарини муҳофаза айламоқда молик.

БИР СОВЕТ МЎЪЖИЗАСИ

Русия ўзининг Туркистондаги мустамлакалаштириш, қул қилиш ҳаракатларини Шарқ дунёсидан, Шарқдаги миллатлардан беркитишга уринмоқда. Кейинги йилларда Туркистонга жуда кўп сонли шарқшунос таклиф этилди. Уларга кулиб турган болалар, колхоз ишчилари, Ленин расмлари билан безатилган клублар, театрлар, мактаблару университетлар кўрсатилди. Булардан ташқари, келган кишилар Туркистондаги совет тузумининг муваффақиятлари ҳақидаги статистик рақамлардан ҳам ҳайратда қолдилар. Фақат бирорта туркистонлик билан эмин-эркин суҳбатлашиш ҳозиргача ҳеч бир зиёратчига nasib қилмади. Чет эллардан келган бу меҳмонлар ўз юртларига боргач, Осие Марказидаги «совет мўъжизаси»дан сўзладилар ва бу билан баробар ўз тупроқларида совет пропагандаси уруғини экидилар.

КРЕМЛДАГИ ТУРКИСТОННИНГ РОЛИ

Руслар Осиеда Туркистонсиз бир мавқели қувватга эришолмасди. Ўз ҳуқмронлигини бу ерда ўрнатиб олгач,

Москва тўғридан-тўғри Туркистон йўли ва воситаси ила Осиё-Африка мамлакатларининг масалаларига таъсир эта бошлади, том маънода мустамлакага айлантирилган бу Шарқ ўлкасида туриб олиб, «антиимпериалист бир давлат» ролини ўйнамоққа киришди. 1919—1920 йилларда руслар Туркистоннинг шарқдаги буюк аҳамиятини жуда яхши билар эдилар ва унга қуйидаги нуқтаи назардан қарардилар: «Шарққа коммунист рус империяси шаклида кириш тез замонда муваффақиятсизликка учраш демакдир. Душманларимиз у ерларда бизни эскидан бир рус империализми бўлганимизни аниқ-тиниқ ташвиқ этишмоқда. Фикру ниятларимизни бир Туркистонли коммунист ва ёки Қофқозлик коммунист ёхуд исломий номлар воситаси билан амалга оширмоқ керак».

Кўп йиллар ана шу мақсадни қарор топтириш учун курашилди. Натижада, ҳақиқатан ҳам, 1957 йилгача жуда кўп туркистонликлар Шарқда рус ва коммунист империализмининг сўзчиси ва тарғиботчи одами бўлдилар. Бу борада яна шуни айтиш керакки, «Совет Иттифоқи Коммунистик Партияси секретари» бўлганлар ташқи дунёда ҳам муҳим бир мавқега эгадир. Шундай раҳбарлардан Муҳиддинов, Рашидовларни айтиш мумкин. Яна Осиё ва Африка Халқаро Совет Комитети раиси Турсунзода, Москвадаги Шарқшунослик институти раҳбарлари Ғафуров, Рашидов, Бобохоновлар Совет Русиясининг Шарқдаги сиёсатини, пропагандасини таъминловчи шахсиятлардир...

Тўғриси ҳам шу: Москва Туркистонни колониялаштириш сиёсатини моҳирона бир шаклда яшира олди, Шарққа қарши иш юрита туриб, «антиимпериалист» ролини ўйнашга ҳам муваффақ бўлолди ва шундай қилиб, Туркистон фожиаси Москванинг бир комедияси каби зуҳур этди.

Ажабо, энди ким кимни жазбу ҳайрон қиларкин: ҳур Шарқ Туркистоними ёки Туркистон ҳур Шарқними? Буни Москва яхши билади. Нима қилиб бўлсаям советлар ўз тузумларини ҳур Шарққа ёймоқ учун тинимсиз иш олиб бормоқдалар. Бу борада Туркистондаги Ўрта Осиё республикалари бир намуна, таянч нуқтаси, кўр-газма майдони ўлароқ хизмат қилмоқда. Москванинг асл мақсади қуйидаги фикрлардан ҳам очиқ англашилмоқда:

«Туркистон дунё тарихида Осиёнинг Оврупога очилган эшиги ролини ўйнаган. Энди эса у Оврупонинг Осиёга очилган эшиги бўлиб хизмат қилади. Дунё революциясининг бугунги маркази бўлган Совет Русияси

Туркистон йўли ва воситаси билан Осиёга ижтимоий ва сиёсий қутулиш, озодлик фикрини ёяжақдир. («Dzhizn Nacional posteј», Moskova, 1 Juni, 1919, s.I.)

1919 йилда эълон қилинган ана шу шиор ҳали ҳам амалда, уни ҳаёт ҳақиқатига айлантириш учун ҳамон кураш олиб борилмоқда.

Советларнинг Туркистонда олиб борган маданий босқиси, мустамлакачилиги, террори юзасидан фикр юритдик. Русия ишғолидаги Туркистонда бу ватан эгаларига, туркистонлик туркларга қарши руслар велар қилгани, қатлиомлари, қирғинлари ҳақида имкон қадар сўзладик. Энди Туркистондан ташқаридаги туркларнинг бу хусусда чиқарган газета ва журналлари тўғрисида маълумот берамиз.

ОЛТИ МИЛЛИОН ҲАММОН

1918 йилдан 1939 йилга қадар Туркистонда руслар турли йўллар билан олти миллион туркистонликни ўлдириб юборди. Шунча қирғинларга қарамасдан, туркистонлик турклар ўз миллий борлиқларини, маданиятларини, тилларини муҳофаза қилишга муваффақ бўлдилар.

Шунга кўра айтиш мумкинки, Туркистондаги рус ҳокимияти ҳеч бир замонда қафолатли, муқим бўла олмайди. Туркистон ҳамон рус мустамлакалари ичида бир хавф-хатар ўчоғи, портлашга тайёр бир жой саналади. Чорлик Русияси бу ерда ўзини эркин ҳис этолмагани каби Совет Русияси ҳам асло эмин, роҳат муҳитга эришолмади.

Туркистон ётларнинг ҳокимиятига қарши доим курашган ва бугунда-да курашмоқда. Туркистон халқининг ҳам Шарқий ва Ўрта Оврупонинг бошқа миллатлари каби ўз-ўзини идора айлашга ва ҳуррият ичида эркин яшамоққа ҳаққи бордир.

Келажак Туркистони эса, совет тартиби, тузумига эмас, «Миллий ҳокимият» қонунларига суянажак: энг миллий, энг комил бир маънода...

Америка ва Оврүпода Туркистон мавзусида, илмий соҳада бир қатор асарлар нашр этилган. Иккинчи жаҳон урушидан олдин Вон Ла Жог, Сир Аурел Стейн, Свен Хедин, Рафаел Пумпеллий, Хунтингтонг каби танилган шарқиятчилар ва туркиятчиларнинг лавҳа ва мақолаларидан бошқа яна замонамизгача бир кўп асарлар нашрдан чиқди. Шуниси диққатга молиқдирки, Алишер Навоий каби буюк бир турк шоирларининг

шеърларини коммунистлар тарафидан қисқартириб, бузиб нашр қилинаётганини америкалик туркиятчининг тадқиқотларидан билиб оламиз.

(The American Slavic and East European Review Volume. XVI, №. 2. "The Soviet interpretation of two lines by an Asian Poet). Шу мавзудаги яна бир мақола, жаноб Эдвард А. Алвортнинг асари — «Бир рус сохтакорлиги» Туркияда «Тўпрак» журналида босиб чиқарилди. ("Toprak" dergisi, say 53, s.12, 13, 20, 21. Istanbul—1959).

Аммо Туркистон озодлиги мавзусидаги, «Истиқлол» масаласидаги асарлар жуда оздир. Шу сабабга кўра айта оламизки, дунё матбуотида энг оз ёритилган мавзу «Ташқаридаги турклар масаласи»дир. Кейинги йилларда истило қилинган Тибет бутун дунё матбуотининг бош мавзусига айлангани ҳолда, нима учун айни фожиага улардан аввалроқ учраган ва улардан кўра кўпроқ уқубат чекаётган «Ташқаридаги турклар масаласи» куннинг муҳим мавзуси бўлмайдими? (Бу ерда муаллиф «ташқи турклар» деганда Туркиядан ташқаридаги барча асир, мустамлакадаги турк халқларини назарда тутаётганини яна бир эслатишни истардик — Т. Қ.)

Бир замонлар ҳур дунёга қарата илтижо-ла мурожаат қилган туркистонлик турклар тарафидан чиқарилган газета-журналлардан ва ёзувчи—шоирлардан бошқа бу мавзуда ёзган, шу йўлда фаолият кўрсатган ўзга газета-журнал ёки адиб йўқдир.

Жазоир мавзуси, Африкадаги мустамлакалар ҳақидаги дунё матбуотидаги фикрлар, ёрдамлар бу миллатларнинг ИСТИҚЛОЛ учун курашганларини, курашаётганларини дунё миллатлари қулоғига етказилгани ва уларга нисбатан кўрсатилган хайрихоҳликлар, қувватлашлар қанчалик муҳим бўлгани, буюк бир рол ўйнагани инкор этилмас бир ҳақиқатдир. Туркистон ва ташқаридаги турклар масаласи кечагидай бугун ҳам дунё матбуотида ўз ўрнини олгани йўқ, инсон ҳуқуқларидан ва қонунлардан мубоҳаса этувчи қалам ва фикр эгаларидан бу мавзунини ёритишда ёрдам исталмоқда; Туркия эиёлиларининг, ёшларининг ва халқининг бу мавзунини қўллаб-қувватлашлари сабрсизлик билан кутилмоқда. Бу мавзу, бу ғоя башарий бир ғоядир. Чунки инсон ҳур туғилган, ҳур яшаши лозим.

Бу ғоя йўлида хизмат қилган ва қилаётган матбуот нашрлари, хусусан, туркистонликлар чет дунёда чиқараётган газета-журналлар анчагина. Туркистон ва бошқа ўлкалар мавзусида етарли даражада билги бера олади-

ган — Туркистон Миллий Бирлиги ва мансублари тарафидан нашр этилган журналлар ва газеталар қуйидагилардир:

«Янги Туркистон» — Туркистон истиқлоли йўлида иш олиб борган ойлик журнали. Истанбулда чиқарилди. 1927 йил 07 дан 1931.09. гача 1—16 сонлари араб ҳарфида, 17—39 сонлари эса лотин ҳарфларида нашр бўлди. Эгаси: Усмон Хўжа (собиқ Бухоро Халқ Жумҳурияти жумҳураиси) ва Носир Афанди. Мудир: доктор Мажиддин Далил.

«Еш Туркистон» — «Туркистон Миллий озодлик ҳаракати» органи. 1929 йил декабрдан 1939 йил августигача Берлин шаҳрида 117 та сони чиққан. Бош муҳаррири ва ношири Мустафо Чўқай.

«Миллий Туркистон» — бу журнал Иккинчи Жаҳон уруши пайтида ташкил топган ва ҳозиргача фаолиятини давом эттириб келаётган «Миллий Туркистон Бирлик Комитети»нинг органи. Туркистоннинг миллий мустақиллиги учун курашчи ўлароқ майдонга чиққан бу журнал Иккинчи жаҳон ҳарбидан бугунгача учта тилда, тўрт алоҳида-алоҳида нусха тарзида нашр бўлмоқда. Яъни: 1. Туркистонча тилда, лотин ҳарфларида. 2. Инглизча. 3. Арабча. 4. Туркистон тилида, араб ҳарфларида, Берлинда, Женевада, Дюсселдорфда босилди ва босилмоқдадир. Бош муҳаррири ва ношири Вали Қаюмхон.

«Янги Туркистон» (Йэни Туркистон) — Иккинчи жаҳон урушида Олмония қўшинига асир тушган Туркистон турклари ташкил этган «Миллий Туркистон Бирлик Комитети» (қисқача МТБК)нинг ғайрати ва фаолияти билан қурилган 180.000 кишилик Туркистон ўрдасининг нашридир. 1943 йилнинг 3 мартидан Иккинчи Жаҳон уруши тугагунигача Берлинда газета шаклида чиқди. Эгаси — Туркистон ўрдуси субайлари (офицерлари).

«ТУРКЭЛИ» — Иккинчи Жаҳон урушидан сўнгра Олмониянинг Мюнхен шаҳрига жойлашган туркистонликлар қурган «Туркистон Миллий Озодлик Комитети»нинг органидир. Айри-айри ҳолда, туркча ва русчада нашр этилган. 1951 йил сентябрдан 1953 йилнинг мартигача Мюнхенда чиқди. Умумий раҳбари К.Канатбай (бу ном бизга номаълум бўлгани учун туркчада қандай ёзилса, шундай талқин қилдик — Т.Қ.).

«Туркистон» — Истанбулда нашр этилган ойлик журнал. 1953 йил апрелидан сентябригача олти та сони чиққан. Асосий мақсади Туркистонни танитиш бўлган

бу журналда илмий, ижтимоий ва маданий, адабий мавзулардаги асарлар, мақолалар босилган. Эгаси ва масъул мудирлари Зиёвуддин Бобоқурбон (Бош муҳаррири М.А. Буғро — Т.Қ.).

«Савт — ут Туркистон» («Туркистон овози») — Мисрда 1953 йилда араб тилида чиқа бошлаган ойлик журнал. Эгаси ва Бош муҳаррири Иброҳим Восилий (Иброҳим ал Туркистоний).

«Озод Туркистон» — Туркистон туркчасида, араб ҳарфларида 1954 йилда атиги учта сони чиққан. Ношири ва Бош муҳаррири Муҳаммад Амин Исломий.

«Туркистон сэси» (Туркистон овози) — Анқарада 1956—1957 йилларда 11 та сони чиққан. Эгаси ва бош муҳаррири Муҳаммад Амин Буғродир.

«Таржимони афкор» — Покистоннинг Карачи шаҳрида, араб ҳарфларида Туркистон туркчасида ва ўрду тилида чиқарилган журнал. Ношири ва Бош муҳаррири Аъзам Ҳошимий.

КЎКТЕПА МУДОФААСИ

241 йилдирки, Туркистонни рус империализми кемириб — еб келмоқда. Туркистонни истило қилиш даврида она юртимизнинг энг сўнгги мудофаа қалъаси Кўктепа бўлган эди.

Туркистон туркларининг ўз миллий борлиқларини, миллий озодлик ва мустақилликларини, ҳурриятларини муҳофаза ва мудофаа айламоқ йўлидаги ўлим ё ҳаёт дея курашишлари инсон ақлини ҳайратга соладиган даражада фавқулодда бир тарихий аҳамиятга моликдир. Ушандай тарихий урушлардан бири бундан 82 (саксон йил) йил аввал «Кўктепа мудофааси» дея шуҳрат қозонган. Бундайин курашлар ва мудофаалар кўпинча русларнинг аскарий ортиқлигига нисбатан туркистонликларнинг озлиги ва қурол камлиги ҳолида қонли фожиялар шаклида рўй бергандир. Бу худди Туркия туркларининг машҳур Плевна мудофаасига ўхшайди. Бир тарихчи бу ҳодисаларни шундай акс эттиради:

«1877—1878 йиллардаги рус—турк урушлари ва бу урушларга ниҳоя берган 1878 йилдаги Берлин конференциясидан кейин русларнинг ташқи сиёсатидаги асосий йўналиш, оғирлик яна Туркистонга йўналтирилди. Генерал Лўмакин ва генерал Лазарев қўмондонлиги остидаги рус қўшинлари Атрок (Турклар дегани: арабча турк сўзининг кўплиги атрок—Т.Қ.) дарёси бўйлаб янгидан

ҳаракат бошладилар. Ниятлари якки ой ичида рус қўшинлари турган Амударёнинг чап қирғоғига етиб бормоқ эди.

Туркманлар душманининг йўлини тўсмоқ учун Нурбердихон раҳбарлигида, унинг ўлиmidан кейин эса Тикма Сардор бошчилигида, унинг қўмондонлиги остида Кўктепа ҳимоясига отланишди ва бир неча километр наридаги Дингилтепада мудофаа чегарасини қура бошладилар. 1878 йил 28 августда Дингилтепада қонли бир уруш бўлди, рус қўшинлари катта талофот кўриб, тор-мор ҳолда қолган-қутгани билан Қофқоз томонга йўналди. Туркманларнинг Дингилтепада қозонгани бу порлоқ зафар хабари бутун Туркистонга тарқалди ва халқнинг мустақилликка интилиш, истиқлолга эришиш фикрини, руҳини янада оловлантирди.

Шу воқеадан роса бир йил ўтиб, 1879 йилнинг 28 августда рус қўшинлари яна ҳужум бошлади. Аммо руслар ҳеч нарсага эришолмади, генерал Лўмакин 16 сентябрда Кўктепани забт этиш учун янги ёрдам кучлари зарур, деган маънода хат ёзишга мажбур бўлди.

1880 йилда Кўктепани забт этиш режаси тузилди. Бу махсус режани амалга ошириш учун генерал Скобелевнинг бош қўмондонлигида бир қўшин тартибланди, сафарга тайёрланди (тўлиқ маълумот олиш учун қаранг: «Катта Совет энциклопедияси», 156—157 б. тўртинчи жилд, Москва—1926). Айни замонда Ҳазар денгизи соҳилидаги Қизилсув (кейин уни руслар Красноводск деб аташди, ҳозиргача шу номда келмоқда Т. Қ) деган жойдан ҳарбий аҳамиятга эга бир темирйўлни қурмоққа киришилди. Қизилсувдан 300 километр масофада генерал Скобелевнинг ҳарбий қароргоҳи қурилди. Кейинчалик, Туркистоннинг том истилосидан сўнгра, Туркистонда волийлик қилган генерал Городиков ва генерал Куропаткин ҳам шу қароргоҳда эди. Олти ой давом этган қаттиқ тайёргарлик натижасида бу қароргоҳда 16 миллион зарур ўқ-дори заҳираси ва озиқ-овқат тўпланди.

Кўктепа мудофаасида турган туркманлар ҳам бўлажак савашга қаттиқ ҳозирлик кўрмоқда эди. Қалъага ўттиз минг қадар жангчи йиғилди. Аммо уларнинг фақат беш мингида миллиқ бор эди холос. Қалъа мудофаачилари ихтиёрида бир кичик тўп мавжуд эди. (Бу тўп бугунда Ашхободдаги музейда сақланмоқда).

Истилочилар қўшини яқинлашиб келгунча мудофаачилар Кўктепа атрофидаги ерларда уларга бир неча

марта ҳужум уюшгирдилар. Генерал Куропаткин ва генерал Терсевич бошчилигидаги Айсерон бўлими ана шундай ҳужумлардан бирида ниҳоятда қаттиқ зарбага учради, генерал Терсевич эса ўлдирилди.

Аскар ҳужуми ва тўплар оташи билан қалъани олиб бўлмаслигига кўзи етган босқинчилар энди ҳийлага ўтдилар. Ерости йўли билан қалъа девори тагидан чиқиб, портловчи моддалар қўйиб, Туркистоннинг энг сўнги мудофаачилари жойлашган қалъани портлатиб, кўкка учирдилар. Шундан кейингина, 1881 йилнинг 12 январидан туркманларнинг инсоний қувват хорижида кўрсатган жасорати ва қаҳрамонликлари намён бўлган қонли жанглар оқибатида душман кўли баланд келди, буюк фидойилик билан ўзини мудофаа қилган Кўктепа забт этилди. Аҳалтака водийсидаги такатуркманларнинг ўзидан қурол кучи бир неча баравар ортиқ душманга қарши жангда кўрсатган қаҳрамонликлари туркистонликларнинг шарафидир. Аммо улар қурол етишмаслиги натижасида енгилдилар ва шу билан Аҳалтака руслар ишғоли остида қолди.

Тикма Сардор, Маҳдумқулихон, Муродхон ва Качар қўмондонлигидаги қаҳрамон Кўктепа мудофаачилари бу ғайримусовий, тенгсизликдаги урушда чекинмоққа, тақдирга тан бермоққа мажбур бўлди.

Кўктепа мудофаасида 20 минг юртсевар, ботир туркман қаҳрамонларча шаҳид бўлди. Дингилтепа ва Кўктепа қалъаларида, атрофида мудофаачи шаҳидларнинг мазорлари ҳозир ҳам мавжуд. Кўктепа мудофаачиларига абдий ёдгорлик ўрнатиш учун замон келажак, албатта.

Бугунда совет ҳукумати Туркистон қаҳрамонларининг муқаддас мазорларини йўқотиш каби ваҳшиёна бир йўлни тутмоқда. Мудофаачилар ёди хотирлардан мутлақо чиқиб кетиши учун қалъа ерлари далаларга айлантирилди. Бу хотира туркистонликларнинг қалбларида яшамоқдодир. Туркистонликлар орасида бу мудофаа шохиди бўлганларнинг баъзилари бугунда ҳам тирикдир, уларнинг қаҳрамонлик ҳикоялари бугунги наслга мерос каби ўтмоқда ва ёшларимиздаги истиқлол ишқини оловлантирмоқда, умидларини қувватлантирмоқда» (журнал, Мйуних, 4—сон, 1956. Муаллиф қайси журнал эканини бир зарурат юзасидан кўрсатмаган шекилли—Т.Қ.).

Бу воқеалар ҳақида рус тарихчилари ҳам турли тарихлар ёздилар. Шулардан икки парчани келтирамиз: «Кўктепа — Аҳалтака водийси марказидаги тарихий бир қалъадир. Чор Россияси босқинига қарши кураш-

даги истиқлол мужодаласида (1870—1881) Такатуркманларнинг таянч нуқтаси бўлган бу водийда, икки тарафдан шиддатли зарблар берилган қақшатқич жанглар натижасида генерал Скобелев қўшини тарафидан забт этилди (январь 1881). Кўктепани ишғол этилиш бутун водийни қўлга олишни қулайлаштирди» («Қатта совет энциклопедияси», 15—жилд. 269 б. Москва — 1929).

«Туркменистон истилоси ақлга ва хаёлга сизмас даражадаги бир зулмлар шаклида воқе бўлди. Масалан, Кўктепа ишғолидан кейин қалъа мудофаачиларидан мингларчаси генерал Скобелев амри билан қиличдан ўтказилди» («Кичик совет энциклопедияси», 897—915 б. Москва — 1931).

Туркистоннинг истиқлоли ва ҳуррияти кураши тарихидаги бир япроқ бўлмиш Кўктепа мудофаасини кўз ёшлари билан ёд этарканмиз, бу йўлда шаҳид кетган мингларча Туркистон туркининг азиз хотирасини яна бир бор эсга олиб, бутун туркларни турк ўлароқ, бутун мусулмонларни мусулмон ўлароқ, бутун инсонларни инсон ўлароқ «Туркистон истиқлол кураши»га алоқа кўрсатишларини истаймиз; мингларча километрлар нарида, узоқ-узоқлардаги мустамлака Туркистон тупроқларида ўз миллий ҳуррияти ва истиқлоли кунларини орзулаётган, кутаётган ирқдошларимизга, юртдошларимизга буюк шоир, марҳум, шаҳид Чўлпоннинг шу мисралари билан овоз қиламиз:

*Ийғлама, юргим, агарчи бул кунингда йўқ баҳор,
Келгуси кунларда бахтинг юлдузи ййнаб қолар!...*

ТУРКИСТОН МАСАЛАСИНИНГ МОҲИЯТИ

Диний вазифаларини адо айлаб, Маккадан Америкага жетаётган икки Туркистон миллиятчиси билан, улар Истанбулда эканлар, «Тўпрак» (Туркиядаги журнал — Т.Қ.) журнали вакили ўлароқ суҳбатлашдим. Ҳар иккала юртдошимиз ҳам ёш, хотиржам инсонлар эди. Туркчадан бошқа уч тилни (инглизча, олмонча, русча) билишарди. Маданиятли, йймонли, миллий шуурли бир тоячи, ватансевар кишилар эди. Улар билан Туркистон туркчасида суҳбатлашдим. Учта савол сўрадим.

Биринчи савол:— Рус зулми остидаги туркларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий яшаш турумлари ҳақида бир оз маълумот берсангиз.

Жавоб:— Совет Русия асоратидаги туркларнинг че-

каётган зулми, исканжа ва изтироблар Озарбайжондан бошлаб Шимоллий Қоқозгача, Қрим, Эдил—Урол ва Хазарнинг шарқидан Гўби чўлларига қадар узанган кекса Туркистон билан баробар жуда кенг бир ўлкага, китъага ёйилгандир.

Советларнинг рус бўлмаган миллатларга тадбиқ этган сиёсати, аслида Чор Русия сиёсатининг бир давомидан иборатдир. Чор Русияси тарафидан ишғол этилган Турк ерларида, туироқларида советлар бўлиб, парчалаб эгалик қилиш сиёсатини юритдилар. Шу сиёсат натижаси ўлароқ бир бутун Туркистон 1924 йилда бир неча қўғирчоқ республикаларга бўлиб ташланди. Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон совет социалистик республикалари шу бўлиш, парчалаш туфайли тузилди. Мустамлакачилар ҳатто бу номлар остида бир миллат яратиш фикрида иш юритмоқдалар.

Бу бир бутун Туркистонни, миллатини парчалаш учун улар 1929—1931 йилларда маориф ва миллий маданият номини ташиган неки муассаса бўлса, барчасини тарқатиб, ўзгартириб, муҳитдан ташга чиқариб ташлашди. Бу ишларни амалга оширган русларнинг террори ва ваҳшати каби мисолни тарихдан топиш мушкулдир.

1936—1938 йилларда иқтисодий, маданий ва ижтимоий соҳаларда етишган миллий кишилар (кадрлар)ни йўқотиш учун репрессия қилинди. Русларнинг бу сиёсатларига қарши турган минг-мингларча Туркистон турк мунавварлари — зиёлилари ўлдирилди. Баъзилари Сибирга сургун этилди. Туркистон ва туркистонликлар гирифтор бўлган бу қонли фалокатлар ва талофатнинг сабаби, ғояси — Туркистонни сиёсий, ижтимоий, маданий жиҳатдан руслаштириш, «Рус Туркистони» деган бир мустамлакани майдонга келтириб, бу бой ўлкада яшаётган халқнинг руслар бўлишини таъминлаб, туркларни уларнинг қулига айлантиришдир. Босқинчилар аввалроқ Эдил, Урол, Қозон туркларини ўз ватанларида ватансиз қилиш учун худди шу режани тадбиқ этган эди. У ўлкалардаги бир турк қишлоғи атрофида бир неча рус қишлоқларини вужудга келтириб, русларни кўчириб келиб, ерлиларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш сиёсати туфайли уларни «ахлоқий ва маънавий синдириш» йўли тутилди. Кейинкейин эса, бу ўлкаларда турклар тамоман йўқ қилинди ёки узоқ Сибир ерларига кўчириб юборилди. Эндиликда Туркистоннинг шимолида, Қозоғистонда айни, шу сиёсат юритилмоқда. Хрушчев Туркистон шимолидаги ерларга

бир миллион русни жойлаштирмоқда. Бу тупроқларда рус ҳокимиятини амалда тутиб турмоқ учун қўшин, миллий мудофаа, ички ишлар, милиция, қишлоқ хўжалиги ва саноат, алоқа каби муҳим соҳалар рус идорачилари томонидан бошқарилмоқда. Русия муҳтож бўлган пахтанинг 93 фоизини Туркистон таъмин этмоқда. Бу миқдор тонна шаклида тўрт миллион тоннадир.

Туркистон халқи пахтаси, бугдойи, мева ва сабзавотидан келган маблағ билан Америка халқидан кўра бойроқ яшай олади. Аммо туркистонликларга мол бўлиши лозим бутун фойда Москва хазинасига тушмоқда. (Туркистондаги чорвачилик, теричилик, қоракўд, олтин, волфрам, уран, кўмир, нефт каби қағилма бойликлар бу ҳисобга киритилгани йўқ.)

Туркистон мамлакатигадаги маданий ҳаёт руслаштириш ва рус маданиятини оммалаштириш, «диктовка» қилишдан иборатдир. Халқни ўқитиш баробарида рус муаллифлари асарлари кенг ёйилмоқда. Маориф ва мактаб соҳасидаги аҳвол ҳам шундай; лотин ёзуви муомаладан чиқарилиб, 1940 йилда кирилл-рус алифбосини Туркистонга суқиб киритдилар. Ҳар бир республикага айри-айри, бир-бирининг ёзувини ўқий олмайдиган даражада қориштириб ёзув қабул эттирилди. Бу иш айни бир тилда сўзлашган Туркистон туркларини бир-биридан айирмоқ сиёсати туфайли амалга оширилди. Шу жараёнда «тил инқилоби» ҳам ўтказилди. Туркистонда ислом қабулидан сўнг кириб келган арабча ва форсча калималарни, аммо замонлар оша туркча билан бирикиб, туркчалашган сўзларни ҳам «араб ва форс миллатларидан келган» дея отилди. Ўрнига русча ёки оврупоча сўзлар ишлатила бошланди. Бу Туркистон туркларини ўтмишдан суғуриб, юлиб олиш учун берилган энг катта зарба эди. Бунга қарши турганлар, зид фикрда бўлганлар «миллатчи», «капиталист», «пантуркист», «империалистлар малайи» каби тамғалар ила қораланди, жазолантирилди, қамалди, сурилди.

Бу ўлкада бир маъмуриятда ишлаш учун, олий ўқув юртига кириш учун рус адабиётидан, рус тилидан имтиҳон топшириш мажбурияти жорий қилинган. Рус тилини, рус маданиятини ана шундай зўравонликлар-ла суқиши ҳам амалга оширилмоқда. Натижада рус тили Туркистон республикаларида «расмий тил» ҳолини, мақомини қозонмоқда.

Чор рус империализми билан совет рус империализми ўртасида номланиш фарқидан бошқа ҳеч бир фарқ йўқдир. Бу империализм Турк қавмларининг миллий бор-

лиқларини кемирмоқда. Диний, миллий борлиқларини яшатиб турган маънавий илдизларни болталамоқ ва русдан бошқа миллатларни ўртадан кўтариб ташлаш рус империализмининг мафкурасидир.

Иккинчи савол: — Рус мустамлакачилари асорати остидаги Туркларнинг қутулиш масаласи ҳақида нелар дея биласиз?

Жавоб: — Турк қавмларининг қутулиши пантуркизм шиори остида амалга оширилмайдир. Туркистон турклари ўз ўзларининг қутулиш имконларини яратишлари лозим. Турк қавмларининг тил, адабиёт, маданият соҳаларида бир-бирлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатишлари, муштарақ иш олиб боришлари сиёсий курашларида кўп фойдалидир. Бугун асорат остида бўлган ғайрирус миллатларнинг ўз истиқлолини қўлга олмақ учун координал бир фаолият юритмоққа эътиёж бордир.

Хур дунёнинг бир қатор мамлакатлари, жумладан Ўрта шарқ коммунизм таҳликасига қарши курашмоқ мажбуриятида қолган. Бу мамлакатга ўлкалар, уларнинг миллатлари учун Туркистоннинг бошига тушган фалокатлар, қирғинлар, йўқотишлар намунаи мисол бўлмоғи даркор. Зеро бу таҳлика айни уларга ҳам хавф солмоқда. Шунинг учун ҳам улар рус асорати остидаги миллатларнинг истиқлол курашига ўз муносабатини очиқ билдириб, алоқада бўлса, бу фақат уларнинг манфаатига хизмат қилади.

Учинчи савол:— Оврупода ва Америкада рус империализмига қарши курашга кирган ташкилотлар ва уларнинг фаолияти хусусида дутфан билги бера оласизми?

Жавоб: — Америкада (Қўшма штатларда), Оврупода (айниқса Олмонияда) рус совет империализмига қарши курашаётган ва коммунизм ҳавфига қарши муожадала олиб бораётган икки катта гуруҳ бордир.

Биринчисининг мансублари рус бўлмаган миллатлардир. Буларнинг шиори миллий истиқлолдир. Улар рус совет қўли остидаги мазлум миллатларнинг вакиллари — украинлар, гуржилар, арманилар, Шимолий Қофқозликлар, озарбойжонлар, Эдил ва Урал турклари, Қрим ва Қозон турклари ва туркистонликлардан иборат.

Иккинчи гуруҳдагилар Керенский тўплаган кишилардир. Уларнинг шиори — Бўлимас демократик Россия чегараларини сақлаб қолган ҳолда тузумни алмаштириш тарафдори. Бутун фаолиятлари шунга қаратилган.

Ғайрирус миллатларнинг тузган иккита ташкилоти ҳам бор. Биринчиси — Антибольшевик миллатлар бир-

лиги¹. Иккинчиси — Париж бирлиги². Ҳар икки ташкилотда Сибир туркларининг вакиллари бўлмаганлиги учун уларнинг мурожаатларига жавобан бу ташкилотларда вакилларига ўрин берилди.

Яна шуни ҳам айтишим лозимки, бу ташкилотлар орасида бир оз бўлса-да фикр айрилиги ҳам бор. Аммо миллий истиқлол масаласида шартсиз, мутлақо бирлик мавжуд.

1958 йил, июль

ПАРИЖ БИРЛИГИ

Эски Чор Русияси империализмининг ўрнини олган Кремлнинг қизил империализми моҳияти Иккинчи Жаҳон урушидан кейин ўз башарасини очиқ кўрсатди. Бу қонхўр, шовинист мафкурачилар панжасидан қутулиб чиққанларнинг бу идорага қарши фаолиятлари айни даврга келиб янада такомиллашди, кўлами ва мавқеи ортди.

Совет империализмига қарши кураш жабҳаси сафларида Советлар Иттифоқидаги турклар (Туркистон, Қрим, Шимолий Қоққоз, Озарбойжон, Эдил-Ўрол) билан биргаликда украиналиклар, гуржилар, арманлар ва казачийлар ҳам бор. (Оврупода ва унинг таъсирида Туркияда ҳам «казак» деганлари билан «казачей»лар орасида фарқ бор: казачийлар Вўлга—Эдил дарёси қирғоғида яшаётган «ортодокс-проваслав» мазҳабига мансуб бир қавмдир. «Казак» — қозоқлар эса, Туркистон шимолида яшаётган мусулмон турклардир — муаллиф изоҳи).

Советларга қарши жабҳадош бўлган украиналиклар, гуржилар, округлар (белоруслар—Т. Қ.) ва қоққозияликлар 1953 йилнинг 15 феввалида Ғарбий Олмониянинг Карлсрухе шаҳрида ишни муштарақ, бирликда олиб боришга келишиб олишгач, 1953 йилнинг мартада Париж шаҳрида ўтказган йиғинларида «Париж бирлиги»ни туздилар. Бу бирлик ташкилотига кейинчалик эдилликлар, ўролликлар, туркистонликлар, қримликлар, казачийлар ҳам қўшилдилар.

1955 йилнинг ноябрь ойида «Париж бирлиги»нинг йиғинида бу ташкилотнинг оти «Советлар Иттифоқидан қутулажак миллатлар Бирлиги»³ дея аталди. Бу ташкилот аъзолари қўйидагилардир:

¹“Blok of Nations”

²“Paris Blok”

³“The League for Liberation the Peoples of the USSR”

Озарбойжонликлар (Озарбайжон Миллий Маркази);
Оқрусияликлар (Белорусия демократик Жумҳурияти
Радаси);
Казачийлар (Казачий Юксак вакиллари Ҳайъати);
Қримликлар (Қрим Турклари Миллий Маркази);
Гуржилар (Миллий Гуржи Шўроси);
Эдил—Ўроллиқлар (Эдил—Ўрол Миллий Маркази);
Шимолӣ Қофқозияликлар (Шимолӣ Қофқозиялик-
лар Миллий маркази);
Туркистонликлар (Туркистон Миллий Маркази);
Украиналиклар (Украина Миллий Радасининг Ижро
Органи);

Арманилар (Арманистон Жумҳурияти вакиллари).

«Париж Бирлиги» ташкилоти ғояси, ишлари улар
чиқарган нашрлардан яхши аён. Жумладан, ташкилот
вазифаси шундай белгиланган:

«Совет Социалистик Республикалари Иттифоқидаги
миллатларни озод қилиш, ҳурриятига қовуштириш «Пар-
иж Бирлиги»нинг асос ғоясидир. Бу Бирликни тузган
миллатларнинг ғайратларини Кремлнинг коммунист
диктаторлигига қарши янада муваффақиятли кураш олиб
боришга, ўз миллий ғояларини тамоман амалга ошириш-
ларида совет маҳкуми бўлган миллатларнинг сиёсий мус-
тақиллик учун курашига йўналтиради, умумий ташкилот-
чилик ишини бажаради («Париж Блок органи»
№ 1. 5-бет, Мйуних — 1958).

Мйунихда 1950 йилда Американинг «Қутқариш Ко-
митети» тарафидан тузилган «Советлар Иттифоқини ўр-
таниш институти»дан кейин 1953 йилда майдонга кел-
ган «Париж Бирлиги» ташкилоти антикоммунист бир
ташкилотдир. Унинг фаолияти хусусида кенг маълумот
«Совет Иттифоқи масалалари» (Institut zur Erfors-
chung der USSR — München. 1958, 1, 5. Мйуних, 1958,
1,5) номли янги чиқа бошлаган «Problems of the Peoples
of the USSR», Münish.) журнал саҳифаларида ёритилган.

ДУНЁ ВА БИЗ

Бугунда Америка ва Ғарб олами Шарқий Овруподаги
миллатларнинг ҳурриятларини таъминламоқ учун кураш-
моқда, Русия эса, «Буюк Слав Императорлиги» қурмоқ
хаёлида, араб давлатлари ҳам «Бирлашган араб жумҳу-
риятлари федерацияси»ни майдонга келтириш фикрида,

Чиндаги хитойлар Хазар денгизига туташган «Буюк Чин Императорлиги» тушини ўнгга айлантириш азда, Исроилдаги яҳудийлар «Дунё ҳокимияти» шиори остида ирқдошлари билан биргаликда фаолият кўрсатмоқда экан, биз турклар не фикру хаёлдамиз, нималар қилмоқдамиз? Афсуски, бундай саволга жавобан юзларимиз қизарароқ, сукут этмоққа мажбурмиз.

Иш шунга бориб етдики, бугунда «турк» таъбирини ҳам кўп янглиш бир тарзда тафсир этмоқдамиз. Тарих бўйича «Турк» таъбири бугунда Ўрта Осиё дейилаётган эски Туркистонда яшаган туркларга берилган от эди. 1071 йилдан кейин Анатолияга келган туркистонлик туркларнинг бир қисми бугунгача салжуқийлар, усмонлилар дея аталди. Кейинги асрда, Усмонли императорлигининг таназули туфайли Анатолиядаги турклар ватанига «Туркия» деб от берилди. Бундан сўнгра турк таъбирини фақат Анатолия туркларига — Туркия туркларига хос бир англам ўлароқ қўлламоққа бошладик.

Ички гавголлар ва келишмовчиликлар, курашлар оқибатида «маданий турғунлик»ка учраган, эронликларнинг эскидан Турон ва Туркистон дегани ниҳоятда кенг ватанга оврупонликларнинг кириб келиши ва ўртадаги тарихий шароит туфайли «турк дунёси» майдонга чиқди. Тарихдаги толесизликдан, муваффақиятсизликлардан сўнг ҳозирги Хитойнинг Гансу деган еридан Болқон ороллригача чўзилган қитъавий бир кенгликдаги мусулмон-турк халқи асоратга тушиб олди. Тарихий бир саодат белгиси ўлароқ Анатолия турклари асоратдан қутулиб, дунёдаги ягона турк мустақил давлати сифатида Туркия Жумҳурияти бўлиб яшаб келмоқда. У саксон миллионли «Турк дунёси»нинг ҳур вакилидир.

Фақат биз зиммамиздаги вазифани бажаролмадик.

Зеро, юқорида таъкидлаганимдек, бутун дунё миллатлари ўзларининг манфаатлари йўлидаги ягона бир идеалга, гоёга эга, бу учун фаолият кўрсатмоқда. Бизнинг ичимизда эса ҳамон баъзи гофилонга тушунчалар ва ёки душман ташвиқоти туфайли зеҳнларга ўрнашган, ўзимизга зарарли шуур асорати бор. Нотўғри талқин таъсиридаги баъзи ватандошлар айтганидек «Отга минамиз-да, уруш қиламиз, ташқаридаги туркларни қутқарамиз» тушунчаси эса изоҳи ҳожатсиз бир кўча гапидир. Ташқаридаги турклар, яъни Туркистон, Эдил—Ўрол, Қрим, Шимолий Қофқозия ва Озарбайжон турклари, шубҳасизки, Туркия Жумҳуриятида ҳам Бирлашган Америка (АҚШ) ва Ғарбий Олмониядаги, Мйунихдаги

каби «Советлар Иттифоқини ўрганиш институти»¹ кўрилишига, уларни танитиш учун фаолият бошлашига, шундай қилиб, «Буюк турк дунёси»ни ҳур дунёга бутун масалаю муаммолари билан таништириб борилишига ва шу йўл билан бир кун келиб асоратдан қутулишига умидвордир.

Бизнингча, шу йўлда ҳаракат қилмоқ ва тарихий вазифа саналган ишни амалга оширмоқ Туркиянинг ривожланишига халақит бермайди. Биз бу Дунёнинг манфаатчилик фаолияти қаршисида юзма-юз туриб, «касални яширсанг, иситмаси ошкор қилар» масалига суянган ҳолда, юрагимиздаги изтиробларни ҳайқириб айтамыз: «Етар! Чин ва рус империализм асоратида қолган туркларнинг фарёдини ҳам эшитинг!..»

V

ТУРКИСТОННИНГ ЭСКИ ТАРИХИ

Она ватанимиз Туркистоннинг энг эски тарихини ўрганиш бугунги мустақил Ўзбекистонимиз ҳаёти билан чамбарчас боғлиқдир. Ўтмишимиз, Ватанимиз, Элимиз ҳақидаги асл билимлар бугунги халқимизни бирлаштиради, руҳига енгилмас куч-қувват беради. Шу йўлда хизмат қиладиган тарихий манбаалар чет элларда, муҳожир туркистонликлар матбуотида ҳам мавжуддир, албатта. Бугунда Ўзбекистонда ҳам анча танилиб қолган ватандошимиз, журналист Зиёвуддин Бобоқурбон 1953 йил Истанбулда, турк тилида «Туркистон» журналича чиқарган. Унинг Бош муҳаррири — Шарқий туркистонлик олим ва давлат арбоби Муҳаммад Амин Буғро бўлган. Зиёвуддин Бобоқурбон Ўзбекистон мустақиллик байрамига келган кунлари шу журналнинг бирини менга тақдим этди. Журналда кўп қимматли мақолалар борки, улар билан халқимизни таништириш бизнинг бурчимиздир.

Муҳаммад Амин Буғро «Туркистон» журналичининг 1953 йил 5- (август ойи) сонида «Туркистон тарихининг эски манбаалари» мақоласини эълон қилган. Унда она Туркэли — Туркистон тарихини асослайдиган энг эски ёзувлар, ҳужжатлар, китоблар хусусида муҳим билгилар бор. Қуйида бу мақолачининг қисқача мазмуни билан танишасиз.

Ўрта аср тарихчилари Туркистон тарихининг боши ўлароқ Нуҳ пайғамбар ўғли Ефас, унинг невараси Турк

¹ Institut zur Erforschung der USSR — München.

отли зот ҳақидаги яҳудийларнинг «Таврот» китобида келтирилган ривоятни қабул қилиб, бу асосда фикр баён этганлар. Туркэли тарихининг боши дея Тур ва Иреж ҳикоясини асосга айлантирган эронлик муаллифлар ҳам бор. Мўғуллар даврида эса, Ўғузхон манқабалари ва Аланқува ҳикоялари Туркэли тарихига бошланғич деб қаралди. Эндиликда бу каби нарсалар эътибордан қолди ва ҳақиқий тарихлар, илмий асосли ҳужжатлар майдонга чиқди. Туркистон тарихини исботлайдиган ёзувли манбаалар шулардир:

1. Туркистон ва эски чоғларда Турк ўлкалари ичида бўлган бугунги Мўғулистондаги обидалар. Улар эски отабоболаримизнинг, хусусан Кўктуркларнинг тошларга, мазортошларга, қояларга, ёздириб қолдирган ҳаётларини ҳикоя қилади. Бу бундан бир ярим минг йил аввал ҳам бизнинг ёзувимиз, давлатимиз бўлганини билдиради. Бу ёзувларни кашф этиш 19-асрдан бошланган эса, бугунги кунгача янги-янги ёзувли тошлар топилиб, дунёга аёнлатилмоқда. (Бу мавзуда ўзбек тилида ҳам кўп манбаалар бор: Ғ.Абдурахмонов ва А.Рустамовнинг «Қадимги туркий тил» китобини, А. Қажумов, Н.Раҳмоновларнинг китобларини эсланг — Т. Қ.) (Бу ёзувлар 552 йилда қурилган Кўктурк давлати тарихидан токи таназзулигача ва араб истилоси таъсирида тугатилган Уйғур давлатининг сўнгигача, ўнинчи асргача бўлган даврни қамраб олади. Бугунда турк эли ва Туркистон тарихидаги кучли ва соғлом давлат ташкилоти, миллий маданияти, эски тарихи бор бўлган боболаримиз ҳаётидан ҳужжатли бир овоз беради. Бу овоз рус ва чин мустамлакачилари тўқиган бўҳтонни — Туркистонга «маданият» олиб кириш ҳақидаги ёлгонни чипшакка чиқаради.

2. Эроннинг муқаддас китобларидаги қайдлар ва тарихий васиқалар. Туркистон ва Турон ҳақидаги эски билгилар эронликларнинг муқаддас китоби «Авесто»да ҳам бор. Бу китобни тадқиқотчилар милоддан аввалги 1000 йилдан ҳам наридаги тарих билан боғламоқдалар. Эроннинг тарихий васиқаларида ҳам Турон ва Туркистон тўғрисида, унинг жўғрофияси, тарихи, маданияти ҳақида маълумот бор; муҳими, уларда ҳам Туроннинг кучли бир давлат бўлгани, Эрон Туркистонга божу ҳирож бериб тургани таъкидланади.

3. Ҳинд манбаалари. Ҳиндистондаги Эронниқидан ҳам қадимийроқ тарихий васиқаларда Ҳиндистон шимолидаги Буюк давлатдан — «Турушка» (турк) — ва

«Сака»дан (Туркистон турклари дегани бизда сак, шаъ ҳолида ҳам қўлланйлади — Т. Қ.) хабар берйлади.

4. Эски юнон тарихчиларининг китобларидаги манбалар. Масалан, Херодот (милоддан олдинги 484 йил)нинг машҳур «Тарих»ида Туркистонга оид муҳим маълумот бор. Искандарнинг Туркистонга ҳужуми ва истилоси (милоддан аввалги 333) даврида юнон тарихчилари ва жўгрофийчилари, билгивларининг ёзган асарларида Туркистоннинг энг эски ҳаётидан ҳужжатли ҳикоялар бор.

5. Туркистонга оид Чин манбалари. Бу манбаларнинг бошланғичида милоддан аввалги 139—129 йилларда Туркистонга сайҳат қилган чин сайҳатчиси Чанг Кианг асари туради. Ундан кейинги манбалар, масалан, милоднинг 751—780 йилларигача бўлган Туркистон—Чин уруши ҳақидаги ёки бонқа йилликлар (хроникалар)дир. Жумладан, «Чинин Хан Шу», «Танг Шу», «Суй Шу» каби расмий воқеанома-хроникалар, қомуслар, алоҳида кишилар томонидан ёзилган тарихлар Туркистон тарихи, жўгрофияси, сиёсий туруми, иқтисоди, маиший аҳолидан хабар беради. Аммо доимо шунга диққат қилмоқ лозимки, чинлилар бу тарихларида туркистонлик туркларга душманликлари туфайли, доимо урушиб келганлари боис, туркларни кичик кўрсатишга тиришган. Буни чинлиларнинг бу тарихларини ўрганган олим В. Эбэрхарднинг «Чин. Чинўлўжига кириш» (чинўлўжи-чиншунослик, хитойшунослик; ўз тилимизда айтсак, чинчи дегани — Т. Қ.) китобида таъкидлаган. Чинлилар доимо мавзу ва исмларни ўзларича бузиб ёзганлар, масалан: Тошкент сўзини Тавен, Кунхон сўзини Куванг, Турк сўзини Тукии, Тужеу шаклида ёзганлар. Аслини бузиб ёзиш, исмлар ва жой номларини таржима қилиб берилгани учун бугунда чинлиларнинг ўзи ҳам у тарихлардаги баъзи сўзларнинг нималигини аниқлай олмаяптилар. Тинглинг, Йўли, Тсали, Кванг-тунгди, Писен каби сўзлар ўшалар жумласидандир.

Чин манбаалари асосан чинлиларнинг Туркистонга ҳужумлари ва босиб олган даврлари — қўли баланд келган тарихлар ҳақидадир. Турклар чинларни етган, чинлар бож тўлаган даврлар хусусида иложи борича ёзишмайди, мум тишлаб туришади. Шу жиҳатдан қараганда, фақат чиншунос ўлароқ ёки фақат чин манбаасига суяниб фикр айтиш олимларни ногўрри йўлга кiritиб юборди. Агарда ҳам чиншунослик, ҳам туркшунослик фикри, манбаалари асосида тарих тадқиқ этилса, тўғри тушунчага бурилиш осонлашади. Доктор В. Эбэр-

ҳард чинчилик ва туркчилик билимларини асосида масалага ёндошиб, соғлом бир қараш йўлини очиб берди. Бир мисол келтирайин, масала ойдинлашади. Эски чин манбааларида Оқсув шахрини Винсу дейилган. Чинлилар бу сўзни чинча эмас, маҳаллий-ерли сўз эканини сўйлайдилар, аммо маъносини билмайдилар. Фақат чиншунос бўлган олим бу сўзнинг асл талаффузини, албатта, билмайдди. Эски турк шеваларини билган билгим эса, Винсу эски туркчадаги Урунсув дегани ва Оқсув шахри эканини аниқлай олади.

Бугунда дипломатик алоқалар талабига бўйсиниб учун бутун тарихий ҳақиқатдан юз ўгириб, бир жой ё мамлакат номини бузиб қўллаш давом этмоқда. Туркистон шарқини истило қилган чинлилар унинг номини бузиб «Синкианг», «Шинжонг» дея, Турк сўзини эса ҳамон «тукаў» шаклида қўллаётгани ажабланарлидир («Туркистон» журнали, 3—6 бетлар № 5, 1953).

«Туркистон» журналининг бош муҳаррири бўлган Муҳаммад Амин Буғро ким эди? Энди бу ҳақда қисқача бир билги берсак.

Бу зот ҳақида унинг «Шарқий Туркистон тарихи» (биринчи нашри 1940, Кобил; иккинчи нашри Анқара, 1987. Иккинчи нашри Буғронинг қизи Фотима Буғро тайёрлаган. «شرقى تورکستان تارىخى». محمد امين بوغرا،

۱۳۵۹ هـ کابل، افغانستان)

Ўитобдаги «Муаллифини тушунтириш» бобида Муҳаммад Амин Буғро 1901 йилда Хўтанда, ўртаҳол бир оилада туғилгани ёзилади. Мадрасада ўқиган, араб, форс тилларини яхши ўрганган. Сўнгра мадрасаларда дарс берган; 1930 йилда ўлка ичида узун бир саёҳатга чиқади, халқнинг оғир аҳволини, мустамлакачи чинлар зулми ерни ва элни кемириб ётганини кўради. 1931 йилда у яширин инқилобий ташкилот тузади. Хўтанда инқилоб қилиб, чин зулмидан элни қутултиради. У етакчилик қилган инқилоб натижасида чин мустамлакасидаги Шарқий Туркистоннинг жануб қисми озодликка чиқди ва 1933 йилнинг 2-ойидан 1934 йилнинг 7-ойигача эркин яшади. (Уни халқ Маҳмат Эмин ҳазратим, Амир ҳазратим деган. Ташқаридагилар эса Хўтан амири деб айтишган). Сўнгра, босқинчи душмандан енгилгач, у муҳожиротга чиқиб кетди (1934,8-ой). Кашмирда, Афғонистонда яшади. 1945 йилда ватанга қайтади. 1949 йилнинг 9-ойигача Шинжонг ҳукумати таъмирот нозири, «Эрк» газетаси бош муҳаррири, Урумчи дорилфунунин профессорини, Уй-

гур уюшмаси илмий ҳайъати раиси вазифаларида ишлади. 1949 йил охирида Шарқий Туркистонда Жунггу коммунист инқилобий ҳукумати ҳокимиятини қўлга олгач, Муҳаммад Амин Бугро иккинчи бор юртидан чиқиб кетишга мажбур бўлди. Аввал Хиндистонга, сўнгра Туркияга кетди. 1952 йилдан бошлаб Туркияда яшади. 1955 йил Туркия Жумҳурияти фуқароси бўлди. 1965 йили; 14.06 да юрак касалидан 64 ёшида вафот этган.

Муҳаммад Амин Бугронинг инқилобий ва сиёсий фаолиятидан ташқари Туркистон тарихи, маданияти жабҳасидаги хизмати ҳам буюқдир. У Шарқий Туркистон тарихини бошдан-оёқ ёзиб чиқди (юқорида эслатилган китоб), «Олтой» журнали (Чунгинг, 1943—1945), «Эрк» газетаси (1946—1949, Урумчи), «Туркистон» журнали (1953—1954, Истабул), «Туркистон овози» журнали (туркча, инглизча, 1956—1957, Анқара)нинг бош муҳаррири, масъул муҳаррири вазифаларида ишлади ва уларда юзларча мақолалар эълон қилди. Шунингдек, у ўнларча асар ҳам чиқарди: «Қасоиди Ватания» («Юрт қасидалари»), «Турк юртларида араб-ислом фитуҳоти», «Шарқий Туркистон ҳуррият мужодаласи», «Тарихи Рашидий» (5-жилдининг туркчага таржимаси) ва бошқа китоблар унинг қаламига мансуб (Муҳаммад Амин Бугро, «Шарқий Туркистон тарихи», XVI—XIX бетлар).

Туркистон ҳурриятига бағишланган мақолаларда бир савол кўп такрорланади ва кўпинча жавобсиз қолади. Бу «нега бутун ғарб дунёси, эркин дунё Ҳазойирнинг мустақиллик учун курашини қўллаб, унга ўз матбуотидан ўрин бериб, қувватлаптирдию нимага Туркистон мустақиллиги учун бу ишни қилмайди?» қабилидаги саволдир. Муҳаммад Амин Бугронинг бир «Билдирув»-ида унга жавоб бор. 1959 йил 24—25 июлда Олмониянинг Мйуних шаҳрида, «Советлар Иттифоқини ўрганиш институти»да бир йигин бўлади, «Советлар бирлигининг ташқи сиёсати» мавзусида. Шунга М. А. Бугро «Билдирув» юборади. Унинг бир нусхасини «Озодлик» радиосидан ўқиб эшиттиради. У «Билдирув» 1992 йил мартда туркча ва уйғурча чиқадиган «Дўғу Туркистонни сеси» («Шарқий Туркистон овози»)¹ — журналининг 33-сонда босилди. Унда шундай дейилади:

¹ “Doğru Türkistan sesi” —

شرقی تورکستان ناوازی

уйғур ва латин ёзувларида, туркча ва уйғурча журнал, Туркияда чиқади.

«...Чорлик Русияси ва Чин—Манчу императорлиги вакиллари 1881 йилда Патрасбургда имзолаган келишув битимига кўра, бир бутун Туркистон иккига бўлинди. Ўртада — Помир, Олой, Тангритоғи, Тарбағатай ва Олтой тоғлари бўйлаб ўзларича бир чегара чизигини қабул айлаб, бир тарафини руслар, иккинчи томонини чиликлар оладиган бўлди. Икки босқинчи ҳур Туркистонни истило этди. Шарқий Туркистон халқи Чин истилосига қарши 1755 йилдан 1878 йил тарихигача 123 йил мудофаа урушини олиб борди. Ғарбий Туркистон эли 1762 йилдан 1875 йилгача 113 сана ҳимоя уруши олиб борди. Қурол қуввати бир неча барабар оз ва ибтидоий бўлган туркистонликларнинг икки наҳанг босқинчи ўлкага қарши бунчалик узун йиллар қаҳрамонларча урушуви ҳеч бир улус тарихида учрамайди. Ер юзидаги ҳеч бир халқ душманига қарши бунчалик узун йиллар урушолмаган. Бу оғир курашда юрт вайрон, халқ паришон бўлди ва охири мағлуб ўлароқ рус ва чин маҳкумига айланди... Аммо «асоратга рози бўлмаган арслон қат-қат занжирларни узиб ташлайди» деган гапимизни ҳеч ким унутмади. Маҳкумлиқ занжирларини парчалаб, ҳур ва мустақил бўлувимизга имонимиз комил. Оллоҳ ёрдамчимиздир!..

Ғарбий Туркистонда чорлик зулмига қарши курашилгани каби большевиклар зулмига ҳам 1917—1925 йиллар мобайнида қаттиқ зарба берилди. Бу урушларни душманларимиз «босмачилиқ ҳаракати» дейишди. Уни, курашларни дунё улусларидан беркитилди. Шарқий Туркистонда ҳам 1878 йилдан бери Чин истилосига қарши кураш тивмай давом этмоқда.

Жазойирдаги тўрт йил чўзилган мустамлакага қарши кураш ҳақида бутун дунё матбуотида хабар берилди, аммо 27 йилдан бери урушаётган Шарқий туркистонликлар ҳуррият курашига ўрин берилмаётганининг сабаби иккигадир. Биринчиси, Туркистон ва Жазойирнинг жўғрофий ерлашувлари бўлса, иккинчиси — Шарқий Туркистонни истило қилган давлатнинг коммунист экани ва Жазойирни мустамлака этган давлатнинг демократик бир давлат эканидир») 26—27 бетлар, туркчадан таржима — Т. Қ.).

Мен Муҳаммад Амин Бугро ҳазратининг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги бу қисқача сўзини у зот шу «Билдирув»-

ида келтирган турк шоири Тавфиқ Фикратнинг мисраси билан якунлашни истардим:

*Зулмун тўпу вар, гуллеси вар, калеси варса,
Ҳаққин да букулмез кўлу, дўнмез йузу вардир*

(Зулмнинг тўши бор, ўқи бор, қалъаси бор бўлса, Тангрининг ҳам букулмас қўли бор, бизлардан ўгирил-маяжак юзи бордир.)

VI

ТУРКИСТОН—ИЛК МАДАНИЯТ БЕШИГИ

Далварзинтепада археологик қазилма ишлари олиб бораётган жапўн олимлари яқинда бир жаҳоншумул хулосани матбуотда эълон қилдилар: Будда динининг илк келиб чиққан жойи бугунги Ўзбекистондаги Далварзинтепада экан. Ўзбекистон эса эски Туркистон тупроқларидаги янги бир мустақил жумҳурият. Бу кашфиёт Ўзбекистон учун жаҳон маданияти поғонасининг юксакликларига кўтарилиб, фахрланиш ҳуқуқини беради. Зотан чет дунёда будда эски турклар (ота-боболаримиз бўлган эски турклар будда, зардуштийлик, насронийлик динига айри-айри жўгрофий бўлқаларда яшаб, топинмоқда бўлганлар) учун энг кенг тарқалган ва энг мақбул динлардан бири экани тарихда таъкидланган (Зиё Кўкалп асарларига боқинг — Т. Қ.). Биз ўқиган китобларда будда Ҳиндистонда тарқалган, маркази у ер, деб келинди («Ўзбек совет энциклопедияси»га қаранг). Макка шаҳри нафақат араб дунёсида, балки бутун мусулмон оламида муқаддас шаҳардир, жамики мусулмонлар Маккани севишади, зиёратга боришади. Насронийлар ҳам Исо Пайгамбар билан боғлиқ ерларни, қутлуғ ҳисоблайдилар, масалан, унинг онаси Биби Марям мазорини насронийлар ҳам, мусулмонлар ҳам зиёрат этишади, мазор бугунги Туркиянинг эски Салжуқ (юнонча оти Эфес) ёнидаги Булбултоғда. Бу зиёратгоҳ ҳам маданий, ҳам дўстлик алоқалари учун хизмат қилмоқда. Демак, бугунда будда дини кенг тарқалган Шарқдаги буюк қўшнилариимиз — Ҳиндистон, Хитой, Жапўния учун тарихда Будда маркази, будда маданиятининг илк бешиги бўлган Туркистон ерлари ҳам муқаддас бир зиёратгоҳга, элларимиз хайрли маданий алоқалар боғлайдиган бир азиз маконга айланаркан.

Бу деганимиз, албатта, биз тарихда буддачи эдик, энди ҳам буддага тоинишимиз керак ёки биз ҳам буддачиликка қараб кетамиз, дегани эмас. Бундай шубҳага фақат камэътиқодлар ва жоҳиллар боруви мумкин. Зотан биз, алҳамдиллилоҳ, мусулмонимиз, турк-ўзбекимиз; мусулмончилик эски ота юртимиздаги динлардан кейин келган ва янги ва сўнгги ва бизга дунёларни яратган ва муҳофазасида тутиб турган, оламларнинг ягона эгаси бир буюк Тағриини теран танитган диндирки, бу динимиздан ҳеч ким, ҳеч бир мафкура энди чалғита олмас.

Демак, буддачилик Туркистондан дунёга ёйилган. Будда маданиятининг бешиги — Туркистон.

Аmmo «Туркистон — ilk маданият бешиги» дея ёзарканман, юқоридаги далилларни мутлақо назарда тутганим йўқ эди. Зотан бу янгилик ҳали дунёга тарқалиб, сингиб ултургани ҳам йўқ. Мен назарда тутган далиллар бошқадир, уларни муҳтарам ўқувчига билдирмоқ учун Истанбулда туркчада чиққан «Туркистон»¹ журнаliga муружаат этамиз. Журналнинг эгаси ва масъул мудирини Зиёвуддин Бобоқурбон, бош муҳаррири Муҳаммад Амин Буғро саналган бу журналнинг 1953 йилги 5-сонига доктор Сафвет Энгиннинг «Туркистон — она Туркэли» мақоласи бор. Билгин ўз мақоласини энг эски маданиятларни яратган қавмлар Туркистондан — тарихлардан аввалги чоғларнинг у сирли маконидан чиққан, деган фикр билан бошлайди. Бу кўз қарашини дунё олимларининг асарлари, илмий қиёслар билан исботлайди.

Юз йиллаб мустамлакачилик мафкураси таъсирда қолганимизни, биз ўқиган китобларда она ватанимиз Туркистон ҳақидаги асл билгилар йўқлигини, зотан, 1924 йилда Туркистон тамоман парчалангач, бу ном, Турк ва Туркистон атамалари расман таъқиқланганини, доим бузуқ, бўҳтонли маълумотлар берилганини, (масалан, ўзбек қомусида ҳам Туркистон ҳақида асл билги, алоҳида модда йўқ; бир ерда «Туркистон 19-аср ва 20-аср бошларида ҳозирги Ўрта Осиё ва Қозоғистонни, шунингдек, Марказий Осиёнинг туркий халқлар яшовчи қисмини ўз ичига олган тарихий - географик област» дейилади «Ўзбек Совет энциклопедияси», 11-жилд, 367 бет. Тошкент—1978) назарда тутиб, ўқувчиларни қуйида турк олимнинг бу мақоласи мазмунини билан таништирамиз.

Бугунда эски маданият ўчоқлари (Миср, Ҳиндистон

¹ "TÜRKİSTAN", ilmi, içtimai, iktisadi ve kültürel aylık dergi. Sayı 5, s. 7—11. İstanbul—1953.

ва бошқалар — Т. Қ.) ҳақида сўзланаркан, бу макондаги маданиятларни бу ерларга кўчиб ё забт этиб келган Туркистон турклари билан боғлиқлигини кам ёздилар. Чунки Овруподаги қавмчилик тушунчасидаги билгинлар маданият асосини Осиёдан борганини билиб туриб инкор этароқ, у маданият асосини Овруподан топмоқни истайдилар. Оврупо одами («хомоерўпеун»), Шимол одами («хомо-нўрдижус») ҳиндо-ориёний, ҳиндо-овруполи дейилган одамларни, қаҳрамонларни етиштирган илк ерни тополмай-тополмай, ниҳоят, Помир шимолидаги Ўкуз¹ (Амударёнинг эски оти) дарёси бўйларидан, яна бугундаги Оврупо Русиясининг ўртасидаги Днепр дарёси қирғоқларидан у «илк одам» излариши ахтариб, у ерларга бу тарихни мол қилмоққа уриндилар. Бир олом олими Помирни Овруподан «излай-излай», Олмония шимолидаги Таунус тоғидан ўзича илк одам ва маданият бешигини топмоқни истади. Аммо у баландлиги 880 метр бўлган Таунус тоғи Помир (балад чўққиларидан бири 7.495 метрдир — Т. Қ.) тоғи олдида бир ўйинчоқ эканини унутган эди. Оврупонинг, Таунуснинг илм макон экани ҳақидаги хаёлий гаплар Виктор—Ҳедн, Ужфалуз ва бошқа олимларнинг зарбасига дош беролмай, парчаланиб кетди.

Карл Пенка деган олим ҳам оспёликлар учун Искандинавиянинг тиниқ сувли дарёлари бўйидан энг эски маконни «ҳозирлади», аммо унинг бу хаёлий, илмий асосиз гаплари ҳам ўша веналик олим Ужфалуз бошқарган бир йиғинда билгинлар ҳужумига дош беролмади.

1850 йилдан бери бугунгача бўлган баҳсларда айтилган юмолоқ бошли, буғдойрангли одамларни (Туркистон туркларини) Альпликларга — овруполикларга чиқариш учун ҳаракат қилинди.

Аммо у одамларнинг наслари бугунда Туркистонда яшамоқдадирлар. Туркистонда эски маданиятлар бўлган-бўлмагани хусусидаги кўп тортишувлар ва тарафчиликларга археолог-тарихчи олим Рафаэл Пумпэллий сўнгги нуқтани қўйди. (Дунёдаги бошқа олимлардан Гури Вадэл, Вўн Ла Жўг, Березовский, Ўлденбург, Қазлўв Пелиўт, Сир Лурел Стейни, Свен Ҳедни, Хунтингтўн кабилар ҳам Р. Пумпэллий билан асосан фикрдошдир.) 1927 йилдан бошлаб бугунгача (яъни 1953-йилларгача—

¹ *Ўкўз* — эски туркчада буқа сўзининг маънодоши. Ҳозирда бизда ҳўкиз, Туркия туркларига ўкўз (*ököz*) дейилади. Юнонча оксулга алоқасиз — Т. Қ.

Т. Қ.) Америкалик билгинларнинг бир гуруҳи бугунги Мўғулистон ерларида билимчил (археологик) қазишмалар, тадқиқот олиб боришди. Пумпэллий ва дўстларининг Ҳазар шарқидаги Марв кенти ёнида, Анў маданияти изларини қазиб, илмий натижаларни маълум қилишлари жуда муҳимдир. Пумпэллийнинг Нйу-Йорк шаҳрида босилган икки жилдли китоби (1907 йил; Raphael Pumpelly, «Excavations in Turkistan», New York дан Туркистоннинг Анў маданияти ҳақидаги йилкўрсаткичи кўйида келтирамиз, бу ҳақиқатга энг яқин жадвалдир:

Жанубий Қўрғондаги темир даври милоддан олдинги 500 йил; шу Қўрғондаги мис даври милоддан олдинги 2200 йил;

бу ердаги мис даврининг бошланғичи милоддан олдинги 5200 йилга мансубдир;

Шимолӣ Қўрғондаги мис даври бошланиши 6000 йиллар;

Шимолӣ Қўрғонда уй ҳайвонлари тутиш даври милоддан олдинги 8000 йиллар;

Шимолӣ Қўрғоннинг қурилиши — милоддан олдинги 9000 йиллар (Р. Пумпэллийнинг юқоридаги китоби, 65—67 б.).

Шу китобдаги тарихий-илмий натижалар ҳам муҳимдир. Уларда кўрсатилишича, Туркистон ерларида арпа, бугдой етиштириш милоддан олдинги 8000 йилларга оиддир. Қўй, тўғуз, от каби ҳайвонларни уйда боқиш даври ҳам шу йилларга тўғри келади. Бу даврда тўқимачилик ҳам қилинган. Туркистондан ғарбга кўчиш ва юришлар туфайли бу маданият белгилари ғарбга олиб борилган. Овруподаги тош даври маҳсуллари ана шу кўчириб олиб борилган маданият натижаларидир. (Демак, Овруподаги тош даври маданиятининг тамали Туркистондандир — Т. Қ.)

Эндилқда Миср маданияти дейшлаётган маданият ҳам аслида Мисрни босиб олган Шумэрлар яратган. Шумэрлар асли Туркистоннинг юксак тоғларидан (Тавгритогоидаги бир водий Шумэр, Сумар дейилади, бу А. З. В. Тўғон китобида ҳам бор — Т. Қ.). Улар Миср маданиятидан 2000 йил аввал бу маданиятни Туркистонда яратишган эди.

Туркистонда 10.000 (ўн минг) йил аввалги тарихларда шаклланган бир қишлоқ ҳаёти бўлгани маълум. Хотинлар ип йигирганлар, кумош (газлама) ва кийимлик тўқиганлар, тиккан кийимларига рангли иплар билан расмлар чизиб-тикканлар, ёқа-енгларига билгили халқачалар тў-

қилганлар — бу ҳозиргача сақланган, қазилардан маълум бўлган. Хотинлар яна қўлтегирмонларда бугдой, арпа, жавдар, маккажўхори донини туйганлар, ун қилганлар; шоленинг гуручини ажратиб олганлар; экмак (форс тилидаги нон сўзининг эски туркчаси — Т. Қ.) пиширганлар. Эркаклар эса, далаларда ер ҳайдаган, экин эккан, чўлда ҳайвон сурувиға қараган; ўтда тоблаб, ўткирланган ўқларни отиб, тоғларда ов қилган. Одамўғлининг ҳаётига оид бу кўриниш илк марта Туркистонда содир бўлган. Одамўғлининг уй ҳайвонлари тутиши, хусусан, қўй боқиши, от боқиши, от миниши бошланғич ўлароқ Турк элида — Туркистонда шаклланган.

Миллоддан олдинги 6000 (олти мингинчи) йилда Анў маданиятини бу ердан Ҳиндга кўчганлар у ўлкага олиб боргани ҳақида инглиз олимлари ёдилар. Инглиз Жўҳн Маршалл Ҳиндистон ғарбидаги Моҳенжўдарў ва Ҳараппа деган ерда олиб борган қазилардан сўнг шу фикрга келди. Шунингдек, ўша миллоддан олдинги олти мингинчи йилларда Туркистондан Месопотамияга, Мисрга ва Ўрта Африкага туркларнинг кўчиши бўлгани тарихдан маълум. Худди шу кўчиш Чин ва Ҳинд тарафга ҳам йўналтирилган. Шу кўчишларда бошқа маданият белгилари қаторида маданийлаштирилган ҳайвонлар олиб борилган. Чин йилликлари (хроникалари — Т. Қ.) да ёзилишича, бундай ҳайвонлар Чинга турклар тарафидан миллоддан олдинги 4000 (тўрт мингинчи) йилларда ҳам олиб борилган.

Мисрда, Ҳиндда ситир, ўкуз-буқа муқаддас саналган. Бу ҳайвонлар билан боғли диний тушунчалар бу ҳайвонлар олиб келинган юртдан чиққан, деган хулосага етаклайдики, бу асоссиз эмас. Марв ёнидаги Анў маданияти маҳсулларига мансуб нарсалар, далиллар ичида пиширилган тупроқдан, сополдан ясалган буқа ҳайкали бор, у миллоддан олдинги 3000 йилга оид — бу ҳайкал юқоридаги хулосани маълум даражада асослайди.

Сумэр (шумэр), Эти, Зардушт диний тушунчаларига кўра ҳам ўкузнинг муқаддас экани эски Туркистон ўлкасидаги маданиятнинг илкинлигини, энг эскилигини аниқлатади.

Шундай қилиб, Пумпэллийнинг бу хулосалари илмий асослари ва турклик шон-шарафини юксалтириши билан қадриlidir. Бу олим каби Туркистон тарихига буюк хизмат қилганлардан яна бири инглиз олими Сир Аурел Стейнidir. Бу билгининг китобини ўрганарканмиз (Sir Aurel Stein, «The Innermost Asia», уч жилдлик,

Лондонда чиққан), Такламакон чўлларида йўнматош (палеолит) даврида бу қумликларда турклар яшагани, ҳаёт қайнагани, бу яшаш макони Торим дарёси билан тутшиб кетгани очиқланмоқда. Қисқаси, бу билгинларнинг асарларидан чиқадиغان хулосани шундай англатмоқ мумкин:

Шимолий Чинда янгидан аниқланган эски маданиятнинг ўчоғи Туркистондир. Шимолий Ҳинд ерларида янгидан топилган эски маданиятнинг ватани Туркистондир. Месопотамия, Миср ва Анадўли (бугунги Туркия ерлари)да кашф этилган эски маданиятнинг асос келиб чиққан ери Туркистондир.

Аmmo кейинги юз йилликларда Туркистонда маданият йўқлиги ҳақидаги бўҳтонни мустамлакачи мафкура вакиллари кўп тарқатдилар. Дунёга ёйилган барча маданият йўллари туташадиган Туркистон тупроқлари, ундаги очилган ва ҳали очилмаган қат-қат маданий қатламлар бундай ўткинчи, бўш ҳужумларга, шубҳасиз, бардош бера олади.

Шундай қилиб, юқорида сўз юритганимиз маданиятларнинг бешиги эски Туркистондир. Бу ўлкага бошқа бирор чет қавмнинг кўчиб келиб, эски чоғда маданият яратгани хусусида тарихий ва археологик манбаа ҳозиргача топилмади. Туркистондан ва дунё турклари яшаётган ўлкалардан топилган ва янгидан кашф этилаётган манбаалар у эски тарихлар, у эски маданиятлар яратувчиси бизнинг бобо Туркистон экани, бизнинг боболаримиз эски турклар эканини исботламоқда («Туркистон» журнали, 7—11 бетлар, 1953, №5).

Бу биз яшаб турган 1990 йиллардан роса қирқ йил аввал матбуотда берилган, аслида, юз йилларча олдин очиқланган ҳақиқатлардир. Булар хусусида янада батафсил маълумотни келажак олимларимиз албатта, халқимизга етказишар.

VII

ЎТМИШДАГИ МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАРИМИЗ

Ўзбекистон мустақиллигини эълон қилиб, тарихимизга қараш тўғри томонга ўғара бошлагач, ота-боболаримиз ўтмишда, она Ватанимиз буюк Туркистон тупроқларида жуда кўч мустақил, ривожланган давлатлар қур-

ганликлари аён бўла бошлади, бу хусусда очиқ айтиш имкони яради. Қисқача шунини айтиш керак: инсоният тарихида энг кучли, уч юз йиллаб, олти юз йиллаб дунёдаги қитъаларга ҳокимлик қилган империя давлатларини, масалан, Кунлар (хунлар деб янглиш айтилади — Т. Қ.) империяси, Чингизхон империяси (Чингизхон асли эски туркларнинг бўритегин — бўриботир қавмидан; биз ўзбекларнинг номи бориб тақаладиган, ўзбеклар давлатининг асосчиси Ўзбекхон эса, Чингизхоннинг неварасидир — Т.Қ.), Ғазнавийлар империяси, Темур империяси, Усмон Ғози империяси, Бобиршоҳ империяси каби ўн олтига империяни қурганлар, дунё тарихининг минг-минг йиллик саҳифаларини шон-шараф-ла яратганлар бизнинг ота-боболаримиз эди. Инсониятнинг бугунги эришган фан, маданиятдаги барча тараққиёти тамал тошлари ўша боболаримиз қурган буюк давлатларда ҳам қўйилган — буни ҳеч ким инкор этолмайди. Дунё юзида юз йигирма мустақил давлат қурган турк халқлари — биз, ўзбекларнинг предонларимиз. Бутун дунё туркларининг Туркистондан тарқалганини ҳисобга олганда эса, тарихларда яшаган бутун турк давлатларига, улар яратган маънавий меросга биз, ўзбеклар ҳам ворисмиз, десак ҳаққимиз бордир. Бугунда, Ўзбекистон ўз мустақил йўлига тушиб олгач, бизни «давлатсиз», тарихсиз бир миллат каби дунёга ва эски советлар бирлиги мафқурасининг зиндонларидан энди бошларини ёруғ дунёга чиқараётган халқлар кўзига масхара қилмоқ, бу билан бизни ва бизга ўхшаш мустақиллик истаган мазлум миллатларни яна ўз ҳокимияти остига олишни истаган янги-фашист онгли душманлар бор. Улар бугунда халқларнинг озодлигига очиқдан-очиқ ҳужум қила олмасалар-да, мафқуравий зарбалар бериб, бўҳтонлар билан яна миллатлар онгини фалажлантириб, қўлдан чиқиб кетган қушни қайтадан қафасга солишни истайдилар. Бунга қарши нима қилишимиз керак?

Менимча, биз босқинчилар қўлида юз йиллаб яшаб, жуда катта сабр тажрибасини тўпладик — сабрдан фойдаланиб, аммо жуда тезлик билан ўз миллий борлиқларимизни эгаллашимиз, душманлар юз йиллаб бузган тарихларимизни тезда тўғрилайшимиз, тuzатмоғимиз керак. Ота-боболаримиз тарихда қурган мустақил давлатларни билмоғимиз ҳам душманларнинг ҳужумига қалқон бўлажак.

Хуллас, XX асргача эски Туркистон ерларида қурилган ўнлаб машҳур давлатлар, империялар бизга бир оза та-

ниш. Биз бу мақолада XX асрда, асримизнинг йигирманчи йилларида Туркистонда қурилган мустақил миллий давлатлар ҳақида имкон қадар аниқроқ истагидамиз.

Эски мустамлака (энди эски мустамлака десак ҳам бўлаверади, чунки ўтган икки йил ичида йиқилган Советлар Иттифоқи занжирдан бўшалган, миллий мустақил давлатларини қура бошлаган давлатлар дунёга танилиб бўлди), яъни қизил рус совет империяси мафкураси ўз қўли остидаги миллатлар тарихини доим бузиб, фақат русларни улуғлаб, ёлгон тарихларини шиширган бир ҳолда тўқиб, бошқа, ўз қўли остидаги миллатлар тарихини эса «ёввойи», «маданиятсиз», «динчи, ваҳший» бир жамиятлар каби талқин қилди. Бунинг маъноси — Шарқ қолоқ эди, биз «тараққий топган Европадан уларга маданият, техник тараққиёт олиб келдик» деган ярим ёлгон мафкура билан ўз босқинчиликларини оқлаш эди. Шунинг учун ҳам мактабларимизда ўқитиладиган тарих китобларида бизнинг миллий шарафимизга тааллуқли бирор буюк ҳодиса ҳақида сўзланмаган. Жумладан, асримизнинг йигирманчи йилларида оталаримиз Туркистонда тўртта миллий мустақил давлат қурганларини ҳам беркитганлар, ёзилган ҳақиқат сўзларни эса нашр эттирмаганлар. Аммо чет элларда чиққан юзлаб тиллардаги минглаб тарихий асарларда, хусусан, муҳожиротдаги ватандошларимиз нашрларида булар тўғрисида ҳар доим ёзиб келинган.

Аслида тарихий ҳодисалар ривожини қуйидагича юз берган: 1917 йилги давлат тўнтаришидан кейин, ҳокимиятга келган Керенский чорлик Русиясининг аввалдан мустамлакаси бўлган Туркистоннинг яна ўз қўли остида бўлувини истади. Унинг ҳукумати апрелда бу виёятини амалга ошириш учун Тошкентда «Туркистон Муваққат ҳукумати комитети»ни қурдиради. Аммо йиқилган чорлик мустамлакаси вайроналарида пайдо бўлган ҳокимиятсизлик, сўнградаги олағовурлар пайтида украинлар ўз мустақиллигини эълон қилиб, занжирдан чиқиб кетган эди. Табиийки, рус турмасидан озод бўлишни асрлаб орзу қилиб келаётган халқларнинг барчасида ўз мустақил давлатларини қуриш истаги кучли эди. Керенскийнинг ҳокимиятни эгаллаши муносабати билан эски Туркистон генерал губернаторлиги бекор қилинган эди. Аммо янги ташкил этилган ҳокимият таркибида ерли туркистонликларга фақат уч ўрин берилди холос. 4—8 апрелда «Туркистон мусулмонларининг биринчи конгресси» бўлди. Тошкентдаги бу йиғинга 440 вакил қат-

нашди, улардан 93 таси Туркистонда яшаётган руслардан эди. Конгресс қатнашчилари Керенский ҳукуматини «демократик» дея таниганлари учун қуйидагича талабни қарорга киритдилар: «Туркистонга кўчириб келтирилган русларга берилган ерлар қайтадан ўз эгаларига қайтарилсин, бошқа кўчиб келувчиларга Туркистон тупроқларидан ер берилишига, жойлашувига руҳсат этилмасин». Бу конгресс Туркистон рус ишғоли остига киргандан бери биринчи марта миллий-сиёсий ташкилланиш ўрнаги эди. Унда ҳуқуқчи Убайдуллоҳ Хўжа томонидан Туркистон учун Миллий ва Марказий бир ташкилот қурилиши зарурлиги таклифи ўртага чиқарилди («Бугунги Туркэли — Туркистон ва яқин тарихи», 356 б., «Русия ва Чин орасидаги Туркистон», 216—217; «Ёш Туркистон», 1935 йилги 63-сон, 17-б., «Миллий Туркистон», 1943 йилги 24-сон, 24-25 б.). Керенскийнинг сўзидagina «демократик» бўлган ҳукуматига иновароқ Русия тобеси ҳисобланган бутун мусулмонлар вакиллари кирган «Миллий Марказий шўро»ю «Миллий мажлис»лар ёки Тошкентда қурилган «Туркистон Мусулмон Марказий шўроси» ҳам, озарбайжонликларнинг, бошқартларнинг, татарларнинг Қофқоз ва Сибирдаги бошқа турк, мусулмон халқлар тузган бу каби ташкилотлари ҳам алданиб қолаверди.

Ниҳоят, ана шу йилнинг октябрида тўнтарини бўлди ва ҳокимиятни Ленин ва унинг тарафдорлари эгаллади. Бу тарих ҳақида фақат бир тарафлама, русларнинг манфаатларидан келиб чиқиб ёзилган, тўқилган тарих тўғрисида замондошларим, албатта, жуда яхши таъаввурга эгаки, бу борада сўзлашим ортиқча. Яхшиси, ўша қонли ва алдоқли йиллар хусусидаги асл тарихни ақс эттирган бир мақолага мурожаат этайлик. «Туркистоннинг Миллий ҳукуматлари» деган бу мақола «Миллий Туркистон» журналида (1974 йил, сони 133 А, 13—17 бетлар, Олмониянинг Дйуселдўрф шаҳрида чиққан) босилган. Мақола муаллифи А. Завқий (асли исми Абдулла Тўлаганов, эски «Қизил Ўзбекистон»да ишлаган газетачи, сўнгра муҳожиротда яшаган ватандошларимиздан — Т. Қ.) шундай ёзади: «Бўлшавиклар Русияни ҳақли равишда «халқлар турмаси» деб атадилар. Бўлшавикларнинг доҳийси Ленин ўзининг «Ўзгалар кўзидаги чўпни кўриб, ўз кўзидаги оғочни кўрмаганлар» деган мақоласида бундай деб ёзди:

«Русия буржуазияси халқларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилаш ҳуқуқлари ҳақинда кўп сўзлаб, мал-

да Туркистон халқларига бундай ҳуқуқни таъмин этиши ни ҳаёлига ҳам келтирмади».

Бу ерда Ленинга тўла ҳақ бериш керак. Чорлик тузумининг Русиядаги асир миллатларга ўз тақдирини ўзлари белгилаш ҳуқуқини бермаганлигини қанча кўп таъқид этишса-да, шунча оз. Хўш, рус подшоҳини қулатиб, унинг тахтини эгаллаган бўлшавикларнинг ўзлари бу масалада нима қилдилар? Улар ҳокимият бошига келганлари замон Русиядаги асир миллатларнинг Русиядан ажралиб чиқиб, миллий мустақил давлат қуришгача бўлган ҳуқуқларини оълон этдилар ва ваъда қилдилар. Бу ҳуқуқдан истифода этиб, миллий ҳукуматларини қурган халқлар устига қизил қўшинини юбориб, миллий ҳукуматларни йўқ этдилар», деб ёзади А. Завқий. Сўнгра Туркистонда Қўқон Мухторият ҳукумати, Алашўрда ҳукумати, Хоразм Халқ Жумҳурияти, Бухоро Халқ Жумҳурияти қурилгани ҳақидаги тарихий далилларни мисолга келтиради.

Юқорида айтганимиздай, Тошкентда тўнланган Туркистон мусулмонлари қурултойи мамлакатни идора этиши ни ерли халқ қўлига беришни талаб этиб, қарор чиқаргандан сўнг, Керенский ҳукумати томонидан ташкиллантирилган «Ишчи ва солдат депутатлари совети», бошқа ташкилотлар, «Революцион совет»лар тобора ҳокимиятда туркистонликларнинг қатнашувини сиқштириб, уларни четлата бордилар. «Туркистон Мусулмон Марказий Шўроси» (21.4.1917 йилда тузилган) раҳбарлари — Мустафо Чўқай (раиси), Убайдуллоҳхўжа, Абдуллоҳ Хўжа, Обиджон Маҳмуд, Миродил, Шоаҳмад Шоҳислом, муфти Маҳмудхўжа Беҳбудий ва муфти Садриддинхонлар ҳамон Туркистонда мустақил миллий давлат қурилиши истагида фаолият кўрсатмоқда эдилар. (А. З. В. Тўғон, «Бугунги Туркэли...», 218 б).

А. Завқий мақоласида шундай ёзади: «Тошкентдаги совет комиссарияти Туркистон мусулмонлари қурултойининг мамлакатни идора этишини ерли халқ қўлига топшириш ҳақидаги қарорини рад этганидан кейин ва 1917 йил ноябрда Тошкентда қақирилган совет қурултойи инициативаси билан туркистонликларнинг киришини истаганидан кейин, Туркистоннинг Миллий Марказий ташкилоти миллий масалани ҳал этишга мустақил ҳаракат бошлаганига мажбур бўлди. Бироқ, Тошкентда мустаҳкам жойланиб олган совет комиссарияти қизил қўшин кучига таяниб, Миллий Марказнинг ҳаракатига тўсқинлик қилди. Шундан кейин Миллий Марказ ўз ҳаракатини Қў-

қондан туриб давом эттиришга қарор берди. 1917 йил 9 декабрда Қўқонда Бутун Туркистон тўртинчи Улка Қурултойи чақирилди. Қурултойга 180 вакил қатнашди. Қурултой вакиллари Русия демократик Федерацияси ичида Туркистоннинг Мухтор Жумхуриятини ташкил этишни маъқул топдилар. Шу Қурултойда ҳукуматнинг бошлиғи ва министрлари ҳамда 54 кишидан иборат Миллий Маслаҳат Шўроси сайланди. Ҳукумат ҳайъати Маҳмуд Тинишбайни Ҳукумат раиси ва ички ишлар министри (З. Тўғон унинг қозоқлардан эканини ёзади — Т. Қ.) Шоҳаҳмад Шоҳислом — раис ўринбосари (бошқирлардан — Т. Қ.) Мустафо Чўқай — ташқи ишлар министри, Убайдуллаҳўжа Асадуллаҳўжа — мудоффа министри (тошкентлик ҳуқуқчи — Т. Қ.), Ҳидоят Йўрғул — қишлоқ хўжалиғи министри (З. Тўғон уни Йўрғулига ўғли Ҳидоят Бек дейди — Т. Қ.), Миродил — соғлиқни сақлаш министри (тошкентлик — Т. Қ.), Носирхон Тўра — маориф министри (наманганлик — Т. Қ.), Обиджон Маҳмуд — озиқ-овқат министри (қўқонлик — Т. Қ.), Абдурахмон Ҳузайр — ҳукумат котиби (қозоқлардан — Т. Қ.) этиб тайинлади.

Қўқон Мухторият ҳукумати 1917 йил 27 декабрда Петербургдаги совет ҳукуматига телеграмма юбориб, Тошкентдаги совет комиссариятини тарқатишни ва Қўқон ҳукуматини танишни талаб этди. Совет ҳукуматида миллатлар ишлари бўйича комиссар бўлган Сталин 1918 йил 5 январда бу талаб хатига Қўқон ҳукуматига берган жавобда: «Тошкентдаги совет комиссариятини йўқ этиш ҳақида Петроградга мурожаат қилишнинг аҳтиёжи йўқ, агар комиссариятни истамасангиз, уни куч билан йўқота биласиз» деб ёзди. Сталин Қўқон ҳукуматининг қўлида куч йўқлигини яхши биларди. Тошкентдаги совет комиссарияти Қўқон Мухтор Ҳукуматини ўзи учун таҳлика деб билди ва... 1918 йилнинг 7 февралда Қўқон шаҳарига рус кўшинларини юборди. 18 февралда бу кўшин Қўқон шаҳрига ҳужум бошлади. 22 февралгача Қўқон кўчаларида қаттиқ жанглар бўлди. Совет аскарлари ўн мингга яқин туркистонлини ўлдирдилар... 22 февралда совет кўшинлари Қўқон Мухторият ҳукумати биносига ҳужум қилди. Ҳукуматнинг ва Халқ Шўросининг элликка яқин аъзоси қамоққа олинди, қолганлари қочиб қутулди», деб ёзади А. Завқий «Миллий Туркистон» журналинда.

«Туркистон Русия ва Чин орасида» китобида ёзилишича, Қўқонни ишғол этиш учун 7 февраль 1918 йилда

Мойсей Кузмин Шапура қўмондонлигидаги (140 аскар, 4 тўп, 4 пулемёти бор эди) бир рус ҳужумчи бўлими Қўқонга етиб келди. Шапуранинг эслашича, сўнгра уларга 120 кишилик армени дашнақлар партияси томонидан аскар сифатида қўшилган. Булар бирликда 11—15 февралда урушиб турдилар. Кейин яна Тошкентдан Г. Парфилов бошлиқ рус кўшинлари ёрдамчи ўлароқ етиб келди. Ҳужум бошланди, уч кун шаҳар ёнди. Совет рус ва арменилари қатлиом ҳаракатига бошладилар. Қўқонда ўн мингга яқин инсон ўлдирилди» (250—251 бетлар, туркчаси).

Доктор Ҳайит бу китобидаги изоҳларда яна ҳам кучли далиллари келтирган. Улардан англашилича, ўша рус ва арманлардан иборат ҳарбийлар Фарғона водийсидаги бир юз ўттиз қишлоқни ўққа тутиб, ёқдилар; Сузоқ, Қўқонқишлоқ, Бозорқўрғон қишлоқ аҳолисини эса батамом қирдилар. Арменилар эса, 1918 йил бошларида Марғилонда тақрибан етти минг, Анджонда олти минг, Наманганда икки минг, Бозорқўрғон ва Қўқонда тўрт ярим минг атрофида туркистонликни йўқ қилдилар (251 бет, 17-изоҳ).

Аммо бизнинг китобларда бошқача ёздилар, масалан, «Қўқон муҳторияти» қизил гвардиячилар ва кўзголон кўтарган меҳнаткашлар томонидан тэр-мор келтирилди» каби («Ўзбек совет энциклопедияси», 14 жилд, 503 бет. Тошкент — 1980).

Қўқонда қурилган Туркистон Миллий Муҳторият Жумҳуриятини бу шаклда йиқитилиши, қиргинлар ва ёнгинлар халқни қизил бўлшавиклар давлатига бўйсундириб бера олмади. Аксинча, бу воқеалар туркистонликларни, ўз миллий борлиқларини севган, қалблари нур ва жасурлик билан тўла Фарғона водийсидаги қаҳрамон халқни қўлига қурол олиб, бир неча йиллаб келгинди босқинчиларга қарши кураш бошлаши билан яқунланди. Бу курашчилар ўзларини қўрбошилар деб аташганди, уларни советлар босмачилар деб юритдилар. Қўрбошилар Шермуҳаммадбек, Муҳаммадамивбек, Нурмуҳаммадбек, Холхўжа ва бошқа минг-минглаб эл ичидан отилиб чиққан эрк жангчилари сафини тўлдириб, мустақиллик учун узун йиллар рус советлар билан курашди. (бу гапларнинг баъзилари буюк мужоҳид Шермуҳаммадбек Туркияда вафот этганда, март, 1970 йилда, унинг қабри устида айтилган, машҳур муҳожир, профессор Тоҳир Чигатойнинг «Мужоҳид Шермуҳаммадбек» номли сўзи бўлиб, унинг «Қизил империализм» китобининг 1979

йилда чиққан 6-жилди, 11—18 бетларидан ўрин олган).

Туркистонда ўша йиллари қурилган яна бир мустақил миллий ҳукумат Алашўрда ҳукуматидир. А. Завқий «Миллий Туркистон»даги мақоласида шундай ёзади;

«1917 йилнинг 5 декабридан 13 декабригача Ўрунбург шаҳрида Бутун Туркистон Ўлка Қурултойи бўлиб ўтди. Шу қурултойда Адашўрда номида ҳукумат ташкил этишга қарор берилди ва Семай шаҳри ҳукуматнинг маркази деб белгиланди. Ҳукумат ҳайъати: Алихон Букейхон — ҳукумат раиси, Ҳалил Аббос — раис ўринбосари, Алимхон Эрмак — мудофаа министри, Аҳмат Биримжан — адлия министри, Маҳмуд Тинишбай — ички ишлар министри, Мустафо Чўқай — ташқи ишлар министри, Аҳмат Бойтурсун — маданият министри.

Маҳмуд Тинишбай билан Мустафо Чўқайнинг исмлари ҳар иккала Туркистон ҳукуматининг ҳайъатида қайд этилганлиги Қўқон ва Алашўрда ҳукуматларининг ғояси, мақсади бир эканлигини исботлаб, келажакда буларнинг бир буюк Туркистон ҳукуматига айланишини кўрсатарди. Бўлшавиклар мана шу буюк Туркистон ҳукуматининг яратилишидан кўрқдилар. Улар, бир томондан, миллий ҳукуматларни танишга ваъда бериб, иккинчи томондан, бу ҳукуматларни йиқитишга ҳаракат қилдилар. Масалан, Сталин 1918 йил 28 январда Семайдаги ишчи-солдат ва деҳқон депутатлари шўросига юборган телеграммада бундай дейди: «Ҳозирги вақтда биз буржуа миллатчилари билан сўзлашув олиб боришга мажбурмиз. Бироқ, қандай йўл билан бўлмасин, шаҳарларда 20—30 кишини тўплаб, Алашўрдага протестлар уюштириш керак бўлади». Сталин қозоқлар орасида пролетариат йўқлиги ҳақида жавоб олганидан кейин, Семайга иккинчи бир телеграмм юбориб: «Қозоқ шаҳарларидан қандай бўлмасин 15—20 лйумпен-пролетариат (саёқ ялангоёқлар Т. Қ.) ни топиб, улар номидан совет ҳокимиятини эълон этиш»ни талаб қилди. Бироқ, Сталиннинг бу талаби амалга олмади. Шундан кейин марказдан туриб Алашўрдага қарши кураш бошланиб, 1920 йилнинг бошларигача давом этди. Қўқон ва Алашўрда ҳукуматларининг битилиши 1917 йилда Ленин томонидан гарантия этилган «Ҳар бир халқнинг Русиядан ажралиб чиқиб, мустақил миллий давлат қуриш ҳуқуқи»нинг алдамчиликдан иборат эканлигини исбот этди», деб ёзади А. Завқий. (Алашўрда ҳукумати ҳақида М. Чўқайнинг «1917 йил хотира парчалари»да, «Ёш Туркистон» журналининг 32-сонида, Тўғоннинг «Бугунги Туркистон...»,

Ҳайитнинг «Туркистон Русия ва Чин орасида» каби китобларида кенг маълумот берилган — Т. Қ.)

Қирғизу қozoқларнинг (у йилларда қирғизлар деганда қozoқлар ҳам тушунилган — Т. Қ.) миллий, мустақил ҳукумати бўлган Алашўрда ҳам бошқа эски чор мустамлакани остидаги янги тузилган миллий мустақил ҳукуматлар каби қаттиқ қирғинли урушлар натижасида тугатилди. Қизил императорлик мафқурачилари эса, ўз ерида шу ернинг эгалари бўлган миллати билан мустақил ҳукумат тузганларни «буржуа-миллатчилари, акселинқилобчи ташкилотлар» деди ва бу бўҳтонларни кейинчалик халққа сингдирди. Аммо ҳақиқат — битта, у қачон бўлса-да, бир кун ўзини кўрсатади. Мана, бугун ҳақиқатни кўриб турибмиз: қozoқлар ўзларининг ерларида мустақил давлатларини эълон этиб, яшамоқдалар.

Энди Туркистонда ташкил бўлган учинчи бир миллий мустақил ҳукумат — Хоразм Халқ Жумҳурияти ҳақида А. Завқий «Миллий Туркистон» журналинда неларни ёзмоқда, шунини ўқийлик.

«1873 йилгача Русиянинг протекторати бўлган Хива хонлигининг келажак истиқболи масаласи Русия раҳбарлари орасида кўп мартаба муҳокама этилди. 1904 йилнинг 2 декабрида Туркистон генерал губернатори Русия ҳукуматига мурожаат этиб, Хивани Русияга қўшиб олишни таклиф қилди. Японияга қарши урушда Русия мағлубиятга учрагани сабабли, Русиянинг ташқи ишлар министрлиги бу масалани кейинга қолдирди,—деб ёзади муаллиф. — Хива хонларидан Муҳаммад Раҳим ва Асфандиёр мамлакатни модернлаштириш фикрига қарши чиқмадилар. Февраль тўнтаридан (1917 йил — Т. Қ.) кейин ўзларини «Еш хивалилар» деб атаган ислохотчилар... Миллий Мажлис, яъни парламент ташкил этувни олға сурдилар. Бу таклиф амалга оширилди... 1917 йил декабрида Тошкентдаги совет комиссиарияти Асфандиёрхонга мактуб ёзиб, Хиванинг суверенлиги совет томонидан танилганлигини билдирди. Бироқ, Асфандиёрхон совет ҳокимиятини танишни истамади. Бу вақт Жунайдхон бош кўтарди ва у айни бир вақтда ҳам Хива хонлигига ҳамда Совет ҳокимиятига қарши кураш бошлади. 1918 йил сентябрида Асфандиёрхон ўлдирилгандан кейин Хивани бошқариш Жунайдхоннинг қўлига ўтади. 1919 йилнинг 4 апрелида РСФСР ҳукуматининг топшириги билан Туркистон АССР ҳукумати Жунайдхон билан сулҳ битимини имзолайди. Айни вақтда совет ҳокимияти Хивада инқилоб ўтказишга ҳозирлик кўради...»

Хуллас, эски ёлгончи рус ҳукумати яна хиваликларни ҳам алдайди: Фрунзе бошлиқ қизил қўшин Тўрткўлдан Хивага ҳужум бошлайди. Бугун Туркистон fronti аскарлари Хивага юриш қилади. Совет раҳбарлари аҳолига яна эски усулдаги ёлгон мурожаатлар тарқатиб, «ўз хоҳишингларча яшайсизлар» каби сўзлар билан алдайдилар. 1920 йил 25 январда Хива босиб олинади. Жунайдохон истеъфо беришга мажбур бўлади, сўнгра Москвага олиб кетилади.

Шу пайтда «Ёш хивалилар» вазиятдан фойдаланиб, 1920 йилнинг 1 февралда Умумхоразм қурултойини чақириб, «Хоразм Халқ Жумҳурияти» тузилганини эълон этадилар. Бу қурултойда Туркистонимиздаги яна бир миллий мустақил ҳукуматнинг ҳайъати сайланади. Ҳукумат ҳайъатидагилар қуйидагилардир: Ҳожи Юсуф Паҳлавонниёз — ҳукумат раиси, Бобоохун Салимўгли — бош министр, Мулла Ўрозхўжа Муҳаммад — ташқи ишлар министри, Жуманиёз Султонмурод — ички ишлар министри, Мулла Бекжон — маданият министри, Ҳасанўгли — ҳарбия министри, Миршарофўгли — бош қўмондон, Мулла Нурмуҳаммад — иқтисод министри.

Бу ҳукумат ўз тараққиёт йўлини белгилайди ва амалга оширмаққа киришади. Ўз миллий қўшинини тузади. РСФСР ҳукумати уни расман танийди, икки давлат ўртасида шартнома ҳам имзоланади. (13. 09. 1920) Аммо совет ҳукумати, бир томондан, Хоразм Халқ Жумҳуриятини таниб, шартнома тузди, шу билан бирга уни йўқотиш режасини ҳам яратди. Фитначиларча бошланган уруш натижасида Хоразм Халқ Жумҳурияти йўқ қилинди, ҳукумат раҳбарлари қамоққа олинди. 1920 йил 13 октябрда Хивада чақирилган советлар съезди, Москва аввалдан орзу этганидай, Хоразмни совет республикаси деб эълон қилди.

Узун йиллар давомида шарафли Хоразм юртида душманга бўйсунмаган, ўз миллий ҳукуматини қурган кишилар, Хоразм Халқ Жумҳурияти номи очиқ айтилмади, тарихий ҳақиқат халқ кўзидан беркитиб келинди.

Ўтмишда парчаланган ва ватан номини йўқотган толесиз Туркистонимизда қурилган яна бир миллий мустақил ҳукумат — Бухоро Халқ Жумҳурияти.

Маълумки, Бухоро амирлиги 1918 йилгача Русиянинг протекторати сифатида яшади. Амирнинг қолоқлиги, миллатини унутиб, давлат ишларини форс тилида юритгани ва Бухородаги аҳолини, хусусан, турк тилли ер эгалари бўлган шаҳарликларга менсимай қарашлари, 1917 йил-

даги тўнтаришдан сўнгра, чор Русияси йиқилса-да, бу йўқотилган ҳокимиятга тобелигини айтиб, Туркистондаги миллий мустақиллик ҳаракатларидан четда тургани билан машҳурлиги бугунда кўпчиликка аён. «Ёш бухороилар», ислоҳотчилар ҳаракати ҳам маълум. Бизга у қадар билинмаган нуқталар борки, бу ҳақда А. Завқийнинг «Миллий Туркистон»даги мақоласига мурожаат қиламиз.

Муаллиф шундай ёзади: «Ёш бухороилар» қуроли кўзғолон планини туздилар. Бу планда ҳукумат идораларини босиб олиш, амирни қамаш ва манифест эълон этиш кўрсатилган эди. «Ёш бухороилар» 1917 йилнинг декабрида Файзуллоҳ Хўжа бошлиқ вакилларини Тошкентга юбордилар. Совет комиссарлар шўросининг раиси Колесов ёрдам беражагини ваъда этиб, Қўқонда ташкил этилган Мухторият Ҳукуматини йўқ этилишгача кутиб туришни таклиф қилди. Ҳақиқатан ҳам, 1918 йил 22 февралда совет қўшинлари Қўқон ҳукуматини йўқ эгавларидан кейин Бухоро томон юриш бошладилар».

Қаранг, Туркистондаги хонликлар раҳбарлари ташқи душмандан Туркистонни ҳимоя қилишда бирлашмаганлари, аксинча, бир-бирларига ҳужум қилиб, ўзларини кучсизлантирганлари каби, бу бахтсиз ўлкада ислоҳотлар ўтказишни, модерн бир миллий давлат қуришни истаган миллий шуурли кучлар ҳам бирлашмаган — бу юқоридаги далилдан ҳам кўриниб турибди.

Хуллас, Бухорога бу юришларида совет қўшинлари зарбага учрайдилар. Амирликни йиқитолмаган советлар Бухоро мустақиллигини таниди (1920, март). Ўртада ислоҳотчилар ва амирликка қарши ерли кучлар билан советлар ҳамкорлик хусусида келишув ишлари олиб борди. Бундан кейинги воқеалар ҳақида А. Завқий шундай ёзади: «Фрунзе Бухорога қарши юриш планини ҳозирлади. 1920 йил 28 августда Бухорога қарши ҳарбий юриш бошлади. Ўн минг аскар, 46 замбарак, 229 автомат, ўнга зирҳли машина, ўн иккита учқич билан қуролланган совет қўшинлари уч кун ичида Бухоронинг 11 шаҳрини босиб олди. Бу вазиятдан фойдаланган «Ёш бухороилар» ва ислоҳотчилар 1920 йил 6 октябрда Умумбухоро Халқ Қурултойини чақириб, Бухоро Халқ Жумҳуриятини эълон этдилар. Қурултойда ҳукумат ҳайъати сайланди. Ҳукумат ҳайъати будир: Усмон Хўжа — ҳукумат раиси, Файзуллоҳ Хўжа — бош министр ва ташқи ишлар министри, Абдулҳамид Ориф — мудофаа министри, Қори Йўлдош — маданият министри, Абдул-

рауф Фитрат — маориф министри, Ота Хўжа — ички ишлар министри, Ҳасанбой — соғлиқни сақлаш министри, Мухтор Саиджон — иқтисод министри, Мукаммалиддин-адлия министри.

РСФСР ҳукумати Бухоро Халқ Жумҳуриятини мустақил ҳукумат деб таниди. Бухоро ҳукумати билан РСФСР ҳукумати орасида сиёсий ва хўжалик шартномаси тузилди. Бухоро ҳукумати совет ҳукуматига меморандум юбориб, совет қўшинларини Бухородан олиб чиқиб кетишни талаб этди. Бироқ, бунга жавобан совет ҳукумати 1924 йил 12 июнда Бухорони совет социалистик республикаси деб эълон қилди...

Юқорида хронологик тариқада келтирилган фактлар совет ҳокимиятининг Туркистонга нисбатан сиёсатининг чин сирини фош этиб беради», деб мақоласини тугаллайди А. Завқий.

Туркистонда ташкил этилган бу миллий мустақил ҳукуматларнинг алдов билан, босқинчилик билан йўқ қилиниши, шубҳасиз, эскидан давом этиб келаётган миллий озодлик ҳаракатини янада кучайтирди. Бутун Туркистон тупроқларида тарқалган бу миллий қутулиш урушлари (бирада уни босмачилик» дейилди) 1934 йилгача давом қилиб, халқимизнинг эрк истагини, мустақил яшаш орзусини миллион-миллион шахидлар берароқ дунёга билдириб турди. Эски Туркистон тупроқларида эндиликда мустақил давлатларнинг қурилиши, шубҳасиз, боболаримизнинг қаҳрамон шахид бир ҳаётини, чин тарихларни очиқ айтиш имконини беради. Зеро, ўтмиш тўғри ёритилмагана, дўст-душман, хато ва ютуқлар очиқ кўринади, бугунда ва келажакда адашмай яшашга йўл очади.

VIII

МИЛЛИЙ ҒОЯ ҚУРБОНЛАРИ

Биз яна асл мақсадга — муҳожирларимиз чет элларда чиқарган нашрларида Туркистон ҳуррияти мавзусини қандай аке эттирганларни масаласига қайтамыз. Туркистонда совет қизил мустамлакачиларига қарши курашда фаол қатнашиб, ночорликдан чет элларга чиқиб кетган ва курашни давом эттирган энг улуг раҳбарларимиздан бири Мустафо Чўқай ўғлидир. Биз бу қаҳрамон шахс

ва у нашр этган «Ёш Туркистон» журналинда чиққан баъзи асарлар ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

Афсуски, қўлимизда «Ёш Туркистон»нинг араб ёзувида нашр этилган учта китоби бор холос, биз шуларга асосан хабар берамиз.

Чўқай ўғли Мустафо — Туркистон ўзининг икки қўшни давлат томонидан босиб олиниб, истилочилик зулми остида қолганидан бери ҳуррият учун курашган саноксиз қаҳрамонларимизнинг, миллий ғоя учун қурбон бўлган буюк кишиларимизнинг энг олдида келадиган ўлмас бир шахсият.

Мустафо Чўқай (Чўқайўғли, Чўқай Бий) 7. 4. 1890 йилда Оқмасжидда (руслар Перовск дейишган) туғилиб, 1941 йилнинг 27-декабрида Берлинда вафот этган. Отаси Чўқай Бий Тўрғай Додходир (1841 йилда туғилиб 1913 йилда вафот этган); Туркистонлик, қозоқ-қичоқлардан эди. Онаси аслзода Хива хонлари сулоласига мансуб. Илк таҳсилдан сўнгра Тошкентда рус гимназиясида ўқиди, кейин Патрасбург университетиде ҳуқуқшуносликни ўрганди. 1917 йил феврал тўнтаришигача у ерда Думада ишлаб қолди. 1917 йил апрелда Оренбургда умумқозоқ қурултойида қатнашди. Мунаввар Қори ва унинг йўлдошлари билан бирга Тошкентга келади. «Улуғ Туркистон», «Бирлик туғи» каби газеталарни чиқаришда етакчилик қилади. Ўбайдулла Хўжанинг таклифи билан Туркистон Миллий Шўроси раиси бўлди. «Қўқон мухторияти» дейиладиган Туркистон Миллий давлатининг қурувчиларидан бири сифатида бошида Туркистон мухторияти раис муовини ва хорижия ноизири, сўнгра раис ўлароқ хизмат қилган. Бу миллий давлат рус пролетариати диктатурачилари томонидан қонга ботирилгач (1918 йил боши), Ўренбургга қочди, у ердан Бокуга йўналди (1918 йил, март), у ерда ҳам ҳокимият истилочи руслар қўлига ўтгач, Гуржистонга қочди ва Тифлисте яшади. 1920 йилда гуржилар ҳам янгидан рус истилоси остида қолдилар ва совет ҳокимияти зулмидан қочиб, у аввал Туркияга, кейин Парижга кетди. У Оврупода экан, 1929 йилгача «Туркистон Миллий Бирлиги» ташкилотининг фаолларидан ва шу йилдан умрининг охиригача ташкилотнинг раиси бўлиб хизмат кўрсатди. Шу орада у «Янги Туркистон» ва «Ёш Туркистон» журналларини чиқарди. Бир қатор Оврупо газеталарида, журналларида бу қитъада Туркистонни танитадиган, муаммоларини билдирадиган мақолалар билан қатнашди. Иккинчи жаҳон уруши пайтида Париждан Берлинга кела-

ди (1940), 1941 йил 15 декабрда, бир асирлар лагерини зиёрат қилиш жараёнида, тиф касалини юқтиради ва бу хасталиқдан 27 декабрда, Берлин шаҳрида вафот этади. (Бу маълумот асосан доктор Боймирза Ҳайитнинг туркчадаги «Туркистон Русия ила Чин орасида», Анқара — 1975, 249-бетдан олинди.¹ Шунингдек, академик А. З. В. Тўғоннинг «Бугунги Туркэли—Туркистон ва яқин тарихи», туркчаси, Истамбул — 1981; китобидан ҳам фойдаланилди.) Доктор Б. Ҳайит ўз китобида М. Чўқайўғли ҳақидаги ўн бешдан ортиқ манбаани кўрсатган. Шулардан муҳимлари қуйидагилардир: «Еш Туркистон» журналининг 47-сони, «Миллий Туркистон» журналининг 1. 1. 1943, 15.12.1944; 65.11.1950; 76 А. 13.1952, 99 А.23. 1963 йил сонлари. Доктор М. Делил, «Туркистон туркларининг буюк миллиятчи ва юртсеварлариндан Мустафо Чўқай албуми», Истанбул — 1942; Доктор Б. Ҳайит, «Мустафо Чўқай», «Алмуҳажирин», Мйунхен, 1968, № 11. Доктор А. Уқтой, «Туркистон миллий ҳаракати ва Мустафо Чўқай», Истанбул — 1950. (Доктор Б. Ҳайитнинг юқоридаги китоби, ўша бет).

Мустафо Чўқайнинг Оврунодаги фаолияти «Туркистон Миллий бирлиги» (қисқача ТМБ дейилади) ташкилоти билан боғлиқдир. Бу ташкилот рус мустамлакачиликка ҳам, амир ҳокимиятига ҳам қарши бўлган туркистонликлардан ва бухороликлардан иборат бўлган, 1920 йилдаёқ Кобилда Усмоҳўжа ва Ҳожин Исомиддин Қоровулбегидан иборат вакиллари бор эди. 1923 йилда ташкилотнинг Олмония ва Франсада ҳам вакиллари ишлай бошлади. 1924 йилда Берлинга келган М. Чўқай ташкилотининг вакили ўлароқ ишга киришиб, конгресс ташкил этиб, «ТМБнинг хорижий комитети»ни тузди. Ташкилотнинг иккинчи конгресси қарорига кўра, М. Чўқай ва бухоролик Аҳмад Наим вакил ўлароқ, Париждаги қоғқозликлар ва украиналиклар билан биргаликда ишлашга, рус мустамлакачиликка қарши бир жабҳада курашинга келишди (1927, февралда). Украиналик ва қоғқозиялик мужоҳидлар Парижда ўз журналларини, «Прометей»ни чиқарар эдилар. ТМБчилар ҳам унга қўшилдилар, журнал туркистонликларнинг ҳам органи ўлароқ (1927 йил, 8-сонидан бошлаб) нашр этилди. М. Чўқай аввалига тақма отлар билан журналга мақолалар ёзди, сўнгра ўз номидан очиқ қатнашди. «Про-

1. Dr. Baymirza Hayit, "Türkistan Rusya ile Çin arasında", Ankara—1975. Almandadan çeviren Abdülkadir Sadak.

метей» журналининг 1928 йилдаги бир нусхасида М.Чўқай «Туркистонда истиқлол мафкураси» деган мақола билан чиқди. Бу ёзувида у ўзининг истиқлол ғояси йўлида эканини очиқ айтиб, Туркистон мустақиллиги учун оқруслар (белоруслар) империализмга ҳам қарши турилажагини баён этди; ҳолбуки, у авваллари фақат қизил рус империализмидан сўйларди (бу фикрни унга лахлилар — поляклар уқтирган дейилади). 1929 йилда Варшавада Туркистон истиқлоли мавзусида конференция берди. Бу унинг «прометейчи»лардан айрилиб, фақат ТМБга боғланганини билдирарди. Шунинг учун Керенскийнинг «Дни» газетасида «эвди Мустафо Чўқайни ҳам йўқотдикми» деган мазмунда мақола берилган («Дни», 1929, № 41) Бу ҳодисалар натижада ўлароқ Мустафо Чўқай ТМБнинг бир нашри бўлиши шартдир, дея бу ишга қаттиқ киришди. Туркистон Миллий Бирлиги ташкилотининг 2-конгрессидан сўнг, Истанбулда, турк тилида «Йени Туркистан» («Янги Туркистон») журнали нашри бошланди (1927, июнь). Бу ойлик, сиёсий, адабий ва илмий мажмуанинг 1928 йил охиригача чиққан 16 та сонига Закий Валидий Тўғон ва Абдулқодир Инов, бошқа сонларига Усмон Хўжа ва Мажидиддин Аҳмад, 27-сонидан охириги 39-сонигача Носир ва Мажидиддин раҳбарлик қилган, журнални идора этган (бу маълумот академик А. З. В. Тўғоннинг «Бугунги Туркэли—Туркистон ва яқин тарихи, туркча, Истанбул — 1981, 484-485 бетларидан олинди)¹.

Қўлимда «Янги Туркистон»нинг ҳеч бир сони бўлмагани учун ортиқ бир нарса дея олмайман.

Мустафо Чўқай ўгли нашр этган, бош муҳаррири бўлган «Еш Туркистон» журнали Берлинда, 1929 йил декабрдан 1939 йилнинг августигача чиққан. Журнал 1939 йилда советлар ва фашистлар ўртасида аҳд тузилгандан кейин тўхтатиб қўйилди². Профессор Тоҳир Чигатойнинг «Қизил империализм» китоби IV жилди, 22-бетнда бу ҳақда кенг тўхталган.) Бу мажмуанинг араб ёзувидаги учта сони билан танишгач, ўқувчиларимизга янгилик берадиган, шуурларини ўстирадиган кўп ҳақиқатлар бу эски саҳифалар орасида қатланиб ётганига амин бўлдим.

1. A.Z.V. Togan, "Bugünkü Türkili Türkistan ve yakın tarihi", İstanbul—1981.

2. Tahir Çagatay, "Kizil empryalizm", IY, "Yas Türkistan" yayini, sayi—19. Ankara—1969, c. 22.

«Еш Туркистон»нинг 1933 йил июл — 44-сонининг мундарижаси қуйидагича: «Миллий ғоя қурбонлари» (бош мақола, 2—5 бет), Темурўғлининг «Туркистонда маориф ишларининг бориши» мақоласи (5—9 бетлар). Сўнгра «Шарқий Туркистон» бошлиғи остида бир қатор ёзувлар берилган. Яна муҳим мақолалардан бири «Турк возитачилиғи» (Тўхтамыш ўғли ёзган, 33-36 бетлар) ва «Туркистон хабарлари»дир.

Журнал муқовасида «Еш Туркистон» ёзувидан кейин «Туркистоннинг миллий қуртулуши учун курашувчи мажмуа» деган программ битик бор.

«Миллий ғоя қурбонлари» деган бош мақолада Олий Суд ходимлари — «Буюк Маҳмама ишчиси» дейилади — тўртта туркистонлининг отиб ўлдирилгани ҳақида маълумот берилади. Жумладан шундай ёзилади: «...Рус пролетариати диктатурасининг Туркистондаги қонхўр бўрилари Нафас ўғли Ашурхўжа, Байрам ўғли Ҳодиназар, Ражаб ўғли Мухтор ва Салим ўғли Абдулшоқурни ўлдирмаклагина қоникмаслар. Ўнларга (уларга — Т. Қ.) тағин қурбонлар лозим... Саъдулла Қосим ўғли ва Шамси Бадриддин ўғлиларининг муҳокамасидан (судидан — Т. Қ.) сўнг ўлдурулган бу тўрт туркман муҳокамаси, сўнг йиллар ичинда Туркистонда бўлиб ўтган сиёсий муҳокамаларнинг энг буюғи саналадир. Саъдулла Қосим ўғли ва Шамси Бадриддин ўғли каби Ашқободда ўлдурулган тўрт Туркистонли-да Совет Олий Маҳкамасининг ишчилариндан эдилар. Мўсқва диктатураси бўнларни-да Саъдулла ила Шамси каби, «маҳкамани ўз аксилинқи-лобий мақсадларига қўлландиқлари-ла айбламакдадир».

Мақоланинг давомида Туркистонни бошқараётган расмий кишилар ичида жиноятчилар ҳам борлиғи ошкор этилади. Яъни: «энг масъулиятли ўрунларда Туркистон учун тарихда кўрулмаган жиноятлар қилгон одамлар ўлтурубдурлар. Мисол ўлароқ бир Олий Иқтисод Шўроси раиси Постқутскийни атайлиқ. Мана шу Постқутскийнинг бўйнунида 1923 йил Фарғонада очликдан ўлган 200 минг туркистонликнинг гуноҳи бор. Постқутский Туркистон Халқ Қўмиссарлар Шўроси раиси ўринбосари бўлуб туруб, шу йили экин экилмай қолгон Фарғонадан Мўсқва ҳукумати томонидан белгиланган миқдордан икки ҳисса ортуқ солуқ тўплатуб ҳамда Фарғонада тургон қизил қўшунни таъмин учун халқни қизил қўшунга талаттириб, баъзи Фарғона аҳолисини очлик ўлумига суруклаган эди. Постқутскийнинг жинояти вақти-ла ошкор қилинган бўлса-да, у отуб ўлдурулуш ерига Мўсқвада

юқори даражали ўрунға эга бўлди ва яна бир неча йилдан сўнг Туркистонға қайтиб, Туркменистон Иқтисод Шўроси раиси бўлушға муваффақ бўлди» (журналнинг 4—5 бетлари).

Шу ерда мақолани тўхтатиб, шу мазмунга моҳиятан ёндош қиёс ва мулоҳазаларни айтиб ўтиш ўринлидир, деб ўйлайман. Тарихий манбааларга кўра, йиғирманчи йилларда Туркистонда умуман йиғирма миллиондан ортиқ туркистонли халқ яшаган. Биласизки, февралдаги (1917) давлат тўнтаришидан сўнг Туркистон ҳам чор мустамлакасидан қутулгандай бўлган. Аммо мустақиллик учун қадам отилган жойида, воқеаларнинг бориши аста-аста яна мустамлакага олиб борган. 1918—1924 йиллардаги Туркистоннинг бир қисмидаги Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси ҳудудида (бошкенти Тошкент) яшаган 5 миллион 250 минг кишининг 41,4 фоизи ўзбеклар эди; қолгани — 19,3 фоизи қозоқ, 10,8 фоизи қирғиз, 7,7 фоизи тожик, 4,7 фоизи туркман, 1,2 фоизи қорақалпоқ эди. Аҳолининг 85 фоизи қишлоқда яшарди (ЎзСЭ, 11-жилд, 367-368 бетлар, Тошкент—1978). Демак, ўша йиғирманчи йиллардаги қирғинларда ҳам асосан ўлдирилган, шаҳид бўлган қурбонлар бизнинг ўзбеклар бўлган (ахир умумий аҳолининг салкам ярми ўзбеклар эди-да). Яқин ўтмишдаги «пахта иши»да ҳам асосан ўзбеклар жабр кўрди. Аслида эса, чорлик замонидан бери ўтган мустамлака йилларида марказни қишлоқ хўжалиги маҳсулоти билан таъминлаган, ўша йиғирманчи йиллардан яна етмиш сана ўтиб ҳам аҳолисининг саксон фоизи қишлоқда яшаб, маҳсулот етказиб бераётган шу ўзбек халқидир. Бу меҳнатларнинг, уқубатли бағри кенгликнинг, ўзига душманлик келтирадиган дўстликнинг, бу фақат ўзбек халқига хос буюк сабрнинг икки дунёнинг бирида албатта мукофоти бордир. Аммо мен бу мулоҳазани бир қиёс учун келтирдим. Назаримда, чор генерал губернаторлари замонида ҳам, кейинги поскутскийлар ёки гайдановлар даврида мустамлакачиликнинг қиёфаси, моҳияти бир эди. Бугунда бир пайтлар Шарқни истило қилган оврополик маданий миллатлар — инглизлар ва французлар ўз мустамлакаларидан қандай маданий тарзда айрилган бўлсалар, русияликлар ҳам бир қатор асир миллатларга мустақиллик эълон этишлари ва ўз ҳур давлатларини қуриш йўлидан боришларига, назаримизда, хайрихоҳлик билдирди. Тарихнинг давоми қандай келажак — бу энди келажакка боғлиқ...

Яна «Ёш Туркистон»даги мақола мавзусига қайтайлик. Миллий ғоя қурбонлари ҳақидаги бу ачиқ ҳақиқатлар тўла мақола шундай яқунланган: «Қим билир, даҳо (яна — Т. Қ.) кўп туркистонликларни Саъдулланнинг, Шамсининг, Ашурхўжанинг, Худойназар, Мухторнинг ва Абдулшокурнинг қасоиси (тақдири, қисмати — Т. Қ.) кутуб турғондир. Локин Туркистонда Мўсква ҳокимиятини йиқитмоқ амали, Туркистон миллий истиқлол ғояси — ҳеч бир вақт ўлмаёжакдир. Бу ғоя зафар қозонажакдир. Бунга биз инонамиз. Бунга биз биламиз.

Туркистонлилар! Юртимиз устиндаги Мўсква диктатурасига қарши курашда қурбон тушган тувғонларимиз руҳи ҳузуринда бош эгингиз.

Махв ўлсун Мўсква қонли диктатураси!

Яшасин ҳур ва мустақил Туркистон!» (5-бет)

Журналдаги Темурўглининг «Туркистонда маъориф ишларининг бориши» мақоласида Туркманистон ва Қозоғистондаги саводсизликни тугатишдаги ишлар, мактаблар, ўқитиш ишлари ҳақида гап кетади. Муаллиф ўз мулоҳаза ва даъволарини «Туркменская искра»даги (1933 й. 1. 1) далилларга суяниб билдиради. Шундай ёзади: «Мана шу «Туркменская искра» ғозитаси ўзининг йилбеш пумурасинда (1. 1. 33). Туркманистондаги маориф соҳасиндаги ютуқларига қайтуб, шунларни ёздур: Туркманистонда 723 шаҳар, 3123 овул мактаби бўлуб, шаҳар мактабларинда 19921, овул мактабларинда 131420 ўқувчи бор эмиш. Ғозита саводсизликка қарши кураш масаласига кечиб, инқилобқа қадар Туркманистонда юзда 0,7 нисбатинда саводли бўлгонлигини, 1932 йили эса бу нисбатнинг юзда 43,3 га кўтарилганлигини ёзадир» (6-бет).

Муаллиф дейдики, матбуотда Туркманистондаги муаллимлар чаласавод экани этироф этилгани ва саводсизликка қарши курашилаётгани ҳолда, иккинчи беш йилликнинг биринчи йили ҳисобланган 1933 йилда саводсизликни тамоман тугатиш ва жумҳуриятни тўла саводли бир юртга айлантириш режаси олға сурилгани баён қилинади. Темурўгли бу ҳолатга шундай муносабат билдиради: «Демак, бу ҳисоб ила 15 йилда савод нисбатини юзда 43,3 (?)га кўтара билдигини иддао этувчи совет агитатураси 1933 йили қолгон юзда 56,7ни саводландиришқа отлангон бўладир» (7 бет). Мақоланинг давомида ҳам Қозоғистонда юзда 98 фоиз аҳоли саводсиз бўлгани, 1932 йилга келиб 65,5 фоизи саводли бўлгани, 4 миллион кишининг қолган 2 миллионини шу бир йил

ичида саводли қилиш ҳақидаги «Қазақистанская правда» (1933, 28, IV) да ёзилган гапларга муносабат билдиради.

Журналдаги «Шарқий Туркистон» (10—15 бетлар) мажмуанинг аввалги сонидagi шу бошлиқли мақоланинг давомидир. Мақоланинг маъмунидан қуйидагилар аёнлашилади: Яъқуббекнинг исёни Туркистон тарихининг энг порлоқ ва энг фожеотли даврларидан бири. Яъқуббек Ғозий деярли бутун Шарқий Туркистонни ўз ҳокимияти остида бирлаштиришга муваффақ бўлган эди. Аммо ички келишмовчилик, худди Ғарбий Туркистондаги каби бу ерларда ҳам миллий мафқуранинг шаклланмагани сабабли, у ўлдирилди. Бундан бошқа, Шарқий Туркистоннинг ташқарида ҳеч дўсти йўқ эди. Ёрдам бермоқ истаган Туркия ҳам анча узоқда эди. Султон Абдулазиз бир аскарний ҳайъат юборишдан бошқа бир иш қилолмади. Русия ҳам Ғарбий Туркистонда ўз маъқеани маҳкамлаш билан машғул бўлиб, Яъқуббекнинг муваффақиятларини қўрқибгина кузатиб турарди. Лекин шу замонда рус қўшини Ғулжани забт этди. Бу ҳам Шарқий Туркистонга, ҳам Хитойга қарши бир таҳдид эди. Бироқ, бир томондан Англия таъсири, бир тарафдан Ғарбий Туркистонда аҳволнинг оғирлашуви туфайли руслар Ғулжани хитойларга қайтариб беради. Бунинг эвазига руслар бутун Хитой чегараларида бергисиз (налогсиз) савдо қилиш ҳуқуқига эга бўлиб олади. Бу русларга бутун Туркистонга, Мўғулистонга, Манжурияга иқтисодий ва сиёсий таъсир этиш имконини берди. Русия эскидан Шарқий Туркистондаги Қошғарияни тадрижий забт этишга интилиб келарди. Ўтган асрдаёқ рус ҳукуматида «Қошғарияда Русия ҳимояси остида бир хонлик яратиш» ғояси бор эди. Ғарбий Сибир волийси (генерал губернатори) Гасфорт, агар биз бу ишни қилсак, Қошғарда туриб бошқа атрофдаги хонликларни ҳам бошқариб оламиз ва ўзимиз учун яна-да узоқларга йўл очамиз, деб ёзган. Муаллиф шундай дейди: «Шарқий Туркистонда рус сиёсати «ютуқлари»ни аёнлашмоқ учун Шарқий Туркистонни бир тарафдан Бритония Ҳиндистони ва бошқа томондан Ғарбий Туркистон ила боғлаётурган йўллар ила танишмоқнинг буюк аҳамияти бордир» (11—12 бетлар). Бу йўллар қуйидагилардир: бири — Ҳиндистонга борадиган учта йўл. Қошғардаги Қарғалиқдан Кашмирга борадиган темир йўл, узунлиги 735 км. Иккинчиси Хўтандан Кашмирдаги Лаҳгача, 850 км. узунликда. Учинчиси — Қарйадан Лаҳгача, узунлиги 990 км.

Ғарбий Туркистондан Шарқий Туркистонга олтига йўл бор.

1. Андижон — Қошғар йўли (Эргаштом узра), 554 км.
2. Пишпак — Қошғар йўли (Норин устидан), узунлиги 683 км.
3. Пишпак — Олмаота — Ғулжа (Хургус устидан), 854 км.
4. Симай — Чунчучак йўли, 640 км.
5. Зайсан — Сарсумба (шарсамба) йўли, 256 км.
6. Зайсан — Чунгучак йўли ҳам 256 км.

Бу йўллар расман савдо (қарвон) йўллариدير. Демак, бошқа йўллар ҳам бор. Бу йўллар жуда қулай ва йил бўйи очиқ йўллардир. Бундан бошқа Ғарбий ва Шарқий Туркистон орасида Или ва Қора Иртиш сув йўли ҳам бор. (12-бет).

Журналдаги «Шарқий Туркистонда кўтарилиш» (15—19 бетлар) мақоласида ўттизинчи йилларда хитойлик мустамлакачиларга қарши туркистонликларнинг исёнида, бу миллий озодлик курашида ўттиз беш минг киши қурбон берилгани айтилади.

«Руслиққа қарши Туркистон ёшлари» (20—25 бетлар) мақоласи мавзуси сарлавҳасидан ҳам кўриниб турибди; мустамлака зулмидаги туркистонликлар қандай маълум бўлгани, жисмоний оғирликлар қаторида маънавий зулмлар чеккани далиллар, қиёслар билан айтилади. Жумладан, эскидан рус мустамлакачилигига қарши руҳ ота-оналардан болаларга ирсий сифатда ўтиб келаётгани, ўқиш-ўқитиш ишларида ҳам бу ҳол мавжудлиги, масалан, 1927 йил ҳукумат шу хусусда «зиёли ва зиёнли масаласи»ни қўзғгани, оқибатда кўп зиёлилар, талабалар, ўқитувчилар сургун қилингани, отиб ўлдирилгани таъкидланади.

«Турк газитачилиғи» (33—36 бетлар) мақоласида 1910-йиллардан Туркистонда жадидчиларни қаттиқ таъқиб қилингани, 1911 йилда фақат биттагина «Қозоғистон» газетаси чиққани, 1912 йилда эса бутун Туркистонда иккита газета — бири «Бухоройи шариф», иккинчиси «Тужжор» нашр этилгани айтилади. «Бухоройи шариф»ни чиқарганлар бу газетага илова тарида «Турон»ни ҳам ҳафтада икки топқир нашр эта бошлаганлар. «Бухоройи шариф»ни форс тилида чиқаришганди, у фақат мадрасаларга, сўнгра Эрон ва Афғонистонга ҳам тарқаларди. Туркистондаги бу нашрни юзда тўқсон тўққиз халқ ўқимаётганини англаганлар. масалан, Истанбулдаги «Турк юрти» журналида бу нашрни ўз она тили — турк

тилида босилиши нистаги, орзуси ва дуосида бўлиниган бир мақола ҳам чиққан («Турк юрти», 1 жилд 12-сон, 376 бет, Истанбул—1328 ҳижрий). Шу муаммони ҳал қилароқ «Бухоройи шариф»нинг ноширлари унга илова тарзида «Турон»ни ташкил этдилар ва унинг ilk сониди шундай ёздилар: «Ойлардан бери нашрина муваффақ бўлдиғимиз «Бухоройи шариф» газитаси Туркистон маркази бўлгон Бухоро тупроғида кўп аҳолини бебаҳра буруқди (қолдирди — Т. Қ.). Тожиқ қондошларимиза фойда берган бўлса-да, ўзбек қондошларимиз махрум қолдилар. Қиёс булунурса, умум Туркистон аҳолисининг юзди бириси-да форс тилини билмас экан» (35—36 бетлар).

Бу икки газета Туркистонда энг кўп тарқалган, кўп ўқилган, иқтисод, маданият, диний-тарихий билгилар берган нашрдир. Иккаласи ҳам 1913 йил бошидан тўхтатилган.

Тарихдан маълумки, 1870-йилларда русларнинг юздан саксон қишлоқда яшарди, шундан юз йил ўтиб, эски чорлик Русияси ва кейинги совет мустамлакачилик сиёсати натижасида асосий рус аҳолисининг юзди саксон фозиси шаҳарларда яшай бошлади; рус қишлоқлари бўшаб қолиб, бу улар учун огир муаммолар турдирган эса-да, умуман олганда бу улар учун катта ривожланиш бўлди. Чунки рус миллати умумий ҳисобда юзди саксон шаҳарларда яшайдиган, зиёли, ишчи, дунёдан хабардор бир миллатга айланди. Бунинг қаршилигида, масалан, ўзбекларнинг юзди саксон қишлоқда яшайдиган, асосий машғулоти ва вазифаси пахта экиш, кетмон кўтариш бўлиб қолди. Бу нисбатни — мустамлака юртлардаги юрт эгаларининг асосий қисми қишлоқда қолиб кетганини бошқа барча жумҳуриятларда — Қозоғистон, Туркменистон, Қирғизистон, Тожикистонда кўришимиз мумкин. 1989 йилги расмий аҳоли рўйхатиға кўра, Қозоғистондаги жами 16.464 минг кишининг 6.385 мингтаси қозоқ, 6.229 мингтаси рус, 958 минг немис, 896 минг украин ва бошқа миллатлардир. Ўзбекистонда ҳам шу 1989 йилги ҳисобға кўра жами 19 миллион 810 минг кишининг 14 миллион 142 мингтаси ўзбек, қолгани бошқа миллатлардир. Аҳолининг бундай нисбати ҳақида, шубҳасиз, ўзимизча маълум тушунчаға эгамиз. Хўш, бунинг асослари, бу нисбатнинг моҳияти ҳақида Мустафо Чўқайнинг «Еш Туркистон» журналида нималар дейилган — энди диққатни шунға қаратмоқчимиз.

«Еш Туркистон»нинг 1934 йилги 53-сонида¹ «Русия муҳожирот сиёсатини бир қуш боқини» номли мақола берилган, муаллифи — «Еш туркистонли». Унинг ёзишича, Олмонияда Шарқий Оврупоини ўрғанувчи «Шарқий Оврупо» деган катта бир жамият тузилган, шу номда бир неча дорилфунунлар, институтлар ишлаб турган. Уларни Олмон давлати ва бой олмон саноатчилар моддан қувватлантириб, доимо ёрдам берган. Уларнинг кундалик, ҳафталик, ойлик наشرлари, китоб наشريётлари бор. Бу жамиятга мансуб олимлар Шарқий Овруподаги барча давлатлар, хусусан, Русия тарихи, сиёсати, маданияти, иқтисодига оид қимматли асарларни жуда кўп чиқарган. Шулардан бири Герхард вун Менденнинг 127 саҳифалик «Совет Иттифоқидаги қўлўнзаспўни ўрганиш»² деб аталган асардир. Бу китоб Русиянинг аввалги ва кейинги даврларда ўз мустамлакаларига русларни кўчириб келтириш сиёсатини тадқиқ этиши билан жуда муҳимдир. Муаллиф бу асарни ёзarkan, рус манбааларидан, ўзи мансуб Бреслав Шарқий Оврупо институтидаги материаллардан унумли фойдаланган.

Менде китобининг биринчи бобида биринчи жаҳон урушидан олдинги Русиядаги кўчишлар ҳақида билгилар берган. Иккинчи бобда эса, урушдан кейинги йиллар, ҳарбий коммунизм ва янги иқтисодий сиёсат давридаги кўчишлар ўрганилган ва шу тарзда бобма-боб рус мужигининг қандай мақсад ва қандай сиёсатлар натижасида Русиянинг қўли остидаги мустамлака ерларга тарқалгани кўрсатилган.

Менде китобининг тўққизинчи бобида шундай ёзади: «Ички Русия қишлоқларининг рус давлатининг чет вилоятларига тараф асрий муҳожирот шаклиндаги кўчилов оқини ўн тўққизинчи асрда бошланмишдир. Бу муҳожиротнинг асл сабаби ер, тупроққа бўлган очлиқ эди. Русияда 1861 йили қўлликнинг йўқотилиши (яъни бу кунги ички Русияда жорий рус қишлоқларини қўл сифатинда олиш-сотиш одатининг ўртадан қолдирилиши) илк дафъа ўлароқ рус қишлоқларининг атрофа оқмаси учун тўлуқ йўл очди. Ўтган асрнинг саксонинчи йилигача муҳожирларнинг мақсади Вўлга вилояти ила шимолий Қўфқос чўллари эдики, бу ерлар муҳожирларнинг юзда саксонини олмақда эди. ...муҳожир оқини бора-бора ўрolni

¹ «ياش تورکستان»، سانى ۵۳، آپریل-نيسان

² Gerhard von Mende, "Studien zur Kolonisation in der Sove-tunion" Breslav — 1933.

ошиб, Сибирияга, Қирғиз далаларина, Туркистонга ва Узоқ Шарққа тараф оқа бошламишдир. Сибирия 1880-йилга қадар муҳожирлар ўчоғиндан зиёда мужримлар¹ учун бир сургун ери бўлиб келган эди. 1801 дан 1880 йилга қадар Сибирияга бариси 670000 бўлгон мужрим ва сиёсий маҳбусга қарши ёлғиз 398000 муҳожир қишлоқи келтирилган эди. Мутабоқиб саналарда сургун қилингонларнинг саноғи муҳожирларга қарағонда бир оз озаймишдир. 1901 ила 1910 йиллар орасинда 2.257.000 муҳожирга қарши анижақ 25.000 сургун кўрунадир. Сибирие 1896 йилдан эътиборан бир «даҳшат ўлкаси» ҳолиндан чиқиб, бир «арзи мавъуд»га айланди» деб ёзади Герҳард вўя Менде.

«Ёш Туркистон»дағи мақола муаллифи Менде китоби ҳақида фикр юритиб, унинг рус мужикларининг кўчирилиши ерга бўлган очлик, деган тушунчаси унча тўғри эмаслигини таъкидлайди. Бу кўчишларнинг асли сабаби нимада эди, нималар туфайли пайдо бўлди, деган саволга жавоб берайлик, дейди. Ва шундай ёзади: «Маълумки, рус мужиклари «ерга сувсаб», «помешчик» аталгон ер эгаларига қарши асрлар бўйунча исёнлар қилгонлар. Рус мўнорхиейи ҳадди зотинда оқсуяклар режими эди. Чор биринчи Николай ўзини «Русиянинг биринчи пўмашчиги» деб атагон эди. Бутун Русия давлати 130 минг оқсуякнинг ҳоқимияти остида эди. Бўнлар Рус чорлиғи тахтига садоқат-ла хизмат этардилар. Рус чори-да уларнинг манфаатини, бошлича ерларини кўрумоқ мажбуриятинда эди. Русияда кенг ерларга эга бўлгон алповутларнинг ўз ўрмон, тўқайларидан қишлоқиларнинг ерга тушуб ётқон чўпларни тўплашларига рухсат этмаганликлари бир тарафда турсун, ҳатто ўнлар қишлоқиларнинг сиғирбузовларини ўрмоннинг бир четидан ҳайдаб ўтишларига ҳам мусоада этмаслар эди. Мужиклар ерсизликдан товўқларини-да боғлаб қўймоқ мажбуриятинда эдилар. Мана бундай ҳоллар рус алповутларига қарши рус қишлоқиларининг душманлиғини кун сайин орттирди. Мужиклар алповутларнинг ерларига кўз тика бошладилар. Бу ҳол муҳожирот сиёсатини чиқарди» дейди мақола муаллифи. («Ёш Туркистон», 14—15 бетлар, № 53, 1934).

Менденнинг гагидан кўра бу ҳақиқатга яқинроқ, бизнингча ҳам. Муаллифнинг журналдағи кейинги фикрлари эса бу мавзунини янада терапроқ англалади. Унда таъкид-

1. Sträflinge, مجرم — мужрим, жиноятчи маъвосида.

ланишича, Русия давлатининг мужикларни кўчириш сиёсатидан тўтган икки мақсади бўлган: бири — мужикларни кўчириш билан улар душман бўлиб қолган ер эгалари ва оқсуякларнинг мулкани қўримоқ, жанжалдан қутулмоқ; иккинчиси — ўша ялангоёқ мужикларни ғайрирус миллатларнинг тупроқларига ерлаштириб, у ўлкаларда рус давлатининг мужиклардан иборат соқчиларини яратмоқ. «Рус давлати айниқса бизнинг Туркистонда шу иккинчи мақсадига тезрак эришмакни кўп истар эди. Ички Русия Олмониядан бир неча дафъа буюк бўлгани ҳолда, аҳолиси тахминан бир 1/4 топқир ортиқ эди. Демак ички Русия ерга бой эди. Муҳожирот сиёсати рус қишлоқларига ер бўлмагонлиқдан эмас, балки рус аловутларининг ерларини мужикларга бермасдан, мужикларни ички Русиядан чиқариб, ғайрирус ўлкаларга тарқатиб, уларни Рус давлатининг соқчиси қилиб қўймоқ тилганидан келиб чиқмишдир» дейди муаллиф.

Бу мақола ҳақидаги фикрларни шу ўринда бир оа тўхтатиб, ўша замонларда Русияда қанча аҳоли бўлгани, ишғол қилинган Туркистонда инсонлар нуфуси, таркиби қандай эди, шунга бир назар солсак. Хижрий 1293, мелодий 1876 йилда, ҳаж мавсумида Туркистонли ҳожиларга турли мазмундаги варақалар, рисоалар тарқатилган. Шулардан бири «Туркистонга насиҳат» дейилади. Бу рисола матни 1877 йилда туркча «Басират»¹ (26 нисан, № 2075) газетасида, сўнгра 1988 йилда Истанбулдаги «Туркистон» журналинда (№ 4, 19—20 бетлар, Солиҳ Ойнурали тайёрлаган)² босилган. Унда айтилишича, ўша пайтда Русия аҳолиси 45 миллион эди, шундан 6 миллиони лахлар эди, улар билан руслар ўт-сувдай душман эди. Яна 5 миллиони исвежликлар (шведлар — Т. Қ.) эди, улар урушда руслар қўли остига кириб, ҳамон зулм чекмоқда бўлган, золимларига қарши нуфус эди. 4 миллион олмонлар ҳам бор эди, улар рус-олмон урушидан кейин руслар қўлига ўтган эди, бу олмонлар ҳар доим Олмония давлати ичиде яшашни истаган бир аҳоли таркиби эди. Хуллас, ўшанда Русияда унга садоқати маълум бўлган холис 15 миллион нуфус бор эди. Туркистонда ҳам 15 миллион нуфус бор эди.

Демак, ўша пайтдаги Русия империясининг умумий 45 миллион аҳолисининг 15 миллиони туркистонликлар,

¹ «بصيرت» ۱۲۹۳ھ. ۲۶ نيسان

2. "Türkistan", ۵ç aylık ilmi, ekon.mik, kültürel dergi, Istanbul.

15 миллиони руслар ва 6 миллиони лахлар, 5 миллиони шведлар, 4 миллиони олмонлар экан. Хўш, тарихда буюк давлатлар қурган, уч қитъада ҳукмронлигини ўрнатган туркларнинг Туркистонда шу 1850 йилларда яшаган наслари нечун мағлуб бўлди? Бу саволга рисолада битта жавоб берилади: нуфуси тенг бўла туриб, хонлари, давлат бошчилари бир-бирини қувватламагани учун, бир-бирига душманлик кайфиятида бўлгани учун Туркистон истило қилинди.

Албатта, Туркистоннинг мағлуб ўлароқ парчаланиб, русларга ва чинларга мустамлака бўлиб қолувининг бошқа сабаблари ҳам бор, аммо бу алоҳида мавзу. Биз яна «Ёш Туркистон»даги мавзуга — мужикларнинг ўлкаларга кўчирилиши мавзусига қайтамыз.

Ҳақиқатан ҳам, ички Русиядан мужикларни мустамлака ўлкаларига кўчиришдан қутилган мақсад — уларни давлатнинг соқчиси қилиш экани кўп ҳодисалар жараёнида янада ўзини кўрсатди. Мақола муаллифи таъкидлаганидек, 1917 йилда ички Русияда давлат тўнтариши бўлганда, барча яланғоқ-мужиклар давлатни тўнтарган исёнчиларга қўшилиб, инқилобчи-ўзгаришчи бўлиб кетган. Аммо Туркистонга келтирилган мужиклар эса, бу тўнтаришни, «Чор ҳукуматининг йиқилишини ўзлари учун энг буюк бахтсизлик деб билдилар, — деб таъкидлайди муаллиф. — Хулоса: рус муҳожирот сиёсатини ерсизлик эмас, сиёсий мақсадлар туғурмишдир.»

«Ёш Туркистон»да ёзилишича, олмон олими Менде ўзининг китобида рус давлати ана шу сиёсатни амалга ошириш учун қанча-қанча олтин сарфлаганини рақамлар билан тушунтириб берган. Масалан, чор Русияси 1896—1906 йилларда мужикларнинг чет ўлкаларга кўчирилиши учун 2,5—3 миллион миқдорда олтин сўм сарф этган. 1907 йилга келиб бу миқдор 13 миллион олтин сўмга етган. 1912 йилда эса бу миқдор 26 миллион 481 минг олтин сўмни ташкил этган. Русия ҳукумати мужикларни Туркистонга, Қоғқозга кўчирилиши жуда муҳимлигини таъкидлаб, бу ажратилган, мужикларга ерлашиш учун қарз сифатида берилган пулларнинг ярмини кечганини ҳам таъкидлайди муаллиф.

Шундай қилиб, 1896—1916 йилларда Овруподаги рус ерларидан уларнинг Осиёдаги эгаллаган, босиб олган ерларига 3 миллион 623 минг қишлоқчи рус мужиги кўчириб келтирилди. Бунинг ярмидан кўпи украинлардир (58, 35 фоизи). Биринчи жаҳон уруши бошланганда кўчиш озроқ бўлган, 1914 йилда 42214, 1918 йилда 280000

кўчкинчи бўлган. Кейин кўчирилган 500000 мужикнинг 53,5 фоизи Туркистонга келтирилган. Туркистонга келтирилганларнинг асосий, яъни 50,8 фоизи Қозоқ тупроқларига жойлаштирилган. («Еш Туркистон»нинг 12—18 бетлари). Демак, йигирманчи йилларгача бўлган кўчириш сиёсати ўз мақсадига эришган. Ўша кўчириб келтирилган ва ундан кейин советлар даврида «мутахассис» деб юборилган ва Туркистон тупроқларида жойлашиб, бугунгача кўпайган овруполиклар тарихини ўрганишда бу далиллар муҳим, албатта. Бугунда Қозоғистонда ерли қозоқлардан кўра бошқа миллатларнинг кўпчилигини ташкил қилиши ана шу мустамлакачилик сиёсати оқибатидир.

Бу — бир томондан қараганда кўринадиган нуқта. Аммо мустамлака қилинган юртга ҳар бир ғолиб-мустамлакачи ўз аҳолисини ёки ўзига содиқ тўдаларни кўчириб келтирган. Бу ишни тарихда араблар ҳам (араблар ва форсларни кўчириб келтириб) муваффақият билан бажарган. Бизнинг император боболаримиз ҳам дунёнинг тўрт тарафига муваффақият билан юришлар ва кўчиришлар қилганлар. Дунёнинг ҳаёти шундай бўлиб келган. Фақат буни тарихан тўғри ўрганиш, тўғри ўргатиш, тўғри хулоса чиқариш, шунга қараб ўз ҳаётини қура билиш керак.

Шу нуқтаи назардан қаралса, мен юқорида келтирган далиллар (баъзи кимсалар талқин этмакчидай «экстремизм» эмас, дунёнинг исталган давлатида қабулланган тарих, тарихни ўрганишдир холос), билгилар, менимча, бугунда ерли аҳолига ҳам, тарихда кўчириб келтирилганларга ҳам фойдалидир. Қай шаклда фойдали? Биринчидан, ерли аҳоли бу тарихни ўқиб, англаб, ўзларини асрлаб эзган зolimларнинг наслларига ошиғич душманлик кўзи билан қарашдан ўзларини тийишни ўрганадилар, бу мустамлакачи давлат сиёсати эканини, мустақил давлатда бу зулмларга чек қўйилиши мумкинлигини тушунадилар. Зотан, бугунда ўнлаб мустақил жумҳуриятлар тузилгани, уларнинг ўз миллий байроғи, қонунлари, тупроқларида ўз она тиллари давлат тили экани ҳам бу мавзуни янада ёрқинроқ англата олади. Энди, хўш, эски мустамлакаларга мажбуран кўчириб келтирилганларнинг бугунги наслларига қай шаклда бу ёзуваримиз фойдали — буни очиқдай. Чор Русияси ва советлар даврида ҳар бир кўчириб келтирилган инсон ерли аҳолига бир қул, ўзининг хизматкори, ўздан паст, ҳуқуқсиз аҳоли деб қарарди ва бунда тўла ҳақ-ҳуқуққа, имконият-

га эга эди. Бу дунёқараш ҳозиргача ўз кўлкасини уларнинг онгидан олгани йўқ, зотан бу бир-икки йилда амалга ошадиган ўзгариш эмас. Аммо бу ҳол ҳам уларнинг эндиликда-да ўзларини аввалгидай тутишга ҳақ бермайдик, низолар чиқарадик, буни ҳам тушунмоқ керак. Хуллас, эски мустамлака ерларига тарқаган, бугунда мутлақо мустақил давлатларда яшаётган кўчириб келтирилганларнинг авлодлари энди ўзлари яшаётган тупроқлари ҳурмати, шу давлат одамлари билан тенг эканликларини, улардан ортиқ эмасликларини, шу давлат қонунлари ичида, шу давлат инсонлари ичида дўстларча яшаш мажбуриятида эканликларини англашлари учун бу тарихий тушунтиришларимиз фойда беражак. Улар бу тупроқларда ҳукмрон эмас, балки қачондир бир ҳовуч рус оқсуяклари манфаати учун қул (крепостной) қилинган, эзилган, ҳуқуқлари топталган, ваҳшийларча она юртларидан ҳайдаб-кўчирилганларнинг, икки империянинг ихтиёрсиз «соқчилари»га айланган бир авлодларнинг насллари эканликларини англаяжаклар, бунга кўра ўзларини тутажаклар. Лекин, шуни ҳам таъкидлашни истардимки, бу мавзунинг ёритишдан мақсад — кимларгадир йўл кўрсатиш эмас, бундай валломатлик даввосидан узоқдамиз, ниятимиз битта: тарихий ҳақиқатни ўрганиш.

Маълумки, Мустафо Чўқай «Еш Туркистон» бош муҳаррири сифатида ҳам, бир тарихчи, сиёсатчи сифатида ҳам кўп ишлар қилган. Овруподаги барча тилларда унинг мақолалари, китоблари босилиб турган, шунингдек, у журналнинг ҳар бир сонида ўз асарлари билан қатнашган. Биз шу ўринда унинг «Еш Туркистон»да босилган «Байналмилал совет бўйунбоғи ва совет чўчқалари» (1934 йил, № 53, 8—12 бетлар)¹ мақоласи хусусида фикр юритмоқчимиз.

Мустафо Чўқайнинг бу мақолани ёзишига, менимча, Туркистонда юритилаётган совет мустамлакачилик сиёсати, ерли миллат вакилларининг арзимаган, бўҳтонли сабаблар билан қамаш, осий, сургун қилиш ҳодисалари ундаган. Яна шу журналда босилган, «Туркистон хабарлари» туркумида берилган мактублардаги воқеалар ҳам Чўқайни бу мавзуда ёзишга чорлагандир, деб ўйлайман. Туркменистондан борган хатда шундай ёзилган: «Туркменистондан хабар десам, вайрончиликдан ва зўрликдан

¹ مصطفى. «بين الملل ساويت بويون باغى وه ساوين چوچقالارى»، «ياش توركستان»، سانى ۵۳ آپريل

бошқа шодланарлиқ ҳеч бир нарса йўқдир. Сизнинг таниганларингиздан Кумуш Али Бўри ўғлу, Оқмурод Ўроз ўғлу, Қарача Бурун ўғлу, Мулла Берди Кербоба ўғлу, Саидмурод Авазбой ўғлу, Хўжакелиди Хўжамурод ўғлу, Қақажон, ...Амирхожи ўғуллари, Ойтоқуфнинг (Ойтоғ исми бўлса керак — Т. Қ.) ўрунбосари Назаруфни, улардан бошқа-да сизнинг танимагонларингиздан мишларча одамларни уйиндан, молиндан айириб, сургун қилиб,... Бу сургун бўлгонлардан Назар ўғлу, Кербоба ўғлу, Эшон ўғлу вафот этиб, миллат шоири Қарача Бурун ўғлу дали бўлуб қолди. Дехқон ва чорва халқининг аҳволлари бўлса, у ҳам шундан иборатдирки, уларга бажарилиши имкон хорижинда галла, сут, ёғ пилонлари топшуруб, бу пилонларни битира олмагонларни ҳукуматга қарши ишлаганлар (туркчил, миллатчи) қаторинда айблаб, молларини, галлаларини ва уй асбобларини тортиб олиб, ўзларини юртдан қувуб юбордилар.

Шу зolimларга чидам кетиролмасдан, миллат қутулув мақсади ила Эронга, Афғонистонга, алғараз жой топқон ерлариға молларини ва кўписи бола-чақаларини-да ташлаб, қочиб кетмақдадир» дейлади мактубда (Еш Туркистон», 1-бет, № 53, 1934).

Мустафо Чўқай ўзининг «Байналмилал совет бўйунбоги ва совет чўчқалари» мақоласида юқоридаги Туркманистондан борган мактубдаги мавзунни кенг тадқиқ этади. «Бўйунбоғ Оврупо кийимига оид бир калимадир. Бу ерда баҳс этилмакчи бўлгон бу бўйунбоғ эмас, «сиёсий бўйунбоғ»дир» деб асосий мақсадини англатади муаллиф. Сўнгра М. Чўқай Русия тарихида «Исталипин бўйунбоги» («сталипинский галстук») машҳур бўлгани, чор ҳукумати бош министри Столипин даври (1906—1911) да жуда кўп кишилар осиб ўлдирилганидан бу ибора келиб чиққанини таъкидлайди. Ҳақиқатан ҳам, агар тарихга кўз ташласак, П. А. Столипин ислоҳоти туфайли ерни сотиш ва сотиб олиш бошлангач, рус мужиклари янада чет ўлкаларга тарқалиб кетди, асосий ерлар қулоқлар қўлига ўтиб қолди, натижада, 1911 йилда Русияда рўй берган очарчиликдан ўттиз миллион қишлоқ аҳолиси жабр чекди, уйи, хонадони вайрон бўлди.

М. Чўқай у даврлар ўтганини, эндиликда-да у ибора қолганини, фақат рангини қорадан қизилга ўзгартирганини таъкидлаб, у «байналмилал совет бўйунбогига айланди» дейди. Ва шундай ёзади: «Бу бўйунбоғни қўлланиш соҳаси-да, йўллари-да ўзгартирилган: «байналмилал

совет бўйунбоғи» ортиқ турклик ва Туркистонда турк тили бўйнига боғлапатурғон бўлди».

М. Чўқайнинг 1934 йилда ёзган бу сўзларини 1990 йилларгача «туҳмат» тарзида қабул ва талқин қилингани сир эмас. Аммо мустамлакачилик занжирлари узилиб, мустақиллик эълонидак кейин, масалан, Ўзбекистонда давлат тили ўзбек тили бўлуви ва қонунлар чиққани Чўқайнинг гапи ҳақиқат эканининг исботидир. Энди шу сиёсий бўйинбоғ миллатимиз бўйнига қандай боғланганини муаллиф қай шаклда проҳ этганига диққат қилайлик.

М. Чўқайнинг ёзишича, «жиноятчи» деб жазолантирилган, сургун қилинган Қумушали Бўрибой ўғли ҳақида Туркманистонда ўтказилган олтинчи қурултойда сўзламаган бирорта масъул фирқа аъзоси қолмаган. Унинг «жиноятчи, хиёнатчи», фирқа иккинчи котиби Уйлик ўғли Чорининг айтишича, Қумушали Бўрибой ўғли халқ тилига киришиб кетган «пальто» сўзини «усткийим» ва «галстук» сўзини «бўйунбоғ» тарзида, яъни (айнан келтираман — Т. Қ.) «туркманларга ҳеч эшитилмаган, турк қулоғига ёбончи сўзларни қўлламоқчи бўлғон»...

Бу фирқачи туркман Уйлик ўғли Чори сўзини давом эттириб, яна шундай деган: «Биз тил ва илмий атама соҳаларинда ерли (турк) миллатчилигининг қуроллануб, халқ китласига англашилтурғон байналмилаал атамаларни чиқариб қўйуб, у (ерли) тилни англамайтурғон туркчилик (пантуркистлик) атама ва сўзлар ила булғовчиларга қарши курашамиз» («Туркменская искра», 21, 01, 1934).

Мустафо Чўқай бу ҳодиса ҳақида газетада ўқиб, уч ой ичида бунга жавобан ушбу мақоласини ёзган ва туркман фирқачисига шундай муносабат билдирган: «Демак, палтў, галстук каби аслида рус сўзлари бўлмай, руслашғон сўзлар Туркистон турклари учун англашилларлиқ ва турк тилини бойитарлиқ сўзлар бўлуб тониладур-да, «усткийим», «бўйунбоғ»дек турк сўзлари Туркистон турк китласига ҳеч англашилмайтурғон, турк тилини бузатурғон ва булғайтурғон сўзлар қаторига киргизиладир» дея Чорининг мантиқсиз, бўҳтончилик ва хончиликдан, ўз миллатини сотувчиликдан иборат фикрини, ишини фош этади. Худди шундай «айб»лар билан нафақат Туркистонда, балки эски Совет Иттифоқдаги мустамлакаларда миллион-миллион инсон қирилиб кетди. У замонда бир киши овозини чиқариб бунини дунёга билдиролмаган, бунга имкони бўлмаган. Шундай бир аҳволда Мустафо

Чўқайнинг советларнинг бу «байналмилал бўйинбоғи» ҳақида Овруроода туриб ёзиши, дунёга бу ҳақсиз зулмни билдируви қаҳрамонлик, муҳожир бир ватанчига ҳосил эди, албатта. Мустафо Чўқай бу хусусдаги фикрини шундай яқунлайди: «Биз Истолипиннинг қора бўйинбоғи советлашиб, қизилга бўянуб, турклик ва Туркистонда турк тили бўйнига боғланди, дея биламиз ва бундай дейишга ҳақлимиз».

Шарқда кенг тарқалган Шайх Санъон ҳақидаги дostonлардан яхши биламизки, бир комил мусулмон бўлган машҳур Санъон бир насроний гўзалга ошиқ бўлиб, ишқ туфайли ақлидан озиб, у насроний гўзалнинг чўчкабоқари бўлув даражасига, чўчкаларнинг ахлати ичида гўнг босиб ётиш тубанлигига қадар тушади. Аммо бу ошиқлик сабабли рўй беради. Бу дostonларда кўрсатилган ҳодисанинг ташқи томони, холос; маълумки, шарқ адабиётида зоҳирий ва ботиний маънолар бўлади. Майли, Шайх Санъон-ку, ошиқлик туфайли насроний гўзалнинг чўчкаларини боқди, аммо совет даврида мусулмон туркистонликлар нима учун чўчка боқдилар, деган саволга қандай жавоб берамиз? Боқмадик, дейолмаймиз, чунки бугунда ҳам чўчкачиликда ишлаган ва ишлаб турган юртдошларимиз бор. Бир замонлар Сталин — бутун репрессиялар ва қатлиомлар отаси бўлган буюк жаллод Сталин ҳам ҳатто мусулмонларга чўчка боқтирмаслик керак, деган фикрини айтгани ҳолда, нечун биз чўчка боқдик? Жавоб битта: бу ишни севганимиз, шунга муҳтожлигимиз учун эмас, мутлақо, фақат мажбур қилинганимиз учун чўчка боқдик. Мустафо Чўқай мақоласининг давомида шу мавзунини мисоллар билан талқиқ этадики, шунга назар ташлайлик.

«Турк тили бўйнига осилган «байналмилал совет бўйинбоғи» Туркистонда рус пролетариат диктатурасининг «миллий ҳирс» соҳасиндаги энг буюк ютуғи бўлса, бу диктатуранинг Туркистон «миллий иқтисод» соҳасиндаги ютуқлари-дабундан «ёмон» эмасдир. Туркистондаги миллий иқтисод» ютуқларини биз сўнггу миллий коммунист фирқа қурултойлари мазбуталариндан ўрганган эдик («Ёш Туркистон»нинг 52-сонига боқилсин). Эмди яна шу ютуқлар тўғрисида Ўзбек коммунист фирқаси бош котиби Икром ўғли Акмал Тошкенда тўплаган зироатчилар қурултойинда тағин бир дафъа порлоқ бир нутқ сўйлаган. Сўзни Акмалнинг ўзига ўтказайлик: «Жалолқудуқ райўнида, Сўфиқишлоқ номли бир ўзбек қўлхўзида мев

ўттизгача чўчқа кўрдим. Бир кампир кўлхўзчи хотиндан сўрадим:

- Сизлар чўчқа гўшти ея бошладингизларми?
- Худо сақласин... Биз чўчқа гўшти емаймиз...
- Бўлмаса нима учун бунча чўчқа боқдингиз?
- Буни ҳукуматга берамиз. Биз чўчқаларни гўшт

солиғи ҳисобиға топширамиз...

(«Қизил Ўзбекистон», 23. 02. 1934. «Правда востока», 24. 02. 1934.)

Тингловчилар Акмалнинг пуққини кўп кулгулар ила қаршилагонлар. Акмал ботирнинг ўзи-да шодланиб кулган. Локин чўчқа боқишға мажбур бўлгон ўзбек кампири ила қишлоқларинда чўчқалар қурсуллаб юрган Туркистон турклари-да кулуб юрарларми?

Солиғини тўлаш учун чорасизликдан чўчқа боқишға мажбур бўлгон Туркистон туркларининг шу ҳукуматдан, унинг миллий иқтисод ва сиёсатиндан мамнун эканликларини ким сўйлай олсун?

Исталин бир вақтлар миллий ишлар қўмиссари экан (И. В. Сталин 1917—1922 йилларда Миллий ишлар Халқ комиссари бўлган — Т. Қ.), Туркистон қозоқ турклариндан давлат солиғи учун чўчқа талаб этган бўлшавик маъмурларини койиб, «қозоқлар мусулмон бўлгонлиқлариндан чўчқа асрамайдирлар. Буни унутмаслик керак. Улардан чўчқа талаб этиш аҳмоқлиқ» деган эди. Ҳолбуки, совет диктатурасининг бошиға Исталиннинг ўзи ўтириб олгондан сўнг юзаға чиқарилгон «қўлхўз» ҳаракати натижасинда у вақтги «аҳмоқлиқ» ортиқ давлат қозончи, «Туркистон миллий иқтисод ютуғи» танилиб, қувончлар, кулгулар ила қаршиланмоқдадир...

Муҳаррирларимиздан дўқтур Тоҳир Бек «Еш Туркистон»нинг ушбу сониндағи бир мақоласинда Туркистонни нечун совет Русиясининг «қизил мустамлакаси» деб атаётурғонимизни англатуб турубдир (муаллиф бу ерда ўзи билан журнални чиқарган сафдоши доктор Тоҳир Шокир — Чиғатойнинг шу журналнинг 4—8 бетларида босилган «Қизил мустамлака» мақоласини эслатмоқда — Т. Қ.). Туркистон туркларининг миллий менлигини (бўйунбоғ ила чўчқаларни эслангизлар) совет Русияси умуман руслиқ манфаатина қурбон қилиб тургон бир сиёсат, мустамлака сиёсати дебгина аталур. Чунки Ленин ила Исталиннинг-да дедикларинча «Бир миллатнинг миллий ҳирси, миллий иқтисоди манфаати бошқа кучли бир давлатнинг фойдаси учун қурбон этилса, унга мустамлакачилик дейиладир» деган; Ленин — Исталиннинг бутун

дунёча маълум назарияларига кўра-да Туркистон совет Русиясининг бир мустамлакасидир. Шунингчундирки, турк тили, турк миллий ҳирси бўйнига «совет бўйунбоғи» отилмоқда; шунингчундирки, Туркистон турклари рус пролетариат диктатурасини қониқтирмоқ учун чўчка боқишга мажбурдирлар... («Ёш Туркистон», 10—12 бетлар, № 53, 1934).

Мустафо Чўқайнинг бундан олтимиш йил аввал Парижда ўтириб ёзган ва Берлиндаги журналда дунёга тарқалган бу мақоласида кўтарилган мавзу — эски чор Русияси ва совет мустамлакачилик сиёсатини тадқиқ этиши билан бугунда ҳам муҳимдир. У замонларда мустамлака зулмини чеккан халқимиз бугунда мустақил давлат ҳолида, эркин миллат бўлиб яшай бошладики, энди чўчка боқмас, бу каби ҳақоратли ишларга мажбур қилинмас. Зотан, қошига яраша сопи, деган отасўзи бор. Аслида, менимча, мустамлака бўлиб қолувимизга ўзимиз сабабчи бўлганмиз. Ақл бирлан қул бўлур озод, дейди Дехлавий. Онгимизни, миллий шууримизни, миллий бирлигимизни кучайтириб борибгина мустаҳкам миллатга, кучли давлатга айланишимиз мумкин. Бу йўлда тарихни — тўғри, ҳақиқий тарихни ўрганиш ҳам муҳимдир. Атайин бу мавзуларга диққат қилишимизнинг сабаби ҳам бу — асрий зулм тоғлари остидан эндигина бошини, гавдасини суғуриб қутқармоққа бошлаган, қаддини кўтариб, дунёга эркин бир мамлакат каби кўрина бошлаган юртимиз қалбига билим қувватини бериш истаги, орзуси.

Бугунда Ўзбекистонда юздан ортиқ миллат яшайди. Тошкентда бир юз ўттиздан ортиқ миллат вакили бор, дея хабар берилди бир газетادا. Шунинг унутмаслик керакки, мустамлака ҳаёти миллатларни бир-бирига душманлик, ишончсизлик, ёлгон «байналмилаллик» руҳида «тарбиялади». Шовинистик гуруҳлар ҳамон шундоғам юз йиллаб эзилган миллатларни яна бир-бири билан уруштириб қўйиб, бундан ўз манфаати йўлида фойдаланиш учун ҳар дам фитнага ҳозир. Бу балолардан сақланиш учун ҳам халқимиз асл тарихдан, ўз ҳуқуқларидан демократик жамият қонунларидан қанча тез воқиф бўлса, шунча яхшидир.

«Ёш Туркистон»нинг 1934 йилги 52-сонида ҳам кўп қимматли мақолалар бор. Биринчи бетда «Мунаввар Қори дўст ва чет матбуотда» деган хабар берилган. Унда шундай ёзилган «Амал» мажмуасининг учинчи сонида «Туркистоннинг янги қурбонлари» бошлиғи-ла Мунаввар Қори, Салимхон Тиллахон ва Тўлаган домлаларда ата-

диги бир мақоласинда азжумла шундай ўқийдуруз: «...Туркистондаги хўжалик (хўжа-профессор маъносиди — Т. Қ.) муддати асосинда доимо талабаларини миллатчилик, ватанпарварлик дуйғулари-ла бослайуб етишдиран Мунаввар, сўнг замонларда бўлшавикларнинг доимий суратда ҳаракатини қўнтрул олгинда тутдуқларини билийур ва одимларини чўқ эҳтётли отпийурди. Бунга рағман, маоласаф бу қийматли миллатпарвар-да бўлшавик қиличина қурбон кетди. Кандиси-ла баробар (у билан бирга — Т. Қ.) ўлдурулан Салимхон Тиллахон ва Тўлаган домла-да Туркистонда танинмиш шахсиятлардандир. Салимхон миллиятчилиги, фарогати ва ватанининг юксалмаси йўлиндаги мужодаласи-ла таниван Туркистоннинг ганж туркчилариндандир. Турклик-чун мужодалаларинда бўлшавиклар тарафиндан қурбон эдилан улу шаҳидларимиза Тавгридан раҳматлар дилариз».

Шундан кейин «Ёш Туркистон»нинг ёзишича, Туркистондаги миллатсеварларнинг бошлиғи Мунаввар Қорининг бўлшавик рус жаллодлари қурбони бўлгани ҳақида Италия газеталаридан бештасида билги берилган, у газеталарнинг номл, чиққан вақти (1933 йил 31 декабрь ва 1934 йил 2 январ сонлари) кўрсатилган. Сўнгра «Туркистоннинг миллий мотамина қўшулмоқ назокатини кўрсатган қардон муҳожир матбуоти-ла чет халқлар нашриётига «Ёш Туркистон» юракдан ташаккурларини билдирадир» дейилган. Бу билгилар бизга Ватани, ватан учун, миллат учун курашган кишиларни танитади — бу ҳол «Ёш Туркистон»нинг хизмати ўз давригагина эмас, бугунга, келажакка ҳам қимматли эканини биладиради.

«Ёш Туркистон»нинг 1934 йилги 52-сон мундарижаси икки мустамлака — Ғарбий ва Шарқий Туркистондаги ҳодисалардан, унинг тарихи, маданияти, бугунги аҳволидан ҳикоя қилиши билан ажралиб туради. Журналининг бу сониди ҳам Тўқтамишўғлининг «Турк газитачилиги» мақоласининг давомл — XVII қисми берилган бўлиб, бу асар бизга Туркистон тарихининг энг муҳим даври ҳақида, шунингдек, у замондаги матбуот нашрлари хусусиди билгилар бериши билан эътиборлидир.

Маълумки, аҳолисининг тўқсон беш фоизи соф турк прқидан бўлган Туркистонда юрт эгаларининг ўз мустақил бир давлатларини — Туркистон Мухторият Хукумати қурилиши ҳодисаси рус большевиклари томовидан душманларча кутиб олинди. Ярим аср чор Русияси (рус большевикларининг отаси Ленин айтганидек, мустамлака халқларнинг турмаси) зулмидан қутулган туркистон-

ликларнинг мухторият эълон қилиб севинишлари уларга ёқмади ва золимлар яна мазлум халқ қувончини мотамга айлантирди. Туркистон Мухторият ҳукумати бошкенти Қўқон тўнга тутилди, ёндирилди, ўн мингларча ватан эгалари келгиндилар томонидан қиличдан ўтказилди, юрт ва халқ бойлиги таланди. Туркистон миллатининг қаҳрамон ва шаҳид шоир Абдулҳамид Чўлпоннинг «Бузилган ўлкага», «Ёнғин» шеърларида тасвирланган манзаралар ўша қонли кунларнинг бир чиғирисидир.

*Шундай катта бир ўлкада ёнмаган,
Йиқилмаган, таланмаган уй йўқми?
Бир кўз йўқми, қонли ёши томмаган,
Бугун кўнгул умидсизми, синиқми?*

(«Ёнғин» шеърдан)

Эллик йиллик мустамлакадан қутулиб, ота-боболаримиз буюк жасорат-ла қурган миллий Туркистон давлати шундай қилиб йиқитилди, ертўлаларда ясалган байроқ ҳилширамасдан яна маҳв этилди, муҳожиротдаги туркистонликларнинг дилида, китобларида, журналларида бир мунг, қонли, зулмли, ҳақсиз бир дунё ҳаётининг тимсоли ўлароқ сақланди: бугунда ҳам бу байроқ «Туркистоннинг йиқитилган бахтсиз байроқлари» қаторида саналмоқда (қаранг: «Турк Дунёсини ўрганиш Фонди» чиқарган «Турк дунёси» номли туркча ва ўзбекчадаги 1993 йил учун тақвимли альбом).¹

Бу ўринда большевиклар Озарбайжонда ҳам худди шундай иш тутганини, Қўқондаги Мухторият ҳукуматини йиққанидек, озарбайжонлар 1918 йил 28 майда тузган мустақил, миллий давлатини Ганжага қулаб бориб, қонга ботирганини, бошқа асир миллатларни ҳам шу балога гирифтор этганини эслатиб ўтиш лозим деб ўйлайман. Озарбайжонлар ўа мустақилликларини эълон қилиб, собиқ советлар Иттифоқидан чиқаркан, ўша йиқитилган Мухторият ҳукумати байроғини қайтадан тиклади, буни ҳам ўқувчиларимиз билиб қўйсалар, фойдадан холи эмасдир.

Хуллас, «Ёш Туркистон»даги мақола мавзусига қайтсак, демак, китобларимизда ёзилганидек, РСФСР тарки-

¹ "Türk Dünyası", Türk Dünyası Arastirmalari Vakfi, 1992, Istanbul.

бида бўлган Туркистон Автоном совет социалистик республикаси (1918—1924) тузилди, бошкенти Тошкент деб белгиланди. «Ёш Туркистон»да бу ҳақда шундай ёзилади: «Бу суратда илк миллий ҳукумат йиқитилиб, унинг ўрнига ҳақиқий туркистонликлардан бир киши ҳам қатнашмаган «Туркистон муҳториятли шўро жумҳурияти» тузулди. Бунинг-ла Туркистонда қайтадан рус ва Мўсква ҳокимияти қурулган бўлди ва қулаган чорлик Русиясининг мустамлака сиёсати рус бўлшавиклари тарафидан Туркистонда қайтадан тadbиқ этила бошлади. Туркистон турклиги орасига нифоқ солиниб, Туркистондаги миллий бирликни бузмоқ сиёсати такрор юрутулди. Туркистоннинг туркчи зумраси душманларнинг бу турк уруғлари орасига солмоға бошлаган заҳарини таъсирсиз қолдирмоқ учун турлу оғирликларға рағман керакли тadbирларға киришдилар ва илк иш ўлароқ 1918 йилнинг май ойинда «Турк сўзи» номинда бир ғазита чиқардилар. Тошкендда чиқарилган бу «Турк сўзи» ғазитасининг илк саҳифаси бошида йўғон ҳарфлар-ла «Турк болалари бирлашуб, сиз ҳам ҳаётдан ўз насибангизни олингиз» сўзлари ёзилгандир. Ҳафтада икки топқир чиқиб турган бу «сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва адабий турк ғазитаси» Туркистон турклиги бирлигини сақлаб қолмоқ йўлинда кўп тиришди ва бу ҳақда дейарли (қимматли — Т. Қ.) ёзувлар босиб чиқарди. Ёш туркчилар рус бўлшавикларининг «аввал парчала, сўнгра ют!» деган шиор билан бошлаган парчалама сиёсатига қарши халқ орасинда кўнгилдагидек чолиша (ишлай — Т. Қ.) билмак нияти-ла иккинчи бир одим отиб, Тошкендда «Турк ўчоғи» очдилар. Бу миллий ўчоқ (арабчаси марказ — Т. Қ.) нинг очилганлигини «Турк сўзи» тубандагича эълон этмишдир: «Туркистон туркларини миллий туғ остига тўплаб, аларға миллий руҳ, миллий ғоя ва миллий тарбия бермак; Туркистонда яшовчи турк уруғлариға ҳаммасининг бир турк ўғли турк эканлигини билдириб, ораларидаги қабилавий нифоқ ва нафрат ўрниға бирлик ва муҳаббат ерлаштирамак; миллий урф ва одатимизға мувофиқ суратда илм ва маърифатимизни, тижорат, зироат ва санъатимизни ривожлантириб, чин бир турк маданияти вужудга келтирамак; ва шул тариқада миллатимизнинг руҳоний ва жисмоний қувватини орттириш» (журналнинг 15—16-бетлари) дейилади мақолада.

Қаранг, бундан етмиш беш йил аввал Тошкендда тузилган «Турк ўчоғи» ўз олдига қўйган мақсад нақадар инсонпарвар, улуг бўлган: Туркистондаги элни — ўзбек,

қозоқ, қирғиз, туркман, тожик, қорақалпоқ, уйғур — барчасини бир ирқдан, бир ота-бобонинг насллари эканлини билдириб, ўрталарига босқинчи-мустамлакачилар солган нифоқни кўтариб ташлаш, ўртоқ, қариндош каби яшашга чорлаш! Бу гоё бутунда ҳам ниҳоятда зарур; назаримда, Ўзбекистондаги яратилаётган миллий мафкурагина эмас, балки барча мустақил жумҳуриятлар — Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон ва Қорақалпоқ Мухтор жумҳуриятидаги халқлар учун ҳам амал қилса арзийдиган фикрлардир. Зотан, бундан кейин тинчликда, қардошлиқда яшаш, бир-бирига кўмак бериш — эски Туркистон тупроқларида вужудга келган янги мустақил турк жумҳуриятларининг асл орзусидир.

«Еш Туркистон»даги мақолада ёзиллишича, ўша «Турк ўчоғи» ҳақида билдириш берилган «Турк сўзи» газетасида шу шеър ҳам бор:

*Кўтарилди туркнинг миллий байроғи,
Кўкарсин, деб Туронлининг гулбоғи!
Турон ёши! Қачонгача сончилғай
Юрт бағрига ёт эрларнинг тирноғи?
Бу тўқайнинг ёлғиз сендек арслони,
Қолармисан тулжиларнинг қўноғи?
Билмай қолдинг... бирлашмадинг, эзилдинг,
Чоп! Кел эмди, бирлаш! Билгил, ўртоғим,
Очилмишидир сенга турклик ўчоғи.*

(«Еш Туркистон», 16-бет).

«Турк сўзи» газетасининг Бош муҳаррири Темурбек Худоевхон, ҳарбий зобит бўлган. Бу газетادا Муҳаммадсаид Аҳрорий, Туйғун каби ёш туркчилар фаол қатнашган. У даврда рус большевиклари ўзларининг турли масалалари билан овора бўлиб турганлари учун бу ягона миллий сиёсий газета чиқиб турди, бироқ тез орада тўхта-тилди. Ундан кейин нашр этилган «Халқ дорилфунуни» газетаси эса, сиёсатдан тамоман четда турган (илк сони 1918 йил, 31 майда чиққан).

«Халқ дорилфунуни» бошида ҳафтада бир, кейинчалик икки марта босилган. Туркистон қитъаси мусулмон халқ дорилфунунининг фикр тарқатувчиси саналган. Унинг саҳифаси бошида «Сиёсат ва фирқачилиқдан бошқа мавзуларда ёзилгон мақола ва ёзувларга газета саҳифаси очиқдир» сўзлари битилган. Бу газета халққа маърифат тарқатишни бош мақсади билган, «Яшасин илмий инқилоб, яшасин халқ маорифи» унинг шиори

бўлган. Сиёсатга аралашмаган, сиёсатда ва фирқачиликда бирор душмани бўлмаган, бирдан-бир душмани деб жаҳолатни билган. Бош муҳаррири Мухторбек эди. Газета идораси аввал Эски Жўвадаги Морозов уйида, сўнг-ра янги шаҳар (Тошкентда, албатта — Т. Қ.)даги Пушкин номи кўчада жойлашган. Мана шу «Халқ дорилфунуни» Туркистонда чиққан хусусий ширкат, жамиятларнинг энг сўнгги матбуот намунаси эди. Муаллиф Тўқтамиш ўғлининг ёзишича, шу газетанинг ёпилиши билан Туркистонда «хусусий кишилар, турлу жамият ва ширкатлар томонидан чиқарилгон ва миллий руҳ ташигон газиталарнинг умри битган бўлди, ўнларнинг ўрнига «шақлча миллий, мундарижа эътибори-ла сўсёлистик» аталгон ва «Бутун дунё прўлатарлари бирлашингиз» ширини ташигон совет газиталари чиқа бошлагондир. 1918 йилнинг июн ойиндан бошлаб Туркистонда чиққан барча газиталар расмий совет нашриётдир» (18-бет).

«Ёш Туркистон» журналида берилган бу маълумоту бошқа тарихий билгилар, назаримда, мутлақо янгидир, бугунги кунда — Ўзбекистон Республикаси мустақил йўлдан бораётган, боболаримиз орзу қилган эркин ҳаётни қураётган масъулиятли даврда бунинг аҳамияти каттадир. Ўтмишда ўтган кишиларимиз, ўз умрлари, миллатга хизматлари ўлмас озошлик ғоялари билан бугун ҳам орамизда тирикдир. Зотан, мустақиллик шууридаги ҳар бир ватандош буни руҳан ҳис қилса, мустақиллаққа қарши курашда ҳаётини берган миллатдошларимизни тависа, уларнинг ғояларини ўрганса ва давом эттирса, шундагина ўтмиш билан бугун ўртасида кўприк яралади ва у бизни келажакка олиб ўтади. Зиёлиларимиз, олимۇ ёзувчиларимиз бу маънавий, миллий шуур кўпригини қуришга киришдилар, албатта. Бизнинг бу арзимас ишимиз ҳам шу кўприкни қуриш умидидаги бир интилишдир. Боболаримизники каби ширинимиз — «Яшасин миллий шуур! Маҳв ўлсин жаҳолат ва онгдаги миллиятсизлик! Яшасин эски Туркистон ерларида кўкараётган мустақил янги давлатларимиз! Яшасин уларнинг абадий бирлиги!»

1991—1993

МУНДАРИЖА

I

| | |
|--|---|
| Муҳожир туркистонликлар матбуоти | 3 |
|--|---|

II

| | |
|------------------------------|---|
| Хур Туркистон учун | 7 |
|------------------------------|---|

III

| | |
|------------------------|----|
| Ватани таниш | 37 |
|------------------------|----|

IV

| | |
|--|----|
| Зиявуддин Бобоқурбон. «Ташқаридаги турклар ва Туркистон ғояси» | 45 |
|--|----|

V

| | |
|---|----|
| Туркистоннинг энг эски тарихи | 63 |
|---|----|

VI

| | |
|---|----|
| Туркистон — илк маданият бешиги | 69 |
|---|----|

VII

| | |
|---|----|
| Утмишдаги миллий мустақил давлатларимиз | 74 |
|---|----|

VIII

| | |
|---------------------------------|----|
| Миллий ғоя қурбонлари | 85 |
|---------------------------------|----|

Литературно-художественное издание

ТАХИР КАХХАР

«ЗА НЕЗАВИСИМЫЙ ТУРКЕСТАН»

Эссе

Муҳаррир *Ҳ. Пмонбердиев*
Расмлар муҳаррири *У. Солиқов*
Саҳифаловчи муҳаррир *Е. Толочко*

ИБ № 0518

Босмаҳонага берилди 14.01.94 й. Босишга рухсат этилди.
17.03.94. Бичими 84×108^{1/32}. Босма қоғози. Юқори босма
Шартли босма табоғи 5.88. Нашриёт табоғ ҳисоби 6.34. 30,000
нусада Буюртма № 375. Шартли бўёқли босмада нашр
ҳажми 6,19 Баҳоси шартнома асосида

«Чулпон» нашриёти, 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон Республикаси, Матбуот Давлат Қўмитаси ҳузу-
ридаги Тошкент Китоб-журнал фабрикасида босилди.
Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1 уй.